

УМР  
ИҮЛЧ

---





Насриддин Раҳмонов



Тошкент  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Фан "нашриёти  
2004

74.03

*Масъул муҳаррир:*  
педагогика фанлари доктори, профессор  
*Жўра Йўлдошев*


Ю 30743  
391

Таниқли маориф ходими, устоз мураббий ва жамоат арбоби  
Насриддин Раҳмонов уз хотираларида босиб утган ҳаёт йўли ҳамда  
халқ таълимининг бугунги долзарб муаммолари ҳақида фикр юритади.

Тупламга устознинг яқин дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдлари  
ёзган дил сўзлари ҳам киритилди.

Р 4700000000—3—830 Рез. 2004  
М355 (04) — 2004  
ISBN 6—648—03047—9

© Ўз РФА «ФАН» нашриёти, 2004 йил.



W

*Русбой ЖўРАЕВ,  
педагогика фанлари доктори,  
профессор*

## МАОРИФ ФИДОЙИСИ

Муҳтарам президентимиз Ислоҳ Каримов “Эл-юрт учун, Ватан учун ёниб яшаш керак” деган шиорни кўп такрорлайди. Бу хитобда жуда теран маъно бор. Тарих гувоҳлик берадики, умрини халқ бахт-саодати учун бахшида этган, кўпчилик манфаати йўлида заҳмат чеккан, яъни “ёниб яшаган” азиз инсонлар ҳамма даврда ҳам эл-юрт ардоғида бўлган, эъзозланган ва қадр-эътибор топган. Уларнинг ҳашамлардан йироқ оддий ҳаёти, ҳалол меҳнати, юксак инсоний фазилатлари ёшлар учун ўрнак, намуна сифатида ибрат қилиб кўрсатилган.

Бугун умрини, онгли ҳаётини халқ таълими равнақиға бағишлаган мўтабар устоз Насриддин Раҳмонов ана шундай фидойи кишилардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда халқ таълими тизимида қўлга киритилган катта ютуқларимизни ана шу табарруқ инсоннинг меҳнатларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Болалигидан бошлаб мустабид тузумнинг шафқатсизликларини бошидан кечирган Насриддин ака ҳаёт синовларида тоблани, қийинчиликларни, турмуш машаққатларини енгиб чиниқди, аммо бир лаҳза бўлса-да, илм олишдан ва ўз билимларини ёш авлод онгига сингдиришдан эринмади. У талабалик йилларидаёқ зеҳнининг ўткирлиги, ташаббускорлиги, ташкилотчилик қобилияти билан ажралиб турар эди. Самарқанд Давлат университетини муваффақиятли тамомлаган давридан бошлаб, то ҳозирги кунгача у малакали педагог, куюнчак, ишнинг кўзини биладиган раҳбар, меҳрибон мураббий, устоз сифатида умрини халқ маорифига бағишлаб келмоқда.

Насриддин ака меҳнат фаолияти давомида мактаб ўқитувчилигидан бошлаб, то Халқ таълими вазирининг

Ўринбосаригача бўлган сермашаққат йўлни босиб ўтди. У киши раҳбарлик лавозимининг қайси бўғинида ишламасин, ўзи бошқарган жамоада юқори кўрсаткичларга эриша олди. Насриддин ака раҳбарлик қилган Янгийўл туманидаги ўрта мактаб вилоятнинг энг илғор жамоаси бўлганлигини ҳамкасблар ҳамон фахрланиб эслаб юришади. Ёки Самарқанд вилояти Халқ таълими бошқармасига етакчилик қилган пайтларда мактаблар ҳаётида катта с.л.жишлар юз бергани республика жамоатчилигига яхши маълум.

Насриддин Раҳмонов айниқса, Ўзбекистон Халқ таълими вазирининг ўринбосари бўлиб ишлаган йилларда кенг кўламда фаолият олиб борди. У бир пайтнинг ўзиде Олий ва ўрта педагогика ўқув юртларини бошқарди, юзлаб мактаблар, болалар боғчалари, ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришга, таълим тизимини ислоҳ қилишга жуда катта ҳисса қўшди. Бевосита унинг ташаббускорлиги ва жонкуярлиги туфайли барча вилоятлардаги педагогика институтларида юқори малакали кадрлар — ўнлаб фан докторлари, юзлаб фан номзодлари етишиб чиқди. Улар бугунги кунда илм-фан равнақи йўлида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Насриддин Раҳмонов нафақат ташаббускор раҳбар, балки изланувчан олим сифатида ҳам муносиб обрў-эътибор қозонган. Унинг “Ўзбекистон маданияти тарихи очерклари”, “Миллий озодлик ҳаракатининг долзарб масалалари”, “Ўзбекистонда педагогик таълим тараққиёти” каби салмоқли илмий асарлари мазмундор тадқиқотлар сифатиде муносиб баҳоланди. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида бир қанча олимлар докторлик ва номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ёқладилар. Академик, файласуф М.Б. Баратов, академик, биолог А.Қ. Қосимов, педагогика фанлари докторлари Ж.Ф. Йўлдошев, Р.Ш. Аҳлиддинов, Ҳ. Қ. Йўлдошев, тарих фанлари доктори Э.Ҳ. Ҳолиқовлар Насриддин Раҳмоновнинг муносиб шогирдларидир.

Камтарин инсон ва моҳир педагог, меҳрибон устоз 80 ёшга тўлди. Насриддин Раҳмонович бу қутлуғ кунни дўстлари, шогирдлари, ҳамкасблари, қариндош-уруғлари, ёрбировдарлари даврасида катта хурсандчилик ва шукроналик билан нишонламоқда. Бутун ҳаётини халқ маорифи равнақига бағишлаб, юксак мартабаларга эришган табарруқ устознинг ушбу китоби ёшларимиз учун ибрат намунаси, ўзига хос маънавий тарбия мактаби бўлади, деб умид қиламиз.

## МУҚАДДИМА

Эрта тонгда уйғониш менга азалий одат. Қуёш Тан-григоғ — Тиёншон чўққиларидан кўтарилиб, Чирчиқ водийсига, кўхна Тошкент боғларига илк нурларини соча бошлаган паллада кўчага чиқиб, соф ҳавода сайр қилишни яхши кўраман. Кенг кўчалар ҳали жимжит, хиёбонлар тинч, ҳавода ғубор йўқ. Хилма-хил гуллар шабадада силкиниб, хушбўй ҳид таратади. Қушлар чугурлашади, мусичалар ку-кулайди, чумолилар шошиб югуришади. Тиниқ осмонда қалдирғочлар, оқ кабутарлар чарх уриб, қувнаб ўйнашади. Бесаранжом чумчуқлар чирқиллаб, шохдан-шоҳга сакрайди.

Кўкрагимни тўлдириб нафас оламан. Уйғониб келаётган азим пойтахтимиз жамолига боқиб тўймайман. Мустақиллик йилларида Тошкентимиз таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди. Кўкка бўй чўзган улуғвор банк бинолари, ям-яшил сокин хиёбонлар бўйлаб чўзилган бири-биридан чиройли ойнаванд саройлар — ўқув бинолари, муҳташам меҳмонхоналар, супермаркетлар, театрлар, миллий безаклари зеб бериб турган консерваториянинг янги биноси... Амир Темур хиёбонида соҳибқирон бобомиз от устида виқор билан савлат тўкиб туради. Миллий боғдаги ям-яшил навқирон дарахтлар ичидан буюк шоиримиз, ўзбек халқининг ғурури, ифтихори бўлмиш ҳазрат Алишер Навоий қучоқ очиб бизга пешвоз чиқиб келади. Сокин академиклар шаҳарчасида улуғ олим Мирзо Улуғбек кумуш юлдузларга боқиб, дунё сирлари ҳақида хаёл суради... Ҳа, Тошкент ўзгариб кетган. Бир вақтлар не-не оғир кунлар,

ёвуз босқинларга гувоҳ бўлган, шаҳидлар қони билан бўялган пахса деворлар ҳам, чор генераллари тўпга тутганда қолган излар ҳам, эски шаҳардаги чолдевор уйлар ҳам аллақачон бузилиб, йўқ бўлиб кетган. Улардан Шўртепа, Ўқчи, Ўрда, Қоратош сингари юзлаб тарихий номлар мерос бўлиб қолган, холос.

Умримнинг катта қисми мана шу қадим ва дилга азиз шаҳарда ўтди. Кўп йиллар Чирчиқнинг тоза, шифобахш сувини ичдим, Тошкентнинг тузини тотдим. Турли лавозимларга шу ерда эришдим, шу шаҳарда фарзандларим, набираларим вояга етди. Бугунги кунда улар мустақил Ўзбекистонимиз, она юртимиз учун муносиб ўғил-қизлар бўлиб етишганини кўрганимдан, шу кунларга эришганимдан бахтиёрман.

Мен ҳам забардаст устоз шоиримиз Мақсуд Шайхзода Тошкент шаънига айтган оташин мисраларни юракдан такрорлашни яхши кўраман:

*Ҳар қачон, ҳар қайда дейилса “Тошкент”,  
Дегайсан ёзларга ёзлар туташган.  
Ҳа, “Тошкент” дейилса эсга келар ёз...  
Ҳа, “Тошкент” дейилса қуёш эсда шай.  
Қуёшки, умрзоқ авлодга дамсоз,  
Бу ерда ҳамма дер: — Қуёшча яшай!!!  
Дўстим, бўлганмисан бунда ёз фасли?  
Йўқ эрса, ёзларни кўрмабсан асли!..  
Умрида ким келса бир бор бу ерга,  
Қалбига экади Тошкентнинг меҳрин...  
Дейдилар: Тошкентда сув ичган чумчуқ  
Қайтиб келар экан Маккатуллодан,  
Юзи ҳам, сўзи ҳам, кўзи ҳам очиқ  
Табаррук тупроғи зару тиллодан...*

Тошкент кўпдан бери гуллар шаҳри, дўстлик шаҳри, меҳр шаҳрига айланиб кетган. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик, истиқлол неъмاتي. Ўзбек халқи озод ҳаётга, эркин турмушга, бировга бўйин эгмай яшашга эришгани, ўз бахтини, ўз тақдирини ўзи яратаётгани туфайли қўлга киритилган.



Кўнглимдан мана шундай ўйлар ўтади. Хаёл суриб Хадрага — Миллий академик театримиз қаршисига келганимни сезмай қоламан. Кўкка бўй чўзган кулранг бинонинг муҳташам устунлари, жигарранг мрамларига, чиройли гулзорга мафтун тикиламан. Яшил бўёқлари ярқираб турган 91-автобус бекатда тўхтади. Унга ўтириб Юнусобод мавзесига йўл оламан. Мустақиллик хиёбони, Мотамсаро она ҳайкали, Шератон меҳмонхонаси, Олой бозори, метронинг Минор, Бодомзор бекатларидан ўтиб, баланд телеминора қаршисида — Шаҳристон бекатида тушиб қоламан. Озгина орқага қайтиб, кўприкдан ўтаман. Чап қўлда — кумушдек товланиб сокин оқаётган Бўзсув бўйига тушаман. Бу ерда очиқ майдон, яшил хиёбонда Шаҳидлар хотираси ёдгорлиги бор. Қисқа муддат ичида халқимизнинг сеvimли зиёратгоҳига айланган муҳташам музей қурилган. Музей залларида ҳурмат билан тилга олинган ватандошларимизнинг азиз номлари қатагон йилларида унутилишга маҳкум эди. Ўзбек адабиётини дунёга танитган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Элбек, Усмон Носир, Ботулар, эрк учун курашган мард ўғлонлар, юрт мустақиллигини орзу қилган олижаноб инсонлар — маърифатпарварлар — буларнинг ҳаммаси Мустақиллик, истиқлол шарофати билан Озод Ватанимизга қайтиб келди. Энди уларнинг покиза номини фахр, ифтихор билан бошимизда баланд тутиб келмоқдамиз. Шунинг учун ҳам истиқлол йилларида амалга оширилган энг эзгу ишлардан бири ана шу Шаҳидлар хиёбонини бунёд этилиши ва уларнинг хотирасини юксак даражада нишонланишидир. Мана, неча йилки, ҳар куни юртимизнинг турли жойларидан юзлаб одамлар шу қутлуғ масканга келиб, Она Ватанимизнинг озодлиги, мустақиллиги учун азиз жонини фидо қилган, шаҳид кетган азиз фарзандлар хотирасини эъзозлаб, бир лаҳза сукут сақлайдилар. Хиёбон доим гавжум бўлса-да, эрталаб одам сийрак учрайди. Ҳар гал бу ерга келганимда энг аввал ўриндикда ўтириб, шаҳидлар хотирасига фотиҳа ўқийман. Сўнг оҳиста юриб музей атрофини

айланаман, гулзор орасидаги сўқмоқларда кезиб хаёлга чўмаман. Оёқларим беихтиёр дарё томонга етаклайди.

Бетон қирғоқларга секин урилиб, мавжланиб, гирдоб ўраб оқаётган тиниқ сувларга қараб жим ўтираман. Оқар сувлар чексиз ўй-хаёлларимни олис-олисларга оқизиб кетади. Қатағон йилларини, бегуноҳ отоналарим, қариндош-уруғларимнинг бошига тушган, ўзим гувоҳ бўлган оғир кунларни хўрсиниб эслай бошлаганимни сезмай қоламан. Ана шундай кезларда бу сокин масканда узоқ вақт ёлғиз қолиб кетаман. Дарё сувлари сеҳрига тортади, олис воқеалар, шиддатли кунлар кўнглимдан дарёдек оқиб ўтаверади, оқиб ўтаверади.

## ТУҒИЛГАН ЖОЙИМ ҲАҚИДА

Мен Нуротада туғилиб, вояга етганман.

Ўлкамизда бири биридан гўзал, сўлим масканлар кўп. Бўстонлиқ тоғлари, Шоҳимардон сойлари, Зомин кўриқхонаси, Ургут, Яккабоғ, Китоб, Вахшивор, Бойсун, Сариосиё каби юзлаб табиатнинг кўли билан яратилган мўъжизалар бор. Бу ерлардаги табиат чиройи одамни мафтун қилади, сеҳри-жозибаси билан бағрига чорлаб туради. Бу гўзал жойларни бир кўрган киши яна қайта кўришни орзу қилиб яшайди.

Мен учун Нурота ана шундай сеҳрли маскан, табиат ато этган муқаддас, азиз диёрдир. Болалигим, ёшлигим ўз номи билан Нур — Нурота бўлган ана шу сўлим гўшада ўтди.

Нуротани гўзал Ўзбекистоннинг ноёб гавҳарларидан бири деб ҳисоблайман. Одамзоднинг илк манзилгоҳларидан бири бўлмиш бу кўҳна маскан кўп тарихий воқеаларга гувоҳдир. Нурота йўлларидан жаҳонни забт этишни орзу қилган Искандар Зулқарнайн қўшинлари, Чингиз галалари ва бошқа истилочилар ўтганига тарих гувоҳ. Нуротанинг шимолий тизмаси қадимдан Зарафшон водийсини Қизилқумдан эсадиган гармсел шамоллардан ҳимоя қилган. Айна замонда у

воҳага кириш йўлини қўриқлаган табиий дарвозалардан бири бўлган. Зарафшон водийсига фақат икки йўл — “дарвоза” билан кириш мумкин эди. Уларнинг бири Жиззахдаги “Илон ўтди” дараси бўлса, иккинчиси Нур (Нурота) эди. Шунинг учун Жиззахда ҳам, Нуротада ҳам мустаҳкам қалъа ва ҳарбий истеҳкомлар қурилган ва улар ҳар доим қаттиқ ҳимоя қилинган. Нур қалъасини Искандар бино қилган деган ривоятлар бўлиб, бу ҳақиқатга тўғри келади. Нуротада ҳали ҳам Искандар, Зулқайнар деган қишлоқлар бор.

Чингизхон аскарлари Бухорони Жанубий Қозоғистон ва Еттисув билан боғлайдиган қадимий саҳро йўли орқали Нуротага кириб келганлар. Бу оғир, машаққатли йўл ҳам Нур қалъасига келиб туташган. Фақат қалъа ҳимоячиларини енгиб, мамлакат ичкарасига кириш мумкин бўлган. Бир вақтлар Сирдарёда Чордарага яқин жойда яхши жиҳозланган паром ишлаб турган. Дарёдан ўтилгач, ғарбга фақат чўл орқали борилган. Бу йўлнинг ҳар 30 километрида мустаҳкам работ қурилиб, қудуқдан сув чиқарилган. Работ харобалари яхши сақланган. Археологик материаллар бу работлар эрамизнинг VI-VII асрларида қурилганидан дарак беради.

Нур манзилгоҳи қадим замонларда қоя тошлар остидан қайнаб чиқадиган катта булоқ атрофида бунёд этилган. Ана шу булоқ шарофати билан бу ерларда обод, гуллаб-яшнаган шаҳарча ва турли катта-кичик қишлоқлар пайдо бўлган. Нурота булоғининг таърифи узоқ-узоқларда ҳам машҳур. Халқимиз уни муқаддас санайди ва ихлос билан зиёратга келади. Муқаддас ва азизлиги боис бу гўзал маскан Нурота деб шуҳрат топган. “Ота”, “ато” номи азиз авлиёлар яшаган жойларга қўйилгани маълум. Масалан, Олма-ота, Авлиё ота, Дарғонота, Жигарбандота, Зангиота, Оқсоқ ота, Сурон ота ва ҳоказо.

Нуротага боғлиқ табиат ажойиботларидан бири шуки, булоқ суви тўпланган улкан ҳовуз ва ариқларда минглаб балиқлар (гулмоҳи—маринка) яшайди. Улар муқаддас саналади, маҳаллий аҳоли ҳам, бу ерга кел-

ган зиёратчилар ҳам уларни ниҳоятда эъзозлайдилар, ҳеч ким уларга тегишга, ҳатто қўрқитишга ҳам журъат этмайди. Катта булоққа келган одамлар сувга нон ёки бошқа ҳар хил емишлар ташлаб, балиқлар талашиб-тортишиб ейишини томоша қилишни яхши кўрадилар.

Тарихчи Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий “Бухоро тарихи” асарида Нурота ҳақида шундай ёзади: “Нур катта жой. Унда масжиди жоме бор; у кўпгина работларга эга. Бухоро ва бошқа жойларнинг одамлари ҳар йили зиёрат учун у ерга борадилар. Бухоро аҳолиси бу ишда кўп муболаға қиладилар; Нур зиёратига борган киши ҳаж қилган (кишининг) фазилатига эга бўлади; у зиёратдан қайтиб келганида табаррук жойдан келганлиги сабабли шаҳарни ҳавоза банд қилиб безатадилар. Бу Нурни бошқа вилоятларда Нури Бухоро деб атайдилар. Тобеинлардан кўп кишилар у ерга дафн этилганлар, худо уларнинг ҳаммаларидан то қиёматгача рози бўлсин!” (Т., “Фан” нашриёти, 1966 й., 20-бет).

Шу кунларда ҳам Марказий Осиё халқлари орасида қадимий бир нақл юради: “Ҳажга борсанг Маккага бор, Маккага боролмасанг Нуротага бор. Нуротага боролмасанг, нуроталик кишининг суҳбатида бўл”.

Қадим Нурота диёрига илк бор қадам қўйган киши аввало уч нарсани: таърифи етти иқлимга кетган гўзал чашмани, шаҳардаги тарихий обидаларни, жумладан, Шайх Абул Ҳасан Нурий даҳмасини ҳамда Ҳозир қўрғонидаги “Шоҳимардон”, Деҳибаланд қишлоғидаги “Имом Ҳасан”, “Имом Ҳусайн”, “Имом Муҳаммад Ҳанифа” мақбараларини зиёрат қилиши шарт ҳисобланган.

Шайх Абул Ҳасан Нурий ким? Бу ҳақда нуроталик истеъдодли ёзувчи ва олим Бахтиёр Омонов шундай ёзади:

“Шайх Абул Ҳасан Нурий IX асрда Нурда яшаган йирик диний арбобдир. Ислом таълимотини тарғиб қилган бу мукаррам зотнинг даҳмаси Нур чашмаси соҳилидадир. Бу зот ҳақида Ҳажвирий “Кашф ал-Маҳ-

жуб” (X аср) асарида: “У сўфийликнинг “нурий” босқичига асос солган”, дейди. Жомийнинг “Нафахот ул-унс мин ҳазарот ул-қудс” (“Пок зотлар тарафидан эсан дўстлик шабадалари”), Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” тазкираларида ҳам бу улуғ зот ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади. Сўнгги асарда ёзилшича, шайх “Амир ал-қулуб” деб улуғланган ва шайх Сирий Сақатийнинг шогирди бўлган Аҳмад Ҳавофий билан мароқли суҳбатлар қурган. У тасаввуф илмини фақирларга ўргатган ва шогирдлар етиштирган. 907 йили вафот этган.

Абул Ҳасан Нурий сомонийлар даврида яшаган буюк алломаларимиздан бири саналади”.<sup>1</sup>

Бу қадим юрт, ажойиб чашма, кўҳна Нур қалъаси ҳақида кўплаб бадий асарлар ҳам ёзилган. Жумладан, Абдуллоҳ ибн Маъсуд икки юз қирқ мисрадан иборат “Нур ҳақида рисола” асарида Нурота мўъжизаларини шундай улуғлайди:

*У ерга нур ато қилди Худойим,  
Кўриб Искандар бу сирни баногоҳ,  
Жўнади Нур тарафга анда ул Шоҳ.  
Борибон кўрдилар жойи муаттар,  
Суви айни мисоли Кавзи кавсар...  
Хуруш айлаб Искандари подшоҳи,  
Борибон чиқдилар боланди куҳи.  
Назар айлаб баногоҳ Нур тараф ул  
Кўрар арш бирла кўкдин нур тўкилуру...*

Хуллас, Нурота ана шундай Олло-таоллониң назари тушган машҳур жой. Бу ерда деҳқончилик маданияти ҳам жуда қадимдан шаклланган. Аҳоли коризлар қазиб, ер ости сувларидан фойдаланишни яхши билган. Академик Яҳё Фуломовнинг маълумот беришича, Нурота чўлларида 360 та кориз бўлган. Уларнинг баъзилари 24-32 тагача қудуқлар билан бир-бирига боғланган. Ривоятларга кўра, қадим Нуротадаги

---

<sup>1</sup> Омон Б. Бобурнинг болалиги. Тошкент: Ф.Фулом номли нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2002, 93-бет.

коризлар 2 минг йил олдин қурилган. Унинг 10-15 таси Искандар замонида қурилган.<sup>1</sup> “Коризлар қудуғи оралиғи 10 м., тагидан одам бўйи туннел қазиб ўтказилган. Ҳар 10 қудуқ оралиғи тизза бўйи, яъни ярим метр бўлиб бораверган. Ер юзига сув чиқариш учун 200-300 та қудуқ қазилган ва охирида жарма қилиб сувни қудуқсиз оқизиш зарур бўлган. Жарманинг чуқурлиғи 3 метрдан аста-секин пасайиб боради”<sup>2</sup>. Бу маълумотлар қадимги аждодларимиз суғориш ишларига доир муаммоларни жуда осон ва оқилона ҳал қила олганидан дарак беради. Халқимизнинг асрий тажрибалари, бой деҳқончилик анъаналаридан ҳозир ҳам фойдаланиш катта манфаат етказган бўлар эди.

Мен ана шу жойда — кўҳна маданиятимизнинг бешиқларидан бирида ўсиб-улғайдим. Табиат гаштини суриб яйраган бўлсам-да, афсуски, қатағон йилларидаги ҳаёт менга, айниқса, ота-боболаримга кулиб боққан эмас. Бунга кўп марта гувоҳ бўлганман.

## ОТА-БОБОЛАРИМНИНГ ЎТМИШИ

Мен 1925 йилда туғилганман. Болалигимда отам Раҳмонберди Худойберди бобом ҳақида, ўтмиш замонлардаги ҳаёт тарзи ва тирикчилик муаммолари хусусида кўп гапириб берар эди. Оллоҳ берган неъматларга сабр-қаноат қилиш, рўзғор қийинчиликларини ҳалол меҳнат, пешона тери билан енгил лозимлиги ана шу йилларда қулоғимга қуйилиб, миямга ўрнашиб қолган.

Бобомнинг бутун авлод-аждоди косиб ўтган. Нуротада қадимдан аҳоли зич яшагани учун ҳунармандчилик, косибчилик, чармгарлик, кулолчилик, ганчкорлик яхши ривожланган. Бу ёғи Бухорою Самарқанд, Каттақўрғон билан савдо-сотик, олди-берди сира тўхтаган эмас. Нуротанинг ўзида ва Ҳозир қишлоғида қазиб чиқарилган мрамор тошларга шу ернинг ўзида

<sup>1</sup> Омон Б. Ўша асар, 89-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар, 90-бет.

ишлов берилган. Қўли гул усталар тошга жило бериб, ажойиб иморатлар қуришга жуда моҳир бўлганлар. Кейинчалик Ҳозгон мрамари саноат миқёсида ишлаб чиқариладиган бўлди. Ҳозир Тошкент шаҳридаги кўп биноларда, жумладан метро бекатларида Ҳозгон мрамарини кўриб, кўзингиз қувнайди. Собиқ Шўро даврида Москва ва Ленинград метрополитенида, Кремлда ва Қизил Майдонда Ҳозгон мрамари кўплаб ишлатилган эди.

Хуллас, ҳунармандчилик, косиблик, деҳқончилик, чорвачилик нуроталикларга ота мерос касб. Бу ерлар нисбатан Бухорога яқин бўлгани учун ҳазрат Абдухалиқ Фиждувоний ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти аҳоли орасига кенг сингиб кетган эди. Эсингизда бўлса, ҳазрат Хожа Баҳоуддин таълимотининг асоси “Дил ба ёру, даст ба кор” (“Дилингни Оллоҳгаю, қўлингни ишга бағишла”) деган шиорда акс этган. Бу сўзлар заминида кўнгилга Оллоҳ муҳаббатини жойлаган ҳолда ҳалол меҳнат қил, ўз ризқу рўзингни, ҳар бир луқмангни пешона тери билан топ, ҳаромдан ҳазар қил, деган улкан маъно ётади. Тасаввуф аҳли ана шу нуқтага — “луқма хиллияти” (ҳалол меҳнат билан топилган овқат ҳисобига яшаш) га катта аҳамият беради. Косиблар, ҳунармандлар эса азал-азалдан ана шундай одамлар жумласига киради. Алишер Навоий “Насойимул муҳаббат” асарида “Қуръон”дан косиблар ҳақида айтилган оятни келтиради: “Ҳар ойина (косиб Оллоҳнинг севган бандасидир) мазмуни билан кибор машойих баъзи санъатларга иштиғол қилибдурлар”. Сўнгра ҳазрат жуда кўп мўътабар шайхлар, тасаввуф аҳли “шу илоҳий талабга биноан бирор касбнинг эгаси бўлганини, яъни ўз ҳаётини ҳалол луқма ҳисобига таъмин этганини уқтиради” (И. Султон). Навоий давом этади: “Ул жумладин, Шайх ул-машойих Шайх Абу Саид Харроз қаддасаллоҳу руҳаҳул азиз эрдиким, аларни машойих Қамар ус-суфия дебдурлар. Ва шайх ул-ислом муқарраби Ҳазрат Борий Хожа Абдуллоҳ Ансорий қ.р. машойих табақатинким битибдурлар, жамии авлиёуллоҳдинким зикр қилибдурлар, барчадин

аларни кўпрак васф қилибдурлар ва мартабаларин бий-икрак тутубдурлар. Алар ўтук тикарга мансубдирлар”. Кўрамизки, Навоий ҳазратлари косиблик ҳунари билан тирикчилигини ўтказиб, элга манфаат етказган шайхга алоҳида ҳурмат, эҳтиром кўрсатади. Шоир ҳунар аҳлини ҳар доим улуғлайди, эъзозлайди. Унинг учун ўз замонасининг яғонаси бўлмиш машойих Шайх Муҳаммад Саккок “пичоқчиликка мансуб”лиги билан азиз. Шоир темирчилик қилган Шайх Ҳафз Ҳаддодни, ўтмакчилик (яъни нонвойчилик)да машҳур бўлган Шайх Абулбакр Хаббозни, қассоблик билан умр ўтказган Шайх Абулаббос Омийлини, гишт қуйган (“хишт авалабдур”) Шайх Иброҳим Ожурийни, дошгарлик (куллолчилик) қилган Мирчан Сафолфурушни, ҳаммол Шайх Абулҳасан Музаййин ва нажжор (дурадгор) Шайх Абулҳасанни, “кимхо нақшини боғламоғқа машҳур” Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд каби сиймоларни юксак ҳурмат билан тилга олади. Бу зотлар ҳалол меҳнат билан тирикчилик ўтказгани, эл корига ярагани учун муносиб иззат-икромга сазовордирлар. Шоир яна ёзади: “Ва сойир машойихи кибордин ҳам кўпи ҳалол луқма касбиға муздурлуқ қилибдурлар, ўтин тошубдурлар ва ҳалол луқма бу ишда куллийдурки, ондин файзу маърифат зоянда бўлур”.

Алишер Навоий юксак эҳтиром билан тилга олган ҳалоллик, поклик, ҳаром луқмадан ҳазар қилиш каби фазилатлар косиблар, ҳунар аҳли табиатиға асрлар оша сингиб кетган эди. Менинг боболарим, қариндошларим, отам ҳам халқимизнинг ана шу буюк анъаналарига садоқатли кишилар бўлганиға шубҳа йўқ. Нурота аҳли уларни шунинг учун ардоқлаб, эъзозлаб, ҳурмат кўрсатиб келган.

Хуллас, бобомнинг аждодлари косиблик билан умр ўтказиб, ҳалол луқмасини пешона тери билан топиб яшаганлар. Уларнинг мато тўқийдиган дўкон (дастгоҳлари) ҳам бўлган. Бу дастгоҳларда алак, олача ёки бўз тўқиганлар. Шундан олган даромадлари билан рўзгор тебратиб, бола-чақа боққанлар. Уларнинг бир гектар чамаси ота мерос ерлари ҳам бор эди. Унга ўзлари



чигит экишган. Териб олинган пахтани ўзлари қайта ишлаб, калава ип қилиб, ўз дастгоҳларида мато тўқиб, тайёр маҳсулотни бозорга чиқариб сотганлар. Бутун рўзғор ана шу бир гектар еру тўқув дастгоҳи орқасидан тебраниб турган. Улар бировга қарам бўлмасдан ўртача даражада ҳаёт кечирганлар. Бобом Худойберди отасининг ягона фарзанди бўлган. Косиблик ҳунари ҳам, ғўзага ишлов бериб, йиғиб-териб олиш, калава ипга айлантириш осон бўлган эмас, албатта. Авлодаждодларимиз ана шу оғир меҳнат машаққатларини энгиб яшашга, унинг натижасида қўлга келадиган ҳалол неъматларга кўникиб кетганлар. Меҳнатсиз турмуш уларнинг табиатига, ҳаёт тарзига бутунлай ёт эди.

Худойберди бобомнинг уч ўғли ва бир қизи бўлган. Катта ўғли — амаким Ражаббой, отам Раҳмонберди, кичкина амаким Сафарбой ва аммам Ҳамидабонулар оталаридан жуда ёш етим қолишган. Катта амаким Ражаббойнинг зиммасига ҳам рўзғорни тебратиш, ҳам укалари ва синглисини тарбиялаб, вояга етказишдек улкан масъулият жуда эрта тушган эди. Раҳматли амаким турмуш чорраҳаларида гангиб қолмасдан меҳнат машаққатларини энгиб ўта олган. Амаким Ражаббой ота-боболардан ўтиб келаётган косибчилик ҳунарини укаларига ўргатиб, уларни катта ҳаёт йўлига бошлаган. Мен бугун бу иш қанчалик оғир бўлганини жуда чуқур ҳис этаман ва оилага раҳнамолик қилган раҳматли амакимнинг руҳи-покларини чуқур ҳурмат билан ёдга оламан.

Хайриятки, бобомдан фарзандларига ўша бир гектар чамаси ер, иккита тўқув дастгоҳи мерос қолган. Акс ҳолда улар оғир мусибатларга дучор бўлиши мумкин эди.

Ўша йилларда ўртаҳол оила фарзандлари ҳам ўқиб, билим олиш, илм-маърифат эгаллаш имкониятига эга эди. Бу имкониятдан дастлаб Ражаббой амаким фойдаланган. У бошланғич саводни Нурота муллалари қўлидан олган. 17 ёшида Бухорога бориб, мадрасага ўқишга кирган. Оилага мадад бўлсин деб, бойларнинг эшигида хизмат қилиб, турли вазифаларни бажарган.

Ҳозирги тил билан айтсак, ҳам ўқиб, ҳам ишлаган. У киши 21 ёшида мадраса таҳсилани тугатиб, Нуротага қайтиб келган. Шундан кейин укаларини ёнига олиб, ота касбини давом эттирган. Диний ва ҳаётий илмларни пухта эгаллагани учун Нуротада амакимнинг иззат-эътибори кучли бўлган. Амаким ҳаётда маълум тажриба тўплаб, билим, малака орттиргандан кейин — ўттиз ёшларида уйланган. Оилали бўлгач, отам Раҳмонбердини ҳам Бухорога ўқишга юборган. Кичкина амаким Сафарбой шаҳарда ўқиган эмас, аммо у киши ҳам Нуротада бошланғич маълумот олган эди (шу ўринда шўролар даврида қасддан кенг тарқатилган бир улкан ёлғон — Ўзбекистонда Октябрь инқилобигача аҳолининг 98 фоизи саводсиз эди, деган уйдирмага муносабат билдириб ўтиш лозим. Шахсан ўзим маориф ходими бўлганим учун буни яхши биламан. Инқилобгача ҳам ўзбек халқининг саводи баланд бўлган. Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва бошқа шаҳарларда олий мадрасалар мунтазам ишлаб турган. Ҳар бир маҳалланинг ўз ибтидоий “эски мактаби” бўлган. Кейинроқ янги усулдаги жадид мактаблари, рус-тузем мактаблари очилган. Энг камбағал оилаларнинг фарзандлари ҳам ҳеч бўлмаганда ана шу ибтидоий маҳалла мактабларида таҳсил олиб, ўқиш ва ёзишни ўрганган. Бу ҳаётий зарурат эди.)

Амаким Сафарбой умрини билим олишга эмас, кўпроқ ота-боболар касбини муносиб давом эттиришга бағишлаган эди. У дастгоҳда бўз тўқиш ҳунарини жуда яхши эгаллаганидан хабарим бор.

Отамда илм-маърифат эгаллашга иштиёқ кучли бўлган. У Бухоро мадрасасида ўқитиладиган диний ва табиий фанларни, араб тилини, “Қуръон” тафсирини яхши эгаллагани учун Мисрда ўқишни давом эттиришга лойиқ топилган. Отам бу таклифни қабул қилиб, 1914 йилда Қоҳира мадрасасига ўқишга кирган. Бироқ, орадан кўп ўтмай Биринчи Жаҳон уруши бошланиб, кун кечириб ва ўқишни давом эттириш оғирлашиб боради. Аммо ҳаётдаги қийинчиликлар ва турли машаққатлар ундаги илм иштиёқини сусайтира олмайди.

У 1918 йилда Қоҳирадаги таҳсилни тугатиб, ўз ватанига эсон-омон қайтади. Отам Нуротага келганда, она юрти аввалги осойишталиги ва маъмурчилигини анча йўқотган эди. Октябр тўнтаришининг совуқ шамоллари бу сўлим гўшага ҳам етиб келиб, синфий айирмачиликлар, бебошлик ва талон-торожларни кучайтирган эди. Нурота қишлоқларида ҳам “фаол”га айланган одамларнинг:

— Йўқолсин золим бойлар!

— Яшасин, Шўро ҳукумати!

— Муштумзўрга ўлим! — сингари хитоблари содда оломоннинг бошини айлантириб қўйганди.

Отам ҳам, амакиларим ҳам диндор ҳунарманд кишилар бўлгани учун катта талатўпларга аралашмадилар. Имкони борича, одамларни бирдамликка, аҳилликка, тинчликка, диёнатга даъват этдилар.

Мана, орадан қанча йиллар ўтиб, шамоллар, довуллар тингач, ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини энг одил ҳакам — Вақтнинг ўзи кўрсатди. Сохта шиорларга алданган содда оломон осойишта, фаровон юртининг илдизига болта урди. Юрт бойликлари таланди, асрий удумларимиз оёқ ости қилинди, минглаб бегуноҳ одамлар ноҳақ қурбон бўлиб кетди. Булар ҳақида кейинроқ батафсил гапиримиз...

Отам 1919 йилда 32 ёшида уйланди. Орадан бир йилга яқин вақт ўтар-ўтмас хотини туғиш пайтида оламдан ўтди. Чақалоқ ҳам нобуд бўлди. Отам бу фожиа туфайли анча вақт ўзига келолмай юрди. Дил яралари битиб, қанча сувлар оқиб ўтгандан кейин, 1924 йилда у менинг онам Раҳимаойга уйланади. Онам шу пайтда 14 ёшда бўлган. Аммо уларнинг тинч-тотув, ширин турмуши узоққа бормади. 1925 йилда мен туғилдим, ёш турмушга чиқиб, ҳомиладорлик даврини оғир кечирган онам касалликка чалиниб, 15 ёшида оламдан ўтади. Онам вафот этганда мен тўрт-беш ойлик чақалоқ эканман. Катта амакимнинг хотини мени неча онага эмдириб — зўрға сақлаб қолган.

Мени парвариш қилсин, авайлаб ўстирсин деган ниятда отам учинчи маротаба уйланган. Аммо янги

келин тўй кечаси қаҳратон совуқда чимилдиқда жон берган. Буларнинг ҳаммаси отам ҳаётидаги улкан фожиалар эди. Кейинчалик унинг бошига тушган оғир кўргуликлар олдида бу шахсий фожиалар ҳолва бўлиб қолди.

## ФОЖИАЛИ ЙИЛЛАР. ОҒИР КЕЧГАН ЁШЛИГИМ

Отамнинг бошига тушган мусибатлар амакиларим ва аммам учун ҳам қайғули эди. Бунинг устига болалигимда ҳаёт бошимни асло силамади.

Бир ёшга етар-етмасимдан оғир қизамиқ касалига дучор бўлиб, ўлим тўшагида ётганман. Айтишларича, ойлар давомида оғзимга сув томизиб, ҳаётимни зўрға сақлаб қолишган экан. Мен она юзини, она бағрини, она меҳрини кўрмай ўсдим. Бу — ҳаётимда энг катта армон бўлиб қолди.

Аммам — отамнинг опаси Ҳамидабону мени 4-5 ёшимгача қаради, парвариш қилди, тарбия берди. У онам ўрнига оналик қилди, меҳр қўйиб, авайлаб ўстирди. Аммам эридан 18 яшарлигида жудо бўлган. Фарзанд кўрмаган. Туякаш эрини қарвон сафари даврида қароқчилар ўлдириб кетишган. Аммам умр бўйи ёлғиз яшади, оғир ҳаёт кечирди. Улар — уч ака-ука, бир сингил ичкари-ташқарили катта ҳовлида яшашган, ичкари ҳовлида катта амакимнинг хотини, қизлари, аммам ва бошқа қариндош-уруғлар урчуқда, чархда калава, ип тайёрлаб берар эдилар. Кичкина амаким Сафарбой бўёқчи эди. У катта хумларда калаваларни бўйаб берарди. Мен ва бошқа мен тенги болалар тайёр ипларни ташқари ҳовлида дастгоҳларда ишлаётган катта амаким ва отамга чиқариб берар эдик. Бу вақтда 4-5 ёшда эдим. Юқоридаги ҳолатларни яхши эслаб қолганман.

Агар шўро ҳукумати халақит бермаганда бизнинг аҳил оиламиз ўз ҳалол меҳнати билан тинч, осуда ҳаёт кечиришда давом этган бўларди. Шафқатсиз ҳаёт бунга йўл қўймади. Инқилоб ва ундан кейин бир неча

йил давом этган фуқаролар уруши мамлакатни хароб этди, асрий қадриятлар, гўзал инсоний фазилатлар, меҳр-оқибат оёқ ости қилинди. Ниҳоят, НЭП — Янги иқтисодий сиёсат даврида ҳунарманд, косибларнинг елкасига яна офтоб тегиб қолган эди. Бу ҳам узоққа чўзилмади. Кўп ўтмай якка ҳунарманд, тadbиркор, ишбилармонлар зарбага учради. Ундан кейинги зарба коллективлаштириш баҳонасида деҳқонларга, умуман қишлоқ аҳлига, косибларга берилди.

Шўро ҳукумати онгли зиёлилар ва диндорларни ҳам душман деб эълон қилди. Оқибатда улкан мамлакат сунъий уюштирилган сиёсий кураш, қизил террор, қатағон гирдобида қолди. Бегуноҳ халқ бошига яна мисли йўқ қулфатлар тушди. Миллионлаб одамлар “халқ душмани”, “миллатчи”, “зараркунанда”, “қулоқ” сифатида йўқ қилинди. Бизнинг оиламиз ҳам ана шу қатағон шамоли, аччиқ довуллари ҳудудига тушиб қолдики, бу гирдобдан четда қолиш ёки қочиб чиқишнинг асло иложи йўқ эди. Оиламиз бошига тушган қора кунлар, ўзимнинг шу йиллардаги сарсон-саргардон кезишларим ёдимга тушса, ҳали-ҳали вужудимда даҳшатли оғриқ бошланади.

1930 йилларда кўзга кўринган обрў-эътиборли кишиларнинг бошига катта мусибат ва қулфатлар тушди. Уларни қулоқ қилиб қамаш бошланди. Нуротада машҳур таниқли кишилардан Ражаббой Фулом, Эшони Судур, Эшони Сайиджон қори, Маҳмуд ва бошқа шуларга ўхшаган илм соҳиблари, фозил кишилар, руҳонийлар қамалиб, Сибирга сургун қилинди. Улар номнишонсиз йўқолиб кетдилар.

Амаким мулла Ражаббой ва отам большевиклар инқилобини яхши қабул қилмаган эдилар. Маҳалла оқсоқолларининг айтишича, улар ГПУ вакиллари билан тез-тез айтишиб келишган. Дастлаб катта амаким мулла Ражаббойни қулоқ қилиб қамашди. Кичкина амаким Сафарбой мени Каттакўрғон тумани ҳудудида жойлашган Кадан қишлоғига олиб борди. У ердаги зах ботқоқликда қамоқхона жойлашган экан. Атрофи девор билан ўралган бу жойда бирорта бино, иморат йўқ эди. Очиқ жойда неча минг кишилар ерда ўтири-

шар эди. Орадан бир йил ўтмасдан амаким шу қамоқ-хонада дунёдан ўтди. Энди навбат отамга келди. Инқилоб душмани деб уни ҳам қамаш пайига тушишди, отам кечаси ҳеч кимга билдирмасдан узоқ жойга қочиб кетди. Ҳовлимизни ГПУ вакили Чаркин (исмини ҳали ҳам эслайман) тинтув қилди, уй деворларини, молхона, омборхоналарни бузиб бойлик излади. Амаким ва отам бир уй ичида икки метр кенгликдаги деворни шифтгача тиклаб, ичига хотинларнинг олтин, кумуш тақинчоқлари, қимматбаҳо кийим-кечақлар, ўзлари тўқиган бўзлар-матоларни ва бир ярим-икки минг чамаси китобларни беркитиб, девор устини суваб қўйишган экан.

Бу омборхонани топишди, ҳамма нарсаларни, уй-рўзгор асбобларини олиб кетишди. Шуниси ачинарлики, ҳамма китобларни ҳовлига чиқариб ёндиришди. Олов алангасидан ҳовлидаги тут дарахти ҳам ёнди. Бу воқеаларнинг гувоҳиман, яхши эслайман. Ҳовлидан ҳаммамизни ҳайдаб чиқаришди. Ҳеч нарса олишга рухсат беришмади, дарвозани сўргичлаб кетишди. Шу куни онамнинг оталари — бобом сўфи Эшонқулни ва унинг ака-укаларини кулоқ қилиб, ҳаммаларини ҳовлисидан ҳайдаб чиқариб, мол-мулкларини мусодара қилишди.

Ота-боболаримнинг, онамнинг авлодлари ва бошқа ўнлаб кулоқ қилиниб қамалганларнинг оилалари Тожикистонга — Душанбе шаҳрига қочиб кетишди. Ҳозир ҳам уларнинг фарзандлари, неваралари Душанбе шаҳрида истиқомат қилишади. Мен аммам Ҳамидабонунинг қўлида қолдим. Сафарбой амаким отамни излашга тушди. Хатирчи тумани ҳудудидаги тоғ ёнбағрида жойлашган ёнбош — Чорпара деган қишлоқда яшар экан. Мени 1931 йили (олти ёшда эдим) отамнинг олдига жўнатишди. Мен отам билан яшай бошладим. Уй-жойимиз йўқ эди. Турли кишиларнинг уйларида ётиб юрар эдик. Кўпинча қишлоқда бир ўзим қолиб кетар эдим. Отам қишлоқма-қишлоқ маросимларда юриб, тирикчилик учун озиқ-овқат топиб келарди.

Тошдан кичкина уй қурдик. Отам фарзанди йўқ бир бева хотинга уйланди. Ўғай онам жоҳил киши экан,

отам йўқ вақтида менга азоб берар, косов билан урар эди. Отам билан ҳар кун жанжаллашарди.

Бу ҳолга чидай олмаган бечора отам у хотинни ҳайдашга мажбур бўлди. Қишлоқда кичкина масжидга отамни имом қилишди. Отам менга араб алифбосидан сабоқ бера бошлади. У араб ва форс тилларини мукамал билар эди, менга кунт билан араб тилини ўргатди. Олти ёшимдан бошлаб намоз ўқийдиган, рўза тутадиган бўлдим. Рўза пайтларида кечқурунлари тароби намози ўқилар эди. Мен жойнамоз устида ухлаб қолардим, туртиб уйғотишарди. Саҳар вақтида турғазиб, таҳорат қилдириб, масжидга бомдод намозини ўқишга олиб кетар эдилар. Куни билан масжид ҳужрасида отам менга сабоқ берар эди. Мен тез орада Ҳафтияк китобини ўқиб тамомладим, Қуръони шарифни эса 9 ёшимда ёдладим. Мухтасар ва бошқа диний китобларни ёд олдим. Ўқишим жуда оғир кечди, кечаю кундуз ёдлар эдим. Ҳар куни бир бет Қуръондан, бир бетдан Мухтасар ва ҳадис китобларини ёдлашим керак. Отам талабчан инсон эди. Кундузи берилган сабоқларни ўқиб чиқардим, кечаси уйқумда шу ўқиганларим такрорланарди. Бу воқеани отамга айтсам, ҳайрон қолиб, Қуръон сураларидан ўқиб дуо қиларди.

1932 йили катта қурғоқчилик бўлиб, очарчилик авж олди. Қишлоқнинг ярим аҳолиси очдан ўлди. Кўз ўнгимда тенгдошларимдан бир нечтаси очликдан йиқилиб, жон берганлари хотирамда. Уйимизнинг ёнидан кичкина ертўла қазиган эдик. Бунда уй-рўзғор асбоблари, ун, буғдой, арпа, нўхат, сабзи, пиёзлар сақланарди. Кунлардан бир куни кечаси қўшнимиз ертўладаги ун, буғдойларни ўғирлаб кетибди. Аҳволимиз танг бўлди, биз ҳам очарчиликда қийналдик, даладан қандайдир ўтларнинг тариққа ўхшаган донларини териб, қозонда сувга қайнатиб ер эдик. 1933—1935 йиллари отам билан қишлоқдан 20-30 километр нарида жойлашган чўлдаги лалми ерларга буғдой экиб, янчиб оладиган бўлдик. Шу йиллари ёмғир сероб бўлиб, ғалла яхши ҳосил берди. Отам буғдойни қоп-

ларга солиб, эшакка юклаб, устига мени ўтказиб қишлоққа жўнатар эди.

Шу пайтлари 7-8 ёшдаман. Кунлардан бир куни ёзнинг жазирама иссиғида чўл-бийбондан буғдой ортилган эшакка миниб кетаётган эдим. Эшакни чивинлар талаб, қалтис ҳаракатлар қилганда мен буғдой қопи билан ерга ағдарилиб тушдим. Қопнинг оғирлиги 50-60 килограмм чамаси, кучим етмади, эшакка ортолмадим. Кун бўйи, кечаси ҳам чўлда бир ўзим қолиб кетдим. Иккинчи куни бир деҳқон буғдой ортилган отга миниб келаётган экан, мени кўриб тўхтади. Мен йиғлаб, бўлган воқеани айтиб бердим. Яхши инсон экан, мени қишлоғимгача бирга олиб келди. Хирмон бошига қайтишимда кўзаларда сув ва нон олиб келар эдим.

Буғдойни отам билан бирга ўрардик, қуврай деган ўт билан боғлаб, хирмонга таширдик. Ўроқ қўлларимни кесиб яралар, йиринглаб кетар, оғриғига чидай олмасдан йиғлар эдим.

Хирмон янчишда қўшни деҳқоннинг отини сўраб олар эдик, эвазига бир қоп буғдой берардик. Кечаси навбат билан от ҳайдаб, хирмон янчардик. От чарчаб юрмас эди, мен халачўп ва қамчи билан урардим. Шунда бир фожиа юз берди. От туёғи билан қорнимга зарб билан тепди, отам ухлаб ётган эди. Мен ҳушдан кетиб, янчилаётган буғдой устига йиқилдим. Куни билан оғир аҳволда ётганман. Отам қишлоққа келтириб қўшниларга қолдириб кетди. Зарбанинг таъсири соғлиғимга бир умр таъсир қилди. Шу зайлда мен ва отам ҳаёт аччиғини кўриб, мушкулликларини енгиб тирикчилик қилардик. Кўкламда қўшнилар билан бирга буғдой экишга чиқар эдик. Бир йили қаттиқ сел келиб, сув ғалламизни босиб кетди, ҳаммамиз катта зарар кўрдик. Шу йили ҳаётимиз яна оғир кечди. От, эшакларни қўшни болалар билан суғоришга олиб кетар эдик. Болалар отга минар эди, бир куни мен ҳам тўқимсиз, эгарсиз, ўргатилмаган отга минганман. От олиб қочган, сел оқаётган катта сойга тош устига йиқилганман. Бошим ёрилиб, қўлим синиб, оғир аҳвол-



га тушганман. У даврларда нафақат биз турган қишлоқда, балки бутун Хатирчи туманида врач-шифокор, ҳамшира, дори-дармон деган нарсалар йўқ эди. Мени Каттақўрғон шаҳрига даволашга олиб кетипди, поликлиникада ҳамширалар бошимни тикиб, қўлимни гипслаб қўйдилар. Кейин қишлоғимизга қайтиб келдик.

ГПУ отамни қамаш учун қидирув эълон қилгани ҳақида амаким хабар юборибди. Биз бу қишлоқдан бошиқа Қудуқ деган кичкина қишлоқчага кўчиб кетдик.

Бу қишлоқда ҳар хонадоннинг ўз қудуғи бўлиб, шундан сув ичишар экан. Бирорта ҳам дарахт йўқ, чўлдан иборат жой эди. Қудуқларнинг чуқурлиги 20 метрдан 30 метргача дейишар эди. Қудуқдан арқонга боғланган пақир билан сув олаётганимда, сув тўла челақ оғирлигидан қудуққа бошим билан тушиб кетганман. Ҳовлида юрган қўшнимиз кўриб қолиб, тезда қудуққа тушиб, мени ўлимдан қутқарган. Ажали етмагач, инсон ўлмас экан. Кўп вақт ўтмасдан отам яна ваҳимага тушиб, бу ердан Андоқ қишлоғига кўчишга қарор қилди. Андоқда ҳам бир йилга яқин турдик. Қишлоқда сув танқис эди, халқи асосан узумчилик билан машғул. Андоқ қишлоғи ўзининг қора майизи билан машҳур. Ҳовузларда сув сақланар эди, ойлаб турган сув бузилар, ичишга яроқсиз ҳолга келарди. Аҳоли шу сувни ишлатишга мажбур эди. Шу боис касаллик, ўлим, айниқса, болалар ўлими ниҳоятда кўп эди.

Ўша даврда атрофдаги қишлоқ аҳолиси ҳафтанинг етти кунини бозорларнинг номи билан аташар эди. Қоқ қишлоғида Мойбулоқ, Мирдош қишлоғида Мирдош, Пайшанби қишлоғида Пайшанби, Иштихонда Иштихон, Каттақўрғонда Каттақўрғон, Жумада Жума бозорлари бўлар эди. Ҳафтанинг белгиланган кунларида шу бозорлар ишлар эди. Ҳозир ҳам юқорида баён қилинган ва бизлар яшаган қишлоқларда шу анъана давом этмоқда. Отам мени бозорга бирга олиб борар, савдо-сотик қиларди. Кунлардан бир куни кўклам пайтида пайшанба бозорига кетдик, Зарафшон дарёсидан ўтишга тўғри келди. Ўша йиллари кўприк, паром каби воситалар йўқ. Дарё сувга тўлган пайт. Эшакка

отам билан мингашиб дарёдан кечиб ўта бошладик. Сув эшакнинг қулоғигача кўтарилиб, эшак билан бирга бизни оқизиб кетди. Бозорга кетаётган кишилар бизларни бир илож қилиб қутқариб қолишди. Ўт балоси, сув балоси нималигини шунда пайқаган эдим. Эшакни дарё оқизиб кетди, қутқара олмадик. Бу ҳодиса биз учун катта фалокат эди.

Мен 1936 йилда 11 ёшимда араб алифбосини ўрганиб, китобларни бемалол ўқиб, Қуръонни, Мухтасар ва ҳадисларни ёдлаб бўлган эдим. Қорилик даражасида эдим. Қуръонни ёддан ўқиганимда араб ҳарфлари, сўзларини араб тилида тўғри талаффуз билан қироат қилардим. Шу боис маросимларда отам менга Қуръон ўқиб, қироат қилишни топширарди. Мен бошимда саллача, яктак, камзул кийиб юрардим.

Ёнбош қишлоғи яқинида Ўмраул деган ҳудудда жума намози ўқийдиган масжид бор эди. Рўза, Қурбон ҳайитлари шу ерда ўтарди. Неча минглаб кишилар атроф қишлоқлардан келиб, рўза намози ўқиб, сайл қилишарди.

Рўза намози ўқилганда шу масжидда менга Қуръон пораларидан қироат қилишни таклиф этишди. Кўлимга ҳасса олиб, масжид зинапоясига чиқиб қироат билан Қуръон ўқиганман. Минглаб йиғилганлар ҳайрат билан қўл кўтариб, менинг ҳақимга дуо ўқиганлари ҳамон эсимда. Отам мен билан фахрланар эди. Отамнинг ҳаётида бўлган ягона хурсандчилиги менга берган сабоғидан, тарбиясидан қониқиш эди. Ҳаётда бошқа рўшнолик кўрмади.

Нуротадан амаким Сафарбой ва аммам Ҳамидабону кечираётган оғир ҳаётимизни, касалликларга дучор бўлганларимни эшитиб, 1936 йили мени олиб кетиш учун Андоқ қишлоғига келишди. Замон, ҳаёт ўзгарганини, совет мактабида ўқишим зарурлигини, аммам тарбиясида бўлишимни отамга уқтириб, мажбуран Нуротага олиб кетишди.

Фариб отам қишлоқда ёлғиз қолди. Отам билан бир вақтда Нуротадан бир қанча кишилар ҳам қамалиш азобидан қўрқиб қочиб кетишган эди. Уларнинг бир

қисми атрофдаги қишлоқларда истиқомат қилишарди. Нуроталик отамнинг дўстлари ва бошқа илмли кишилар вақти-вақти билан йиғилишиб, китоб мутолаа қилишар, баҳслашар эдилар. Мен ҳам шу йиғилишларда иштирок этардим. Уларнинг қизгин баҳслари ҳали эсимда.

Нуротага қайтгач, мени 1936 йили 1-синфга ўқишга қабул қилишди. Аммамнинг ҳовлисида турдик. Ҳовлининг қаршисида масжид бор эди, мен яширинча саллани кўйнимга солиб намозга чиқардим. Мактабда буни сезиб қолишди, кейин намоз ўқишни тўхтатдим. Шўролар мактабида ўқишимда отамдан олган сабоқлар, тарбия ва билимларим ижобий таъсир кўрсатди. Натижада бир ўқув йилида 1,2,3,4-синфларни битирдим.

1-синфда мени Қулиева, 2-синфда Қурбонова, 3-синфда Асрор Маҳмудов, 4-синфда Бозорова деган муаллимлар ўқитишди. Бири-бирдан яхши инсонлар эди, болаларга меҳрибонлик қилиб, иложи борича ўзларидаги бор билимларини беришга ҳаракат қилишарди. Уларнинг нурли сиймолари хотирамда абадий сақланади. Улар ёш ўқитувчилар бўлиб, кўпчилиги ҳатто ўрта маълумотга ҳам эга эмас эди. Нурота марказида ташкил қилинган қисқа муддатли курсларни битиришган эди, холос. Менинг ўқишдаги муваффақиятим бугун туманга тарқалди, ҳалигача тенгдошларим бу воқеани эслашади.

Ўқишим жараёнида меҳрибон ва ғамхўр аммам оналик бурчини чин юракдан адо қилди, мени ўз фарзандидан ортиқ кўрди, топганини едирди, кийинтирди. Аммам моддий жиҳатдан жуда қийналиб яшарди. Кишиларнинг уйига бориб хизмат қилар, улар берган бир парча нон ёки ярим коса овқатни менга олиб келиб едирар эди. Аммамнинг ҳовлисида район прокурори яшарди. Аммам шу оиланинг хизматини қилар, ҳовли супураар, кирларини ювар, овқатларини пиширар, эвазига ҳар куни кечки пайтда бир коса овқат олар эди.

Сафарбой амаким аммамга иложи борича ёрдам қиларди. У киши колхозда тегирмончи эди. Айрим

вақтлари кечаси у билан бирга тегирмон ёнида ётар эдим. Амаким меҳнаткаш; ҳалол ва ғамхўр инсон эди, 1984 йили 95 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Амакимнинг фарзандлари, неваралари мендан хабар олишиб туришади. Мен ҳам ҳар 3-4 йилда бир маротаба Нуротага бориб, қариндош-уруғларни, дўстларимни кўриб келаман.

Кейин туман марказидаги Пушкин номли ўрта мактабда ўқишни давом эттирдим. Фидойи ўқитувчилардан Жуманазаров С., Шарипов М., Эргашев И., Мансуров А., Холметов М., Давронов А. каби мураббийлар сабоқ беришган. Булар ўша даврнинг софдил, маданиятли, билимли зиёлилари эдилар. Биз ўқувчилар уларга ҳавас қилиб, ўқитувчилик касбига меҳр қўйган эдик. Улар ўта меҳрибон ва соф виждонли кишилар эди. Уларнинг ҳаммаси ҳаётдан кўз юмишди, руҳлари шод бўлсин.

Тил ва адабиёт ўқитувчиси М. Холметов 1937 йилда бир қатор шоир ва ёзувчилар қамоққа олинганда Нурота туманига қувғин қилинган эди. У биз, ўқувчиларга, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпонлар ҳақида, уларнинг ўлмас асарлари ҳақида пинҳона сўзлаб берар эди. Муаллим умрининг охиригача Нуротада яшади, ҳозир ҳам фарзандлари шу ерда истиқомат қилишади.

8-синфда ўқиётганимда бошланғич рус синфларида ўзбек тилидан дарс бера бошладим. Ўқитувчилик касби билан 1940 йилдан машғулман.

Иложи борича, қатағон йиллари ҳақида хотирамда сақланиб қолган воқеа, ҳодисаларни баён қилдим. Отамнинг ҳаёти ниҳоятда ачинарли, машаққатли ўтди. Шу қатори менинг ёшлигим ҳам кўп тасодифлар, хўрликлар, фожиалардан иборат бўлди. Инсон ҳаммасига чидар экан, фақат сабр-тоқат қилиб, яратганга шукрона қилиш керак экан. Отам ва унинг дўстлари турли қишлоқларда қочиб юришди. Улар доим тазйиқ остида эдилар. 1937 йили Тожикистоннинг Кулоб вилоятига қочиб, тоғ ораларида яшириниб юрганлар. Имкон туғилса, Афғонистонга ўтиб кетишни режа-

лаштирганлар. Бир маҳаллий киши улардан пул олиб, дарёдан ўтказиб қўйишга ваъда берган. Аммо уларни алдаб, қочиб кетган. Отам ва дўстлари яна яшириниб яшашга мажбур бўлишган. Аммо барибир уларни излаб топиб қамоққа олишди. Отам 1942 йили 54 ёшида қамоқда дунёдан ўтди, деган хабар келди. Тақдирга тан бердик.

1941 йилда уруш бошланди. Шу йилдан бошлаб таътил вақтларида колхозда ишладим, бригада табелчиси бўлдим. 1942 йилда Нуротада ғалла яхши ҳосил берди. Бутун туман аҳолиси ғалла йиғим-теримига жалб қилинди. Бу фронт учун, армия учун туман халқининг ғалла тайёрлашдаги ёрдами эди.

## **ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДАГИ ҲАЁТИМ. УНИВЕРСИТЕТ ДАРГОҲИДА**

Мени вояга етказган аммам кечаю кундуз дуо қилиб шу фарзандимни никоҳ тўйини кўрсам деб орзу-ҳавас қилар эди. Афсуски, бундай қувончли кунларга етолмади.

Уруш бошланиб, минглаб инсонларнинг умиди барбод бўлди. Мен билан бирга бир мактабда ўқиган юзлаб ёшлар армияга кетди. Улар ичида шундай истеъдодли, бамисоли олов каби ёнадиган азамат йигитлар кўп эди. Деярли 1940-43 йилларда Армия сафига чақирилиб, фронтларда жанг қилганларнинг катта қисми ҳалок бўлди ёки ном-нишонсиз кетди.

Мен 1943 йили 1 январда армия сафига чақирилдим. Туманимизнинг 300 дан ортиқ ёшлари билан бирга совуқ ва изғиринли янги йил кечаси Қора қарға доводидан ўтиб, Кармана бекатига пиёда келдик. Кўпчиликнинг оёғида калиш, енгил чопон, бошида дўппи эди. Шу совуқда бизни Новосибирск шаҳрига олиб кетишди. У ерда 40-43 даража совуқ эди. Темир йўл станциясидаги ҳаммомга киргизиб, бизни кийинтиришди, гимнастёрка ва шинел беришди, холос. Кўпчилигимиз қаттиқ касалландик, ўпкамиз шамоллади, қўл-

оёғимиз, қулоқларимизни совуқ урди. Орамизда шу касалликлар туфайли ўлганлар кўп бўлди. Иссиқ иқлимли ҳудудга мослашган ва енгил кийимлар кийган ёшларни ўта совуқ иқлимли ҳудудга юборилиши натижасида кўпчилигимиз касалхоналарга тушиб оғир аҳволда ётдик.

Юқорида баён этилган воқеа ўта масъулиятсизлик ёки сотқинлик натижаси деб ўйлайман.

Сал вақт ўтмасдан бизни Фарғона шаҳрида жойлашган 211-захира ўзбек полкига олиб келишди. Август ойида фронтга жўнадик. Бизни гуруҳларга бўлиб турли ҳарбий қисмларга жойлаштирдилар.

1943 йил ноябр ойининг бошларида 10-синфни битирганлардан 5 кишини танлаб, Тошкентдаги ҳарбий билим юртига юбордилар. Бироқ декабр ойи ўрталарида — кечикиб келганимиз учун қабул қилишмади ва яна Фарғонага 211-ўзбек захира полкига қайтдик. Бизни ўқитиб, сержантлик даражасини беришди. 1945 йили полкимиз Ички ишлар комиссариати ихтиёрига ўтказилиб, конвой полкига айлантирилди. Олмаота шаҳрига келиб немис ва япон ҳарбий асирларини қўриқладик. Менда япон ҳарбий асирлари катта таасурот қолдирди. Уларда тартиб-интизом кучли эди. Диёнатли ва эътиқодли кишилар экан. Бир-бирларига астойдил ёрдам беришар ва ҳурмат қилишар эди. Улар мадааниятли ва покиза инсонлар эдилар. Икки йил давомида бирор маротаба ҳам фавқулодда ҳодиса рўй бермади. Улар ҳамма топшириқларни ҳалол, виждонан бажарар эдилар.

Батальон командиримиз капитан С.А. Калинин, рота командири катта лейтенант А. Абдурахмоновлар жуда талабчан эдилар. Мен батальонда комсорг ҳамда химинструктор эдим. Батальонимиз кўп миллатли бўлиб, командирларимиз ҳаммамизга бир хил муомала қиларди. Батальон командири Калинин фарзандсиз бўлиб, мени уйига олиб борар, овқатлантирар эди. Айрим кунлари хонадонида ётиб ҳам қолардим. Хотини ўқимишли ва жуда ғамхўр, меҳмондўст аёл бўлиб, Украина Олий Совети депутаты эди. У ка-

салманд эди, уй ишлари жуда толиқтириб қўйганди. Мен аскарларни олиб келиб, уй ишларига ёрдам берардим. Бир куни уларнинг уйига озиқ-овқат олиб келганимда хотини оғир аҳволда ҳушсиз ётган экан. Югуриб бориб, полк тиббий-санитария бўлимига хабар қилдим ва шифокорларни чақирдим. Улар уни ўлимдан сақлаб қолишди. Шундан кейин Калининнинг менга нисбатан меҳри янада ортди ва таътил берди. Нурота туманига келиб, оға-иниларни кўриб қайтдим. Батальон командирининг ёрдами туфайли 1946 йили армиядан юртимизга эсон-омон қайтдим. Ёз пайтида ўз туманим Нуротага кириб бордим. Шундай қилиб, умримнинг тўрт йилини армия сафида ўтказдим. 1945 йили менга оналик қилган меҳрибон аммам дунёдан ўтган эканлар. Қайғуга ботдим. Бироқ ўлим ҳақ, начора. Аммамнинг ҳовлисида бир ўзим яшай бошладим. 1946-47 ўқув йилида мени туман марказидаги тўлиқсиз ўрта мактабга ўқитувчи қилиб тайинлашди. Нуротада шу йилларда ўқитувчи етишмас эди. Бир неча фанлардан: тарих, география, конституция, жисмоний тарбия ва бошланғич ҳарбий таълимдан дарс беришимга тўғри келди. Менга мактабдаги тажрибали ўқитувчилар катта ёрдам беришди.

1947 йили Самарқанд шаҳридаги Ўзбек Давлат университетига ўқишга кирдим. Моддий жиҳатдан қийналганимга қарамасдан ўқишни муваффақиятли давом эттирдим. Тез орада Давлат стипендиясига эришдим. 2-курсда мени университет комсомол кўмитасининг биринчи котиби этиб сайлашди. Шу боис иқтисодий аҳволим яхшиланди. Ўқиш даврида мен обком комсомолининг бюро аъзоси, шаҳар ва Боғишамол тумани партия комитетларининг аъзолиги ҳамда Самарқанд шаҳар совети депутатлигига сайландим. 1950 йили 3-курс талабаси бўлишимга қарамай, вилоят партия кўмитаси мени вилоят комсомол кўмитасининг биринчи котиби лавозимига тасдиқлаш учун Тошкентга жўнатди. Ўзбекистон комсомол Марказий кўмитасидан суҳбатдан ўтказиб, партия Марказий кўмитасига олиб келишди. Мен партия Марказий кўми-

тасининг 2-котиби Мельников қабулхонасида ўтирган пайтимда ижтимоий келиб чиқишимни Давлат хавфсизлик комитети орқали суриштиришибди. Ниҳоят Мельников ҳузурига таклиф этишди ва отам қулоқ қилинганлигини айтишди. Отам қувғинда бўлиб, қамоқдан қочиб юрганлигини билсам-да, қулоқ қилинганидан хабарсиз эдим.

Мени партия Марказий қўмитасининг биринчи котиби А.Э. Ниёзов яхши қабул қилди ва юқоридаги воқеадан афсусланганига қарамай, Москвага тасдиқдан ўтаказиш учун жўнатишни топширди. Москвада Бутуниттифоқ комсомол қўмитасининг биринчи котиби Михайлов ҳузурига бўлиб, отам қулоқ қилинганлиги туфайли тасдиқланмасдан қайтиб келдим. Менинг учун бу биринчи руҳий зарба эди. Университетда ўқишни давом эттирдим ва уни 1952 йили имтиёзли диплом билан битирдим. Битирувчилардан 5 кишини танлаб Москвадаги ижтимоий фанлар академияси қошидаги бир йиллик курсга жўнатишди. Бу курсга ҳам отанг қулоқ деб мени қабул қилишмади. Бу менга берилган навбатдаги руҳий зарба эди.

Уруш йилларида Ўзбек Давлат университети Ўрта Осиё Давлат университетига қўшилган эди. 1944 йилнинг охирларида у қайта тикланди.

Университетнинг ректори этиб Мусо Мўминович Мўминов тайинланди. У киши ажойиб инсон, забардаст физик олим эдилар. Университетда, Самарқанд шаҳрида ва вилоятда обрўси жуда баланд эди. Университетни тиклаб, моддий базасини яратишда, малакали педагогик кадрлар билан таъминлашда, профессор-ўқитувчилар жамоасини уюштиришда, ўқув жараёнини такомиллаштиришда М.М. Мўминовнинг ҳиссаси катта эди.

Университетда бизга таниқли олимлар сабоқ берар эди. Фалсафадан Иброҳим Мўминов маъруза ўқир эди. У кишининг ҳам мавқеи баланд эди. Республикада биринчилар қаторида фалсафа фанлари докторлиги диссертациясини ёқлаганди. 1950 йилда Ўзбекистонда, Тошкент шаҳрида фалсафа институти ташкил этили-



ши муносабати билан И.М.Мўминов шу институтга директорлик лавозимига ишга юборилди. Кейинроқ у Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги ва академиянинг вице-президенти лавозимига сайланди. У республикада ижтимоий фанлар ривожига катта ҳисса қўшган олимлардан бири бўлиб, кўп сонли фан докторларини тарбиялаб етиштирган эди.

Таниқли олимлардан И. Аминов, И. Умняков, Пўлатов, Муродов, С. Акрамов, И. Абдурахимова, Ю. Алескеров ва бошқалардан сабоқ олганмиз. Уларнинг сиймолари хотирамда бир умр сақланиб келмоқда. Руҳлари шод бўлсин.

Шу даврда университетда ишлаган профессор-ўқитувчилар диёнатли, эътиқодли, соф виждонли, талабаларга меҳрибон, бутун вужудини ёшларга билим беришга қаратган инсонлар эдилар. Улар талабаларга нисбатан ножўя ҳаракатлар қилмас ва таъмагирлик ҳолатларига йўл қўймасдилар. Талабаларга жуда катта талабчанлик билан қарашарди. Ўша йилларда ёшлар ўқишга, билим олишга жуда муштоқ эдилар. Маърузаларни диққат билан эшитишар ва домлаларга нисбатан талабчан ҳам эдилар. Курсимизда 75 киши ўқир эди. Мен курс етакчиси эдим, домлаларнинг топшириғи билан баъзи семинар машғулотларини олиб борардим. Айрим ўқитувчилар маърузаларга яхши тайёрланмасдан келишарди. Талабалар уларнинг маърузаларидан қониқмасди. Бир доцентни дарс хонасидан ҳайдаб чиқарганимиз эсимдан чиқмайди.

Ўша йилларда кутубхона ва унинг факультетлардаги шохобчалари, дарс тайёрлайдиган ўқув хоналари кеч соат 22-23 гача ишлар эди. Мен бошлиқ ёшлар ташкилоти маърузадан кейин талабаларни кутубхонанинг ўқув хоналарига кириб, дарсга, имтиҳонларга тайёрланишларини назорат қилар эдик. Ёшлар ташкилотининг мажлисларида сусткашлик билан ўқишга қарайдиган айрим талабаларни муҳокамага қўярдик.

Ёшлар ташкилотининг раҳбари сифатида университет Илмий кенгашининг аъзоси ҳам эдим. Ректоримиз М.М.Мўминов ёшлар ташкилотига катта эътибор

билан қарар, улардан ёрдамини аямас ва ташкилотнинг самарали ишлаши учун шароитлар яратиб берар эди. Ёшлар ташкилоти талабаларни ҳаваскорлик тўғрақларига жалб қилишда, керакли мусиқа асбоблари билан таъминлашда, спорт секциялари ишларини ташкил этишда ректорат ва деканатга катта ёрдам берар эди. Ҳаваскорлик ва спорт кўриклари мунтазам ўтказиларди. Шаҳар олий ўқув юртлари ичида университетимиз талабалари ҳамма кўрсаткичлар бўйича биринчи ўринда турарди.

Университетда талабаларнинг илмий жамияти фаолият кўрсатарди. Бу жамиятга ёшлар ташкилотининг эътибори катта эди. Олимлар ва талабаларнинг илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялари мунтазам равишда ўтиб турарди.

Курсдошларим орасидан қатор фан номзодлари, фан докторлари, туман ва вилоят раҳбарлик лавозимларига кўтарилган кадрлар етишиб чиқди. Жумладан, Жабборов Наримон — фалсафа фанлари доктори, профессор; Жуманиёзов Ражаб — тарих фанлари доктори, профессор, Омонов Қамар — фалсафа фанлари доктори, профессор; Бегматов Ҳасан — фалсафа фанлари доктори, профессор; Умаралиев Акбар ва Йўлдошев Қиём каби фидойи олимлар самарали меҳнат қилдилар. Уларнинг айримлари университет ва институтларда раҳбарлик лавозимларида ҳам ишладилар.

Ҳозир ҳам курсдошларимнинг кўпчилиги билан доимий мулоқотда бўлиб тураман.

## **ОИЛА ҚУРИШДА РЎЙ БЕРГАН МЎЪЖИЗА. ҲАЁТИМНИНГ ЯНГИ ДАВРИ**

Москвада ишим юришмагач, руҳий тушкунликка тушиб, бир йил давомида қаердалигимни ҳеч кимга билдирмай юрдим. Қариндош-уруғлар ва Самарқанддаги дўстларим роса хавотирланишибди. Борадиган жойим, пулим, қишда киядиган кийим йўқ эди. Шу аҳволда сентябр ойларигача Тошкентда яшадим. Маориф вазирлигига ҳужжатларимни олиб кирдим. Вазир,

академик Юнусов Адхам Юнусович ҳузурида бўлиб, аҳволимни айтиб бердим. Мени Янгийўл тумани Ҳамроқул Турсунқулов колхозида жойлашган мактабга директорлик лавозимига тайинлади. Бу мактабда 1953 йил 15 январгача ишладим. Қишки каникул кунларида Тошкентга келганимда вазирликка кириб ўтдим. Уларга ишга жойлашганимни айтиб, ташаккуримни изҳор қилдим. Мактабдаги ишларни яхши йўлга қўйганимдан вазирликдагилар хабардор экан, мени маҳкамага ишга таклиф этдилар.

1953 йил декабр ойининг ўрталаригача Маориф вазирлигида дастлаб кечки мактаблар бўлими бошлиғи ва кейинроқ мактаблар бошқармасининг бошлиғи лавозимларида ишладим. Ўқчи кўчасидаги мактабдан кичкина бир хона беришди, шу ерда ётиб юрдим. 28 ёшдан, ҳали уйланмаганман. Ишдан кейин ҳозирги Амир Темур хиёбонида келиб, у ердаги ошхонада овқатланман. Хиёбонда ўтириб дам оламан. 9 ноябр куни хиёбонда хаёл суриб ўтирган эдим, Самарқанд университети талабаси Саломатхон Қурбоновани учратиб қолдим. 2-курсда ўқир экан, Тошкент Давлат университетида тажриба орттиришга келганини айтди. Бирга овқатландик, кинога бордик. Уч кун давомида хиёбонда учрашиб турдик. Боши очқлигини билгач, менга турмушга чиқишини сўрадим, ўз аҳволимни, уй-жой йўқлигини, моддий қийинчиликларимни, ёшлигимдаги сарсон-саргардонлигимни яширмасдан айтиб бердим.

Ота-онам рози бўлсалар, мен қарши эмасман деди у. Шундай қилиб, Саломатхоннинг розилигини олгач, уни Хадрадаги ЗАГСга бошлаб келдим. 1953 йили 12 ноябрда никоҳдан ўтдик. Эски Жува бозорига бориб, оёғига боти (резинка этикча) олиб бердим. Турли ма-саллиқлар харид қилиб, Ўқчидаги ётоқхонага бордик. У қай аҳволда яшаётганимни кўриб ачинди. Шу куни совуқ бўлиб, қор ёғди. Бирга овқат тайёрлаб, ўзимизни зиёфат қилган бўлдик ва бир-биримизни табрик-ладик. Шу зайлда турмуш қурганмиз.

Саломатхон эртаси куни Самарқандга жўнаб кетди. Ҳужжатларини Тошкент Давлат университетида ўтка-

зиши керак эди. Уйланганимдан хурсанд бўлсам-да, руҳан эзилдим. Уй-жойим йўқ, қаерда турамиз, қандай ҳаёт кечирамиз, охири нима билан тугайди — шулар ҳақида кўп ўйлар эдим.

Орадан бир муддат ўтгач, мени Самарқанд вилояти Халқ маорифи мудири лавозимига тасдиқлашди. Бундан ниҳоятда хурсанд бўлиб, руҳим, кайфиятим тикланди.

Янги йил кечаси Саломатхон билан бозор қилиб, ота-онасининг ҳузурига Фаллаорол туманига келдик. Отаси Жиянбой ота — машҳур дурадгор, нуроний инсон эди, бизни қувониб кутиб олди. Онаси Марямхон дастлабки кунлари унча рўйхуш бермай юрди. Кейинчалик қизининг тақдирига тан бериб кўникди ва мени ниҳоятда сийлайдиган бўлиб қолди.

Уларнинг ҳам ҳаёти ўртача ўтар экан. Оилада 10 жон бўлиб, фақат Жиянбой ота колхозда дурадгорлик қилар, шу билан кун кечирар эканлар.

Жиянбой ота камдан-кам учрайдиган ҳалол инсонлардан бири, камтарин, бори-йўғига қаноат қиладиган, оиласига ва бошқаларга меҳрибон, менга ўхшаб ота-онасиз яшаб, кўп қийинчиликларда ўсган киши эди.

Шу пайтдан бошлаб умр йўлдошим Саломатхон ҳаётимнинг мазмунига айланди. Меҳри дарё хотин, пок, садоқатли, соф виждонли, диёнатли, одоб-ахлоқли, меҳмондўст, пазанда, иболи, гўзал инсон, хонадоннинг яхши бекаси. Оиламизда доимо садоқат, бир-биримизга ишонч, тинчлик-осойишталик, саранжом-сарийшталик, тозалик, поклик ҳукмрон.

Саломатхон бутун ҳаётим давомида мени авайлаб асради ва мададкорим, сирдош дўстимга айланди. Юқорида баён қилганимдек, ёшлигимда жуда кўп воқеаларга, фалокатларга дуч келганим, машаққатлар натижасида соғлигим жуда заифлашиб, тез-тез хасталаниб турардим. Саломатхоннинг меҳрибонлиги туфайли худога шукр, умрим чўзилди. У билан мана, 50 йил биргаликда ҳаёт кечириб келмоқдамиз. Яхши фарзандлар, неваралар ўстирдик. Оиламиз намунали, бе-

нуқсон оилалар сафига қўшилди. Бир ўғил, икки қизимиз бор. Катта қизимиз Замирахон олий даражадаги шифокор, куёвимиз Фарҳоджон бизга ўз ота-онасидек қараб, доимо хабар олади, меҳрибонлик қилади, оиласи иноқ, икки ўғил фарзанди — Элёр, Элдоржонлар оиласининг қувончи, тўй-томошалар қилиб уларни уйлантиришди. Келинлар туширишди. Иккинчи қизимиз Дилоромхон, умр йўлдоши Эсиргаплар ҳам яхши оила қуришди, иккита фарзандлари Гўзалой ва Темурларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб ўстириб, уларга билим беришди. Гўзалой турмушга чиқди, не-вара куёвимиз Жасуржон ақлли, ҳушли, маълумотли, оиласига, бизга меҳрибон. Эварамиз Лайлони ардоқлаб, авайлаб тарбияламоқдалар. Неварамиз Темуржон ҳам ўзи билан бир мактабда ўқиган Иринага уйланди. Ўғлимиз Диёржон фан номзоди, дипломат, Ташқи ишлар вазирлигида масъул ходим бўлиб ишлайди. Рус, араб, инглиз тилларини мукамал билади. Икки ўғли — Шарофжон, Файратжонлар институт ва мактабда ўқимоқдалар. Голландияда туғилган қизи Дилноза ўсибулғаймоқда. Келинимиз Зулхуморой яхши оила фарзанди. Отаси, раҳматли С.Р. Одилов Тошкент шаҳрининг Бош меъмори эдилар. Шаҳримизнинг ҳуснига хусн қўшган инсонлардан эди. Онаси Робияхон бутун меҳнат фаолиятини ёшларга таълим ва тарбия беришга қаратган аёл.

Неварамиз Шарофжон 1983 йил 17 августда туғилди. Умр йўлдошим Саломатхон ўғил невара туғилса, номини Шарофжон қўяман деб орзу қиларди. Бу Саломатхоннинг Шароф Рашидовга улкан ҳурмати туфайли эди.

Саломатхон фақат меҳрибон уй бекаси эмас, фаол мураббий, касбига меҳр қўйган изланувчан ўқитувчи сифатида ҳам элга танилди. У узоқ йиллар мактабларда ёш авлодга тарих фанидан сабоқ берди. Оиламиз Тошкентга кўчиб келгандан кейин 1962-1988 йилларда Чилонзор туманидаги 126-ўрта мактабда директор бўлиб ишлади. Ташаббускорлиги, тиниб-тинчимаслиги, ёш ўқитувчиларга ғамхўрлиги боис, у ишлаётган

жамоа тилга тушди, турли фанларни ўқитишида эришган муваффақиятлари туфайли тумандаги таянч мактаблардан бирига айланди. Саломатхоннинг ҳалол хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Республика халқ маорифи аълочиси” кўкрак нишони ҳамда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи” унвони билан тақдирланган.

Ҳозир Саломатхон ҳам нафақада. Шоирларимиз айтганидек, иккаламиз икки қушдек меҳрибон бўлиб, “қарилик гашти”ни бирга сурмоқдамиз.

Авваллари 1 сентябр куни Республика раҳбарлари мактабларга чиқишар эди. 1982 йил 1 сентябр куни Шароф Рашидов билан бир мактабда бўлишимизга тўғри келди. У киши мени елкамдан ушлаб, раҳмат, неварангизнинг номини Шарофжон қўйибсиз, миннатдорчилигимни изҳор қиламан дедилар. Мен ҳаддан ташқари қувондим. Мактабда бирга тушган расмларимиз бор. Шу йили ноябр ойида Шароф Рашидов дунёдан кўз юмдилар, жойлари жаннатда бўлсин. У киши оқил, узоқни кўрадиган раҳбар ва улкан инсон сифатида республикамиз халқининг ҳурматиغا сазовор бўлган мўътабар арбоб эдилар.

Урушдан кейинги йилларда халқ маорифининг аҳволи оғир кечди. Мактаб бинолари етишмас, кўпчилик мактаблар кичкина хоналарда жойлашган эди. Ўқув қуроллари, дарсликлар, ўқитувчилар кам эди. Етти йиллик мажбурий таълим амалга ошириляётган давр. Самарқанд вилоятида ҳам, айниқса, қишлоқ жойларида мактабларнинг аҳволи ниҳоятда танг. Тезлик билан ҳамма туманларни кезиб, мактаблардаги шароит, ўқиш, ўқитишнинг аҳволи билан танишдим. 1950-1960 йилларда умумтаълим мактаблари ҳали ҳавас қиладиган даражада эмас эди. Ўқитувчилар ҳаётида етишмовчиликлар кўп эди. Шу йиллардаги Республика ҳукуматининг қатор қарорларида мактаб, маорифга, муаллимларга эътиборни кучайтириш, мактабларнинг моддий базасини яхшилаш, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, уларга шароит яратиш чора-тадбирлари белгиланган эди. Бутун жамоатчиликнинг, колхоз, совхоз

раҳбарларининг эътибори шу масалага қаратилди. Жамоа хўжаликлари ўз ҳисобларидан мактаб бинolari кура бошладилар, ҳашар йўли билан кўшимча синф хоналари бунёд этилди. Ўқитувчиларни уй-жой, ўтин, кўмир билан таъминлашда ҳам силжишлар бўлди.

Шу йилларда ота-оналарда болаларини ўқитишга иштиёқ ҳамда ўқувчиларнинг ўзида билим олишга чанқоқлик кучли эди. Ўқитувчиларга нисбатан ҳурмат борган сари ўса борди. Халқ маорифининг тарихи, унинг тараққиёти 1971 йилда чоп этилган “Ўзбекистонда педагогик таълимнинг ривожини” ва халқ таълими муаммолари ҳақидаги китобларимда батафсил баён этилган.

Фидойи ўқитувчиларнинг сони ошиб, уларнинг билим даражаси чуқурлаша борди. 1954-1960 йиллар мобайнида мен вилоят халқ маорифига раҳбарлик қилдим, мактабларнинг аянчли аҳволига ҳам, аста-секин уларнинг ривожланиш йўлига ўтганига ҳам гувоҳ бўлдим.

А.М.Маҳмудов, Н. Томашунас, Н. Эшонқулов, У. Нарзиев, М. Узоқов, М. Ҳақбердиев каби тажрибали, халқ маорифи тизимида ишлаб катта тажриба орттирган кишиларнинг ёрдамлари ва маслаҳатларидан беҳад миннатдорман.

Вилоят Халқ маорифи ишини яхши йўлга қўйишда Ўзбекистон Халқ маорифи вазирлигининг Самарқанд вилояти бўйича доимий вакили Ф.К. Каримовнинг менга кўрсатган ғамхўрликларини алоҳида таъкидлаб ўтишим лозим. У вазирликда мактаблар бошқармасининг обрўли, таниқли ва тажрибали ходими эди. Вилоят халқ маорифи бўлимининг ишидан, шу бўлимнинг раҳбари сифатида мен олиб бораётган ишлардан доимо хабардор эди, камчиликларимизни очиқ кўрсатар ва бизга маслаҳатлар берар, ишимизга бевосита ёрдам қилар эди.

Шаҳар ва туман халқ маорифи бўлимларида кўп фидойи инсонлар ишларди. Урушдан кейинги оғир йилларда ишлаган В.Г. Дубинец — Самарқанд шаҳри, И. Йўлдошев — Пастдарғом тумани, Т. Усмонов — Оқдарё тумани, Ш. Аҳмедов — Пойарик тумани, С. Девонаев

— Пахтакор (ҳозирги Пахтачи) тумани, О. Наврузов — Нурота тумани халқ маорифи бўлимларининг жонкуяр раҳбарлари эдилар. Улар жойларда мактаб-маориф тараққиётига катта ҳисса қўшган, минглаб ёшларга таълим-тарбия берган зиёлилар эди. Кўплари ҳаётдан кўз юмди. Жойлари жаннатдан бўлсин, руҳлари шод бўлсин.

Самарқанд вилояти республикада энг йирик вилоятлардан бири эди. Унинг таркибида 24 та туман, 3 та шаҳар ва ўнлаб ишчилар шаҳарчалари бор эди. Кейинчалик Самарқанд вилояти базасида Жиззах вилояти, Сирдарё ва қисман Навоий вилоятлари ташкил топди. 1950 йиллари Самарқанд вилоятида 1000 дан ортиқ мактаблар, 400 дан ортиқ болалар боғчалари мавжуд эди. Уларда 20000 дан ортиқ ўқитувчи ва тарбиячилар ишларди. 1950-1960 йилларда вилоятда 100 дан ортиқ болалар уйи, 200 дан ортиқ мактаб-интернатлар, 50 дан ортиқ махсус мактаб-интернатлар (кўр, соқов, ақлий ҳамда жисмоний заиф болалар учун) мавжуд эди. 1950 йилларнинг охири ва 1960 йиллар ичида, янги мактаб-интернатлар учун махсус бинолар қуришга давлат катта маблағлар сарфлади. Моддий жиҳатдан муҳтож, кам таъминланган оилаларнинг болалари, отаси ёки онаси йўқ болалар мактаб-интернатларга қабул қилинди. Шу йилларда болалар уйларига, мактаб-интернатларга эътибор янада кучайди, оталиқ ташкилотлари белгиланди, уларнинг моддий базалари мустаҳкамланди, ўқув-тарбия ишлари анча такомиллашди. Афсуски, уларнинг ишида кўп қийинчиликлар, етишмовчиликлар ва камчиликлар бор эди.

Раҳбарлик ўта масъулиятли бўлишни тақозо этади. Бу жараён силлиқ кечмайди, қарама-қаршиликлар ва турли зиддиятлар билан тўқнашиш, уларни енга олиш, ўз мустақил фикрини ҳимоя қилиб, тўғрилигини исботлаш талаб этилади. Мен ҳам фаолиятимда бундай зиддиятларга кўп дуч келганман — айрим кишилар ишларимга ғов бўлган, тушкунлик ҳолига тушиб қолган қоронғи кунларим кўп бўлган. Ақл-заковат билан ишлашга уриниб, яхши кишиларга суянганман, улар-



нинг маслаҳатларига ижобий қараганман. Раҳбар сабр-тоқатли, ўз ишини яхши билган, адолатли, соф виждонли, халқ ва давлат манфаатини ўз манфаатидан устун қўядиган, талабчан, ҳалол шахс бўлиши даркор.

1950-1960 йиллари республикада, шу жумладан Самарқанд шаҳрида ҳам уй-жой муаммоси кучли эди. Оилам билан хусусий уйларда ижарада яшашимга тўғри келди. 1953-1954 йилларда таниқли жамоат арбоби Н.А. Муҳиддинов Ўзбекистон Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари лавозимида ишларди. У Самарқанд вилоятига кўп келар, вилоят раҳбарларини йиғиб суҳбатлашар эди. Раҳбарларнинг ҳаёти, турмуши билан қизиқар эди. Кўпчилик унга уй-жой масаласида мурожаат қиларди. 1954 йилги йиғилишлардан бирида у Самарқанд шаҳар ижроия комитетининг раисига уй-жойлари йўқ ходимларга ер участкаси, пул кредити ажратиб, якка тартибда уй қуришга ёрдам беришни тавсия қилиб кетди.

Менга ҳам ер участкаси ва 10000 сўм қарз беришди. Уй қура бошладим. Қурилиш ашёлари етишмаслиги, маблағ йўқлиги туфайли ишимиз қийин кечди. Иморатни қуриб битиролмадим. Кўп вилоят, туман раҳбарлари уй қурилишига берилиб кетиб, мансабини суистеъмол қилишгача бориб етдилар. Натижада уларнинг кўпчилиги партиявий жазо олишди, ишдан бўшатилади ва жавобгарликка тортилди.

Менинг битмаган уйимни шаҳар ижроия қўмитаси балансига топширишга мажбур қилишди. Айни шу кезларда мени Тошкентга ишга таклиф этишиб, Маориф вазири ўринбосари лавозимига тайинлашди.

1961 йилда юқоридаги уй қурган раҳбарларнинг иши Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети бюросида муҳокама қилинди. Бошқалар қатори мени ҳам муҳокамага чақиришди ва танбеҳ беришди. Ҳатто шу бюрода Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти, буюк геолог олим Ҳабиб Абдуллаевга ҳам уй қурганлиги учун қаттиқ танбеҳ беришди. Ҳабиб Абдуллаев норозилигини билдириб, жаҳл билан бюродан чиқиб кетди. Инсон шахсига бу хилдаги муноса-

бат ўша даврнинг иллоти ва ўша тузумнинг таназзулини кўрсатади.

Ўз раҳбарлик фаолиятимда ҳамиша яхши хислатларга амал қилишга интилдим. Раҳбарликда хатоларга йўл қўйилиши мумкин. Лекин бу хатолар халқ ва давлат манфаатига зид бўлмаслиги керак. Шу билан бирга хатоларни тузатишда мардлик ва катта матонат талаб этилади.

Афсуски, ҳалигача ўз манфаатини ҳамма нарсдан устун қўядиган, нопок, лоқайд раҳбарлар ҳаётимиз тараққиётига ўз кирдикорлари билан тўсқинлик қилмоқдалар.

Президентимиз Ислон Каримовнинг бу ҳақда доимо куйиб, ёниб гапирганлари, ёшларни саводхон, ҳалол, виждонли бўлишга даъвати, улардан раҳбар кадрлар тайёрлаш зарурлиги ҳақидаги фикрлари тараққиётни тезлаштириш тамойилларидан биридир. 1960-1964 йиллар давомида мен Маориф вазирлигида вазир ўринбосари, кейин мактаб-интернатлар ва болалар уйи бошқармасининг бошлиғи вазифасида ишладим. 1964 йилда Республика ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институти ректори лавозимига тайинландим. 1970 йилгача шу лавозимда ишладим. Ана шу йиллар давомида Марказий институт ишини қайта қуришда, унинг мавқеини, ўқитувчиларнинг назарий, методик жиҳатдан малакасини ошириш сифатини кўтаришда институт жамоатчилиги билан ҳамнафас ҳолда бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Халқ маорифи тизимининг ходимлари, мактаб раҳбарлари, ўқитувчилари, болалар боғчалари раҳбарлари ва тарбиячилари малакасини оширишнинг йиллик ва беш йиллик истиқбол режалари белгилаб чиқилди. Ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институтидан ташқари ҳамма вилоятларда, Тошкент шаҳрида махсус Малака ошириш институтлари мавжуд эди. Бу институтларнинг ишини вилоят халқ маорифи бўлимлари ва Марказий институт бошқарарди. Институтларнинг бир ойлик курсларида 3000 га яқин ўқитувчи, тарбиячи ва

болалар муассасалари раҳбарлари ўз малакаларини оширар эдилар. Ҳар йилда ўттиз-қирқ мингга яқин ходимлар ойлик курслардан ўтар эдилар. Малака ошириш институтларига ўқув дастурлари ва ўқитиш жараёнини такомиллаштириш мақсадида Тошкент Давлат университети, Низомий номидаги Давлат педагогика институти, Ўзбекистон Фанлар академияси институтларининг олимлари жалб қилинарди. Марказий институт ходимлари жойларда айрим масалалар ва муаммолар бўйича қисқа муддатли семинарлар ташкил қилар эдилар. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон республикаларидаги ўзбек тилида ўқитиладиган мактаб ўқитувчилари малакасини оширишда Марказий институт уларга ёрдам берар эди. 1970 йилда яна Маориф вазирининг ўринбосари лавозимида меҳнат фаолиятимни давом эттирдим. Менга капитал қурилиш ишлари (яъни мактаб, болалар боғчаси биноларини қуриш) ҳамда маориф тизимидаги болалар муассасаларини маблағ билан таъминлаш, маориф тараққиётини режалаштириш масалалари юклатилди. Бу вазифаларга қўшимча сифатида 1972 йилдан бошлаб, педагогика институтлари, ўрта педагогика билим юртлиари Олий таълим вазирлиги тасарруфидан Маориф вазирлиги ихтиёрига ўтиши муносабати билан педагогик кадрлар тайёрлаш ишлари ҳам менинг зиммамга юклатилди. Вазирлик тизимидаги муассасаларнинг таъминотини ҳам назорат қилардим. Бу соҳалар мен учун яхши таниш эмас эди. Уларни чуқур ўрганишим лозим эди. Катта ҳажмга эга бўлган қурилиш, молиялаш, режалаш ва таъминот аҳволини чуқур таҳлил қилишга тўғри келарди. Бу масалаларни ечишда шу соҳаларнинг мутахассислари менга катта ёрдам беришди.

Я. Сушенцов, А. Қорабеков, М. Шарипова, И. Д. Намкаби ўз ишига моҳир кишилардан ҳамиша миннатдорман. Улар молия ва режа бошқармасининг ходимлари эдилар. Узоқ йиллар давомида вазирлик аппаратида меҳнат қилиб келаётган Е.А. Сигников, И.К. Раҳимов,

У.Р. Рашидов сингари олий даражали мутахассислар — яхши қурувчи мутахассислар ҳам менга амалиётда кўмакчи эдилар. Вазирлик тизимидаги қурилиш кўлами катта бўлиб, қурилиш-монтаж ишларини бир қанча вазирликлар биргаликда олиб борар эдилар. Республика Қурилиш вазирлиги, Қишлоқ қурилиши вазирлиги, Тошкент шаҳар қурилиш бошқармаси, Ўрта Осиё ирригация ва совхозлар қурилиши бошқармаси каби ташкилотлар мактаб, болалар боғчаси, институт ва педагогика билим юртлари бинолари қурилишини амалга оширар эдилар. Бу қурилишлар марказлашган давлат маблағлари ҳисобига олиб борилар эди. Бундан ташқари, Темир йўл бошқармаси, Сув хўжалиги, Енгил саноат ва бошқа бир қанча вазирликлар ўз маблағлари ҳисобига мактаб, боғча биноларини қуриб, халқ маорифига топширар эдилар. Юқоридаги ташкилотлар билан биргаликда муттасил равишда қурилишнинг бориши, ундаги ечилмаган масала ва муаммолар кўриб чиқилар эди. Шаҳарлар ва туманлардаги қурилиш трестларида кўпинча ишчилар, қурилиш материаллари, механизмлар етишмас эди. Натижада қурилишлар белгиланган муддатда топширилмасди. Мутахассислар билан биргаликда турли жойларга бориб аҳволни ўрганар эдик. Маҳаллий ҳукумат раҳбарлари билан ҳамкорликда тадбирлар белгилаб, туғилган муаммоларнинг ечимини топиб, қурилиш ташкилотларига ёрдам қилардик.

Молия ва режалаш бошқармаси, қурилиш бўлими мутахассислари ҳам жойларга бориб, ҳар чорак ва йил яқунларини таҳлил қилиб, камчиликларни бартараф қилиш учун маҳаллий ташкилотлар билан биргаликда чора-тадбирларни амалга оширишар эди.

Болалар муассасаларини ўқув қуроллари, техник воситалар, асбоб-ускуналар, қаттиқ ва юмшоқ инвентарлар, транспорт воситалари ва қурилиш материаллари билан таъминлашни вазирлик ихтиёридаги таъминот бошқармаси бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобига режалаштирар эди. Бу соҳада қатор муаммолар йиғилиб қолганди.

Мақтаб ва бошқа болалар муассасаларининг ва педагогика ўқув юртларининг моддий базасини яратиш ва уни мустақкамлаш муаммоси ҳамиша долзарб масала эди. Қурилиш учун маблағ, моддий-техникавий ресурслар етишмасди. Буларнинг барчаси Москванинг рухсати билан ҳал бўларди.

## **ХАЛҚ МАОРИФИ ТИЗИМИДАГИ МУАММОЛАР. ШҶРОЛАР ДАВРИДАН МУСТАҚИЛЛИК САРИ**

Ҳар йили Москвада уч-тўрт ойлаб Республика давлат режа комиссияси, Молия вазирлиги ва Маориф вазирлигининг масъул ходимлари иштирокида Иттифоқ Давлат режа комиссиясида, Молия вазирлигида мактаб-маориф тараққиётини талаб даражасида режалаштириш, қурилиш ва мактаб, педагогика ўқув юртлари ва бошқа болалар муассасаларини молиялаштириш, моддий-техникавий манбалар билан таъминлашга боғлиқ муаммолар кўрилар эди. Юқоридаги масалалар юзасидан асосланган ҳужжатлар билан борар эдик.

Афсуски, кўпчилик ҳолатда қўйилган масалалар пала-партиш кўрилар, маориф тизимидаги танг аҳволни инобатга олишмас эди. Кўпчилик мактаб бинолари яроқсиз ҳолда, устига-устак, икки-уч сменада ўқитилар эди. Янги мактаблар қуриш, мавжуд мактабларни ва бошқа ўқув юртлари биноларини таъмирлаш учун, уларнинг эҳтиёжига яраша ўқув қуроллари, қаттиқ-юмшоқ инвентарлар билан таъминлаш учун ниҳоятда оз маблағ ажратилар эди. Юқорида баён этилган иттифоқ даражасидаги идораларнинг вакиллари ва раҳбарлари билан кўпдан-кўп мўнозаралар, баҳслар олиб борилган. Жиддий масалаларни ҳал қилишда республика ҳукумати аралашса ҳам фойда бермасди. Натижада ҳар йили биз мўлжаллаган режаларнинг кўпи билан 50-60 фоизи зўрға қабул қилинар эди. 1970 йиллардан бошлаб бу масалаларни кўриш ва ечиш жараёнида иттифоқ давлат режалаш комиссияси ходимлари, молия вазирлиги ходимлари, ҳатто уларнинг масъул раҳбарлари таъмагирлик йўлига кириб кетди-

лар. Уларга қимматбаҳо совға-саломлар, ичимликлар олиб бериш, ресторанларда зиёфат бериш ва бошқа шунга ўхшаш нопокликлар авжига минди. Бизнинг йиллик талаб-эҳтиёжимиз 2 миллиард сўм атрофида бўлса, бизга, яъни мактаб-маориф тизимига атиги бир миллиард, бир миллиард икки юз миллион маблағ ажратилган, холос. Марказдан берилган маблағ ва манбаларнинг етишмаслиги сабабли, мактаб биноларининг қурилиши 5-10 йилга чўзилиб кетарди. Республикамиз ҳукумати маориф тизимидаги мактаб ва бошқа ўқув юртларини танг аҳволдан чиқариш учун маҳаллий захиралардаги маблағларни, ресурсларни жалб қилиш, саноат корхоналари, жамоат ва давлат хўжаликлари ҳисобидан мактаблар қуриш ва моддий базасини мустаҳкамлаш тадбирларини белгилар эди.

Натижада 1975-85 йиллар давомида мактаб ва боғча биноларини қуришда, уларни керакли асбоб-ускуналар билан таъминлашда силжишлар юз берди. Шу йиллар давомида турли манбалар ҳисобидан йилига 150-200 минг ўқувчига мўлжалланган мактаб бинолари қурилиб ишга топширилди. Кўп сменали мактаблар ва яроқсиз бинолар сони камая борди.

Ўзбекистонда янги телевидениенинг баланд минорасини қуриш, метрополитен барпо этиш, Халқлар дўстлиги саройини қуриш учун маблағ ажратиш масалалари марказ томонидан неча йиллар давомида кўрилмади. Бу борада иттифоқ давлат режа комиссиясида бўлган кескин мунозараларнинг гувоҳиман.

Охир-оқибат мазкур объектларни маҳаллий захиралар ҳисобидан қуришга мажбур бўлдик. Юқоридаги тафсилотлар шўро тузумининг таназзулга учраётгани, бу тузумнинг ҳаётий эмаслиги, "Политбюро" олиб бораётган сиёсатда катта хатоларга йўл қўйилаётганлигидан далолат берарди. Шу туфайли кўпчиликда бу тузумнинг келажагига ишончсизлик пайдо бўла бошлади. Натижада бир зумда бу тузум қум устида қурилган бинодек ўпирилди.

Ўтган йиллар давомида, албатта ўқув-тарбия жараёнида силжишлар рўй берганини тан олиш лозим.

Ўқувчиларнинг билим даражаси ва ўқитувчиларнинг маҳорати ҳам оша бошлади. Улар ўз ишининг фидойилари эдилар. Шу билан бир қаторда, вазирлик тасарруфидаги 14 та пединститут ва 40 та педагогика билим юртларида ҳам қурилишлар амалга оширилди. Уларнинг моддий базалари анча мустаҳкамланди, ўқув жараёни ҳамда илмий текшириш ишларини зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш жонланди. 1972-1985 йиллар мобайнида фан докторлари ва фан номзодлари сони 3-4 марта кўпайди.

Буларнинг ҳаммаси олий ва ўрта педагогик ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнининг юксалишига ижобий таъсир ўтказди. Педагогика институтларининг раҳбарлик лавозимларида деярли фан докторлари етишмас эди. 1975-1976 йилларга келиб ҳамма институтларнинг ректорлари фан докторларидан тайинланди, проректор, декан ва кафедра мудирлари сафи ҳам сифат жиҳатидан мустаҳкамланди, аспирантураларга қабул кўпайди, докторантларнинг сони ошди. Бу борада Тошкент Давлат университети (ҳозирги Миллий университет) ва Ўзбекистон Фанлар академияси жуда катта ёрдам берди. Аспирантларга ва докторантларга шароит яратиб бериш билан бир қаторда уларга талаб ҳам кучайди. Илгари аспирантлар, докторантлар беш йиллаб, ўн йиллаб диссертацияларини ҳимоя қилолмас эдилар. Бу борада ҳеч ким масъулиятни ўз бўйнига олмас эди. Ректорларда талабчанлик йўқ эди.

Вазирлик раҳбарияти бу ҳолатни қаттиқ назорат остига олди, ректорлар билан бирга вазирлик қатъий режалар тузди, тадбирлар белгилади, унинг бажарилиши учун амалий ёрдам берилди. Ҳар уч ой мобайнида аспирантура ва аспирантлар, докторантлар иши муҳокама қилиниб, диссертацияларнинг ўз вақтида ҳимоя қилмаслик сабаблари аниқланар ва аспирант, докторантларга ёрдам берилар эди. Натижада аспирантларнинг 75-80 фоизи, докторантларнинг 60-70 фоизи ўз вақтида диссертацияларини ёқлайдиган бўлдилар. Бу эса институтларда малакали фан номзодлари ва докторларининг кўпайишига олиб келди.

Ўқув юртларининг кўпчилигида ўқув жараёни устидан назорат паст эди. Деканатлар, кафедралар, ўқитувчилар жамоаси ишида тартиб-интизом талаб даражасида эмас эди. Лекция, семинар, педагогик амалиётларда юзакичилик, расмиятчилик ҳукмронлик қиларди.

Вазирликда ўқув ишлари бўйича проректорлар, деканатларнинг фаолиятида ўқув жараёнининг аҳволи муҳокама қилинар, тажриба алмашинар, семинарлар ўтказилар эди. Бу тадбирларда тажрибали проректорлар, деканлар, кафедра мудирлари ва иқтидорли олимлар доклад, маърузаларни уюштириб, кафедраларнинг ишига катта эътибор бера бошладик. Вазирликда кафедра мудирлари билан ҳам алоҳида йиғилишлар олиб борилар, бу йиғилишларда кафедра мудирларининг ҳисоботлари эшитилар, уларнинг ижобий тажрибалари оммалаштириларди. Юқоридаги йиғилишларда ўқув жараёни билан бир қаторда илмий тадқиқот ишларининг аҳволи кўрилган. 1975 йилдан бошлаб ҳамма институтларга илмий ишлар бўйича проректорлик лавозими учун махсус штатлар берилди. Бу — илмий ишлар кўламининг кенгайишига ижобий таъсир кўрсатди. Институтларда профессор-ўқитувчиларнинг ва талабаларнинг илмий-назарий, илмий-амалий конференциялари мунтазам олиб борилди.

Вазирлик томонидан 1974 йилдан бошлаб ҳар йили педагогика институтлари талабаларининг республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларини ўтказиш йўлга қўйилди. Секциялар бўйича бу конференцияларда юзлаб докладлар эшитилар, яхши ишлар мукофотланар эди. Талабаларга вазирлик, Фанлар академияси ҳамда ёшлар ташкилотининг мукофотлари ва фахрий ёрлиқлари бериларди. Бу конференциялар ҳар йили маълум бир институтнинг базасида ўтар эди. Қатор педагогика институтларида муסיқа факультетлари талабаларининг ҳаваскорлик тўғарақлари юқори савияда иш олиб борарди.

1976 йилдан бошлаб ҳар йили Олий ва ўрта педагогика ўқув юртларининг республика миқёсида ҳавас-



корлар кўриги ўтказиладиган бўлди. Бу кўрикларда беш мингга яқин иқтидорли ҳаваскорлар қатнашар ва танловда голиб чиққанлар тақдирланар эди. Бу тадбир талабалар ўртасида мусиқага ҳавас уйғотар, эстетик тарбияни яхшилашга ёрдам берарди. Институт ва педагогика билим юртларида бадий ҳаваскорлик ишларини ташкил қилишда Фарғона давлат пединститутида мусиқашунос доцент С. Дадажонов, Бухоро давлат пединститутида О. Отаев, Низомий номидаги давлат пединститутида А. Ҳасанов, Самарқанд мактабгача тарбия педагогика билим юртида Б. Раҳмонов ва бошқалар жонбозлик кўрсатганлар. Андижон Давлат педагогика институти ҳамда бошқа олий ва ўрта махсус билим юртларида ашула ва рақс ансамбллари ташкил қилинди. Улар талабалар, ўқувчилар ва маҳаллий аҳоли ўртасида муваффақиятли чиқишлар қилар эдилар.

Бадий ҳаваскорлар жамоаси ичидан халқимизга таниш қатор санъаткорлар етишиб чиқди. Жумладан, Марғилон педагогика билим юртидан Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова, Фарғона давлат педагогика институтидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Охунжон Мадалиев (мархум), Бухоро педагогика билим юртидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мавлуда Самандарова каби хонандалар вояга етди. Улар ўзларининг ёқимли овозлари билан халқимизга манзур бўлдилар. Ўқув юртларида бадий-ҳаваскорлик ишларини йўлга қўйишда Вазирликдаги олий ва ўрта таълим бошқармасининг ходими О. Холматов катта ташкилотчилик ишларини бажариб, яхши ном қозонгани эсимда. Бир қанча институт ва педагогика билим юртларининг бу борадаги ишлари диққатга сазовор эди.

Андижон (А. Қосимов), Фарғона (Б. Отақулов), Наманган (М. Маматов), Бухоро (Д. Намозов, В. Мўминов), Қарши (Н. Жабборов, М. Болтаев), Самарқанд (Ф. Икромов) педагогика институтларининг профессор-ўқитувчи жамоалари ҳамма соҳаларда яхши кўрсаткичларни қўлга киритган эдилар. Бу олий ўқув даргоҳ-

ларида талабаларнинг билимлари юқори эди. Етук малакали ўқитувчи кадрлар тайёрлашда бу институтлар ижобий натижаларга эришган эдилар.

Илғор педагогика билим юртлари қаторига Тошкент шаҳар хотин-қизлар педагогика билим юрти (М. Шарипова), Самарқанд (Д. Носирова), Марғилон (А. Шерматов), Хива (Р. Билолова), Тошкент шаҳридаги мактабгача педагогика билим юртлари (О. Омонова) кирар эди. Улар ўқув-тарбия ишларини юқори савияда ташкил этгани туфайли малакали махсус ўрта маълумотли бошланғич синф ўқитувчилари ва болалар боғчалари тарбиячилари тайёрлашда олдинги ўринларни эгаллаб келишди.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг фаолияти алоҳида мақтовга сазовор (З. Нуриддинов, Ҳ. Турсунов). Бу институт республикамизнинг йирик ўқув юртларидан бири сифатида халқимиз маънавиятини юксалтиришга жуда катта ҳисса қўшди. Институтда ҳар доим эл-юртга танилган машҳур олимлар, юксак малакали профессор-ўқитувчилар жамоаси мураббийлик қилди.

Вазирлик белгилаган тадбирларнинг кўп қисми шу институт базасида ўтар, бу ердаги илғор мураббийларнинг янги тажрибалари ўрганилар ва оммалаштирилар эди. Институтни битирган минглаб мутахассислар республикамизнинг деярли ҳамма мактабларида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Вазирликдаги педагогика олий ва ўрта махсус таълим бошқармаси ходимлари, олий ва ўрта таълим метод кабинети ходимлари яхши ихтисосли кишилар эди. Мен уларга суяниб ишладим. Бошқарма бошлиғи С.Д. Зияев, олий таълим бўлими бошлиғи Э. Ҳ. Холиқов, фан ва малака ошириш бўлими бошлиқлари Ҳ. Бобобеков, К. Холиқов, педагогика билим юртлари бўлими бошлиғи К. Т. Солижонова ва метод кабинет мудири Қ. Мўминхўжаевлар катта матонат билан ишладилар, топшириқларни ўз вақтида изчиллик билан бажардилар, олий ва ўрта таълимнинг ривожиди уларнинг ҳам ҳиссалари катта бўлди. Афсуски, бу борада катта хатоларга

ҳам, расмиятчиликка, буйруқбозликка, қоғозбозликка, кўзбўямачиликка ҳам йўл қўйилди. 1975-76 йиллардан бошлаб барча мактабларда юқори ўзлаштиришга эришиш талаб қилина бошланди, билими паст ўқувчиларнинг синфда қолиши ман этилди. Натижада кўпчилик мактаблар 98-100 фоиз ўзлаштириш бера бошлади, синфда қайта қолдириладиганлар сони тубдан камая борди. Ҳатто педагогика институтларидан, ўрта махсус педбилим юртларидан ҳам шундай кўрсаткичлар талаб қилинди. Улар юқори фоизли натижалар билан ўқув йилига яқун ясайдиган бўлишди. Паст ўзлаштириш берган ўқитувчилар, мактаблар, педагогик ўқув юртлари кескин танқид остига олинди. Натижада ўқувчиларга текин баҳо қўйиш авж олди. Отаналар боламнинг баҳолари яхши, ўқиши яхши деб ўзини овунтириб, енгил тортадиган бўлишди. Ҳақиқатда эса ўқувчиларнинг ва талабаларнинг билим даражаси дастур талабидан паст эди.

Бунинг сабабларидан бири шуки, улар пахта терими мавсумида 3-4 ойлаб ўқишдан қолиб, пахта теришга мажбур қилинар эди. Айниқса, қишлоқ ўқувчиларининг кўпчилиги йил давомида ота-онаси билан колхоз, совхоз далаларида ишлар эди. Фаллакор, чорвадор районлардаги ўқувчилар ҳам узоқ жойларга пахта териш учун юборилар эди. Уларнинг яшаш шароити, озиқ-овқат билан таъминланиши ўлда-жўлда эди. Болалар касаллиги, пахтага ишлов бериш жараёнида осмондан, ердан сепадиган кимёвий ўғитлардан заҳарланиш ҳоллари учраб турарди. Талабаларнинг аҳволи ҳам пахта терими даврида шу зайлда кечар эди. Мактаб ўқувчилари ва талабалар 9 ой ўрнига 5 ой, кўпи билан 6 ой ўқишар эди. Натижада ўқувчиларнинг физика, математика, кимё, ўзбек тили ва адабиётдан билим даражаси дастур талабига жавоб бермай қўйди. Олий ўқув юртларига кирган болалар институт, университетларни тугатиб диплом олганига қарамай, уларнинг билим даражаси, малакаси етук мутахассислар олдига қўйиладиган юксак талаблардан бир неча баробар паст эди.

Шундай бўлса ҳам Вазирликнинг марказий аппарати олдига жуда катта, қатъий талаблар қўйилган эди. Айниқса, ишга қабул қилишда маълум қоидалар бор эди. Аввало, ходимнинг педагогик стажига, иш лаёқатига, билим ва кўникмаларига, ташкилотчилик қобилиятига, ёзиш, чизиш бобидаги маҳоратига, одоб-ахлоқига эътибор бериларди. Сўнг рус тилини қай даражада билиши ҳисобга олинарди. Чунки ҳамма буйруқлар, қарорлар, маълумотномалар, ҳужжатлар, ҳисоб-китоблар, умуман, барча ёзувлар фақат рус тилида олиб бориларди. Хизматга қабул қилинганлар ҳар доим ҳам юқоридаги талабларга жавоб беролмасди. Улар билан тинимсиз иш олиб бориш, аппаратдаги иш усулини, ёзувлар тартибини, текшириш услубини ўргатиш зарур эди. Бу соҳада бошқарма бошлиқлари олдига катта талаблар қўйиларди.

Кўп ҳолларда ёзилган хатлар, маълумотнома ва ҳужжатлар талабга жавоб бермаганлиги, ҳатто маълум имло қоидаларига етарлича амал қилинмаганлиги учун икки-уч марталаб ходимларга қайтарилар эди.

Бу эса ана шу ҳужжатларни тайёрлаган янги ходимларни ноқулай аҳволга солиб қўярди. Энг ёмони, топшириқлар муддатида бажарилмай қоларди. Бу ҳодисалар эса аппарат ходимларининг асабийлашувига ва бошқарма бошлиқлари, вазирлик раҳбарларининг айрим ношуд ходимлар ишидан қониқмасликларига сабаб бўларди.

Шу муносабат билан тез-тез ходимлар билан йиғилишлар, семинарлар ўтказилар, уларга иш юритиш услуби ўргатилар ва масъулият талаб қилинар эди.

Мен тиш-тирноғим билан бюрократизмга қарши эдим. Ходимлардан ҳам шуни талаб қилардим. Бюрократизм ишга катта зарар келтирар, ижро муддатини чўзар ва маълум фуқароларнинг, идора ва ташкилотларнинг эътирози ва норозилигини келтириб чиқарарди.

Айниқса, ариза ва шикоят билан келган фуқароларни ўз вақтида қабул қилиниши, уларга эътиборли бўлиш, ишини пайсалга солмаслик, ҳаққониятли ва адолатли бўлиш талаб қилинар эди. Афсуски, бу жа-

раён ҳам доимо талаб даражасида кечмасди. Вазирлик раҳбарияти бу борада ниҳоятда қаттиққўл ва талабчан эди.

Вазиримиз Саид Шермухаммедов ходимларнинг масъулиятли, ҳозиржавоб бўлишига, ишдаги тезкорлигига катта эътибор берар ва ҳаммадан шуни қатъий талаб қиларди. Вазирликдаги ходимлар сони 400 дан ортиқ эди. Шунингдек, турли фан соҳалари бўйича услубий кабинетлар бўлиб, уларда ҳам 150 дан ортиқ методистлар ишларди. Вазирнинг иккита биринчи ўринбосари ва тўртта тармоқ ўринбосарлари бор эди. Чунки вазирликдаги иш кўлами жуда юқори бўлиб, унинг тасарруфида 15000 га яқин муассасалар: мактаблар, мактаб-интернатлар, болалар уйлари, болалар боғчалари, мусиқа, спорт мактаблари ва мактабдан ташқари болалар муассасалари, олий ва ўрта махсус педагогика ўқув юртлари мавжуд эди. Бу муассасаларда ярим миллионга яқин ўқитувчилар, тарбиячилар ва бошқа ходимлар ишлар эди. Уларнинг зиммасида миллионлаб ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш масъулияти ётар эди. Халқ маорифидаги бундай кенг кўламли ишларга вилоятлар, Қорақалпоғистон Автоном Республикаси ва Тошкент шаҳар халқ маорифи бошқармалари, 200 га яқин туман, шаҳар маорифи бўлимлари раҳбарлик қилар эди. Болалар муассасалари, ўқитувчи ва тарбиячилар учун 15 та малака ошириш институтлари, шу жумладан, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институти, мактабгача тарбия муассасаларининг тарбиячилари малакасини оширувчи республика курси ва республика педагогика фанлари илмий-текшириш институти иш олиб борар эди. 200 га яқин туман, шаҳар методика кабинетлари болалар муассасалари ҳамда маориф тизимида ишлаётган ярим миллионли ўқитувчи, мураббийлар ва бошқа ходимлар учун хизмат қилар эди. Халқ маорифи эҳтиёжлари учун республика бюджетининг учдан икки қисми сарфланар эди.

Вазирлик тасарруфидаги бутун муассасаларни асбоб-ускуналар, жиҳозлар, транспорт техника восита-

лари, қурилиш материаллари, ёқилғи, ўтин-кўмир билан таъминловчи 14 та вилоят таъминот базалари, шу жумладан халқ маорифи вазирлиги қошидаги Республика таъминот маркази ҳамда ўқув қуроллари сотувчи 14 та магазин мавжуд эди.

Болалар муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш мактаб, боғча биноларини ўз вақтида таъмирлаш, уларни жиҳозлаш катта куч ва катта маблағ талаб қиларди. Ўқувчиларнинг ёзги дам олишини ташкил қилиш учун тегишли ташкилотлар, ёшлар, касаба союзлари ёрдамида катта тадбирлар белгиланиб, уларни амалга ошириш, болаларнинг мароқли дам олишини ташкил қилиш, хавфсизликка риоя қилган ҳолда уларни соғсаломат ота-оналари ҳузурига қайтаришни таъминлаш зарур эди. Ўқув йили бошланиши билан мактабларни юзлаб нусхада, миллионлаб тиражда, 7 тилда дарсликлар, ўқув қўлланмалар билан таъминлаш, бу соҳада муаллифлар билан муттасил иш олиб бориш, тайёрланган дарсликлар макетини ўз вақтида нашриётга топшириш керак эди. Бу жуда мураккаб масала ҳисобланарди.

Халқ таълими вазирлигига, болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ишига ҳамма вазирликлар ва бир қанча Республика ташкилотлари дахлдор эдилар. Шунинг учун вазирлик қошида бир қанча мувофиқлаштирувчи кенгашлар ташкил қилинган эди.

Мактабгача тарбия ишларини мувофиқлаштирувчи кенгаш таркибига ўз тасарруфида болалар боғчалари бўлган йирик вазирликлар, Республика ташкилотлари, темир йўл бошқармасининг вакиллари кирар эди.

Олий ва ўрта педагогик таълимни мувофиқлаштирувчи кенгаш Олий ва ўрта таълим вазирининг ўринбосари, университетларнинг ректорлари, чет тиллар, Андижондаги тиллар ва физкультура институтларининг ректорларидан иборат эди. Бу кенгаш ўқитувчи ва мураббийларни тайёрлашни такомиллаштиришга доир масалаларни кўриб чиқарди.

Ёшларни касбга йўналтириш ишлари билан шуғулланадиган мувофиқлаштирувчи кенгаш бир қанча вазирликлар иштирокида иш олиб борарди.

Ўқувчи ёшларни эстетик тарбиялашни мувофиқлаштирувчи кенгаш ишларида ёшлар ташкилотининг, касаб-ба иттифоқининг, ижодий уюшмалар, маданият ва бошқа бир қанча ташкилотларнинг вакиллари иштирок этарди. Болаларни ёзги дам олишини мувофиқлаштирувчи кенгаш ўз фаолиятини деярли ҳамма вазирликлар, Республика ташкилотлари, касаб ва ёшлар ташкилотларининг иштирокида олиб борарди. Ўқувчи ёшларни санитария-гигиена тарбиясини мувофиқлаштирувчи кенгаш таркибига Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа дахлдор ташкилотларнинг вакиллари кирар эди.

Булардан ташқари вазирлик қошида яна бир қанча кенгашлар, комиссиялар иш кўрарди. Бундай улкан серқиррали соҳани бошқариш Халқ маорифи вазирлиги раҳбарияти ходимларидан катта билим, куч, салоҳият ва масъулият талаб қилар эди.

Улкан даргоҳни бошқарувчи вазирликка ҳар куни ёғилиб келадиган хатлар, мурожаатлар, ариза-шикоятлар сонини, дардига даво излаб ўқитувчи, мураббийлардан ташқари минглаб фуқаролар келишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шу боис мен фуқароларни ҳафтада белгиланган 3 кун ўрнига ҳар куни соат тўртдан еттигача қабул қилар эдим. Хусусан, фуқаролар фарзандлари олий ўқув юртлирини битириб, Республикамиздаги турли шаҳар, қишлоқларга ишга юбориладиган кезларда, шунингдек, ўқув юртлирида имтиҳонлар бораётган пайтларида ва мандат комиссияси кунларида кўплаб шикоятлар билан келишарди.

Узоқ жойлардан келган фуқароларнинг ишини пайсалга солмасдан кўриб чиқиш зарур эди, чунки уларнинг ётадиган жойи йўқ эди. Шу даврларда меҳмонхоналарда бўш жой топилмасди. Аксари фуқароларнинг маблағлари камлигини эътиборга олиб, шикоятини тез кўриб чиқиш талаб қилинар эди. Шу туфайли ходимлар ишдан кейин ҳам бир-икки соат қолиб кетишарди.

Вазирликка мурожаат қилиб келганларнинг ишини иложи борича ижобий ҳал этишни талаб қилардим.

Менга топширилган ишларнинг кўлами катта бўлгани учун бу ишларни тез ва вақтида бажариш мақсадида мен кунлик, ҳафталик, ойлик режаларини тузар эдим. Белгиланган кунлик режага иш жараёнида яна бир қанча юмушлар қўшиларди. Ҳаммасини бажармасдан уйга кетолмас эдим. Менга физкультура-спорт ишлари ҳам юклатилган эди. Бинобарин, Республика спорт кўмитасида ҳайъат аъзоси ҳисобланардим. Республика ёшлар ташкилотининг бюро аъзоси, Олий таълим вазирлигининг ҳайъат аъзоси, Фанлар академиясининг илмий тадқиқот ишларини мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоси, Фанлар академияси қошидаги “РИСО” - таҳририй нашриёт кенгашининг аъзоси, Республика мактаб, ўқув-юртлари касаба уюшмаси президиуми аъзоси ҳам эдим. Буларнинг ишига иштирок этиш ҳам кўп вақтни олар эди. Ҳаммасини ўз вақтида бажариш учун тиришқоқлик, ҳаракатчанлик, тезкорлик қўл келар эди.

Вазирлик ташаббуси билан бир қанча Халқаро илмий симпозиумлар, иттифоқдош республикалараро илмий-амалий конференциялар ўтказилар эди.

1972 йилда Низомий номидаги Давлат педагогика институтининг физика кафедраси базасида “Окустик строскопия” мавзусига бағишланган халқаро илмий симпозиум ўтказилди. Ушбу йилларда институтда физика кафедрасининг мудирини, таниқли олим, академик П. Қ. Ҳабибуллаев бошчилигида халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Симпозиумда 20 та давлатдан олимлар иштирок этдилар. Машҳур олим, академик, Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг ректори Р. В. Хохловнинг маърузаси кўпчиликда чуқур таассурот қолдирди. Маълум муаммоларга бағишланган “собиқ иттифоқ” миқёсидаги турли илмий амалий конференциялар ҳам Тошкентда кўплаб ўтказилар эди.

Собиқ иттифоқ мактаб ўқувчиларининг Спартакиадаси ҳам икки маротаба (1976, 1984 йиллар) Тошкентда ўтди. Охириги Спартакиадада Республикамиз ўқувчилари биринчи ўринни эгаллади. Унда 20 мингдан ортиқ мактаб ўқувчилари, Маориф раҳбарлари,



тренерлар иштирок этдилар. Спорт базаларини тайрлаш, уларни жиҳозлаш, Спартакиада иштирокчиларини кутиб олиш, меҳмонхона, ётоқхоналар билан таъминлаш, овқатлантириш, хавфсизлигини сақлаш ва бошқа бир қанча ишлар маориф вазирлигига, шахсан менга топширилар эди. Спартакиада штабининг бошлиғи эдим. Кўп мингли меҳмонларни кутиш, уларга хизмат қилиш ўта жавобгарлик талаб қиларди.

Икки йилда бир мартаба Республика мактаб ўқувчиларининг Спартакиадаси ҳам Тошкентда ўтар эди. Уларда 3-4 минг атрофида ўқувчилар иштирок этарди.

Ҳар икки йилда Республика ўқитувчиларининг анъанавий съезди чақирилар ва юқори савияда ўтарди. Съезд ишида Ш. Рашидов бошлиқ Республика раҳбарияти қатнашарди. Съезд халқ маорифидаги муаммоларни муҳокама қилар, мактаб-маориф тараққиётига доир дастурларни белгилар эди.

Ҳар 2-3 йилда Республика ўқитувчиларини ва мураббийларининг педагогик ўқишлари ўтказилган. Шаҳар, туман, вилоятлардаги педагогик ўқишларда яхши баҳоланган ўқитувчилар, мураббийлар, маориф ходимларининг маърузалари Республика педагогика ўқишларига юборилар эди.

Педагогика ўқишларининг асосий мақсади мактаблар, болалар боғчалари, ўқитувчи, мураббийларнинг илғор тажрибаларини оммавийлаштиришдан иборат эди.

Юқорида баён қилинган тадбирларни ўтказиш ишига раҳбарлик қилиш ҳам менинг зиммамга юклатилган эди.

Халқ маорифи тасарруфида 17 та педагогика институтлари бўлиб, юқори малакали ўқитувчи кадрлар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси ва унинг тармоқ институтлари билан мустақкам алоқа боғланган эди. Бу борада Фанлар академиясининг президенти, академик Обид Содиқов, вице-президентлар Э.Ю. Юсупов, П. Қ. Ҳабибуллаев, С. Ҳ. Сирожиддиновлар педагогика институтларига катта ёрдам бердилар. Қисқа вақт ичида ўнлаб фан докторлари,

юзлаб фан номзодлари тайёрлашга муваффақ бўлдик. Академиянинг тармоқ институтлари пединститутларга асбоб-ускуналар, жиҳозлар, ҳисоблаш техникаси ва бошқа техника воситалари билан ёрдам берар эдилар. Бу хилдаги ёрдамлар педагогика институтларининг моддий базасини мустаҳкамлашга, илмий тадқиқот ишларининг самарадорлигига, ўқув жараёнини такомиллашувига ижобий таъсир кўрсатар эди. Олий таълим вазирлиги, унинг қарамоғидаги Тошкент Давлат университети ҳам педагогика институтлари учун ма-лакали, ихтисосли илмий даражага эга бўлган кадрлар тайёрлашда катта кўмак берарди.

Узоқ йиллар давомида вазирлик бағрида ишлаб катта ҳаёт тажрибасига эга бўлдим. Кўп йиллар вазир ўринбосарлари С. Г. Романов, И. С. Мўминов, Ж. Ш. Шарипова, М. А. Зоҳидов, И. К. Раҳимовлар билан бир ёқадан бош чиқариб ишладик, бир-биримизга ёрдам бердик, ҳурмат-иззатда бўлдик. Улар ҳаммаси ҳалол, виждонли ва ишчан кишилар эдилар. 1970-1984 йиллар давомида ҳурматли вазиримиз С. Ш. Шермуҳаммедов билан ишладим. Вазиримиз менга ишонар, ҳар доим ҳурмат билан қарарди. У иродали, билимдон, маданиятли ва талабчан инсон эди. 14 йил давомида Вазирликда катта ишларни амалга оширди. Мактаб, боғча ва бошқа ўқув юртларининг моддий базасини мустаҳкамлашда, ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришда, ўқитувчи кадрларни тайёрлашда унинг катта ҳиссаси бор. У жуда меҳрибон, инсонпарвар киши бўлиб, ҳаммамизни қўллаб-қувватлар, ишимизга катта ёрдам берар эди. Мен шундай яхши инсонлар билан бирга ишлаганимдан бахтиёрман. Иш давримизда маълумотли, маданиятли, истиқболли кўп ёшларни ишга қабул қилдик. Шогирдлар тайёрладик. Ҳозир улар вазирликда катта муваффақиятлар билан ишламоқдалар. Жумладан, Р. Ш. Аҳлиддинов, У. Ҳ. Мусоевлар вазир ўринбосари лавозимида ишламоқдалар. Бир шогирдим Ж. Ғ. Йўлдошев кўп йиллар давомида мактаблар бошқармасига раҳбарлик қилди. Мактаб-маориф ишларини чуқур ўрганди ва вазирлик лавозимигача кўта-

рилди. Ислохотларни амалга оширишда унумли меҳнат қилди. Фан доктори ва профессорлик даражасига эришди. Ҳозир Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтининг ректори лавозимида самарали ишламоқда. Ҳамма шогирдларимга соғлиқомонлик ва ишларида барака тилайман.

Шу ўринда вилоятларда халқ маорифи ривожига ҳисса қўшган зотларни ҳам эслаб ўтиш лозим. Қорақалпоғистон Автоном Республикасида кўп йиллар вазирлик лавозимини Ж. С. Сейитниязов ўтади. Бу киши автоном республиканинг оғир шароитига қарамасдан мардонавор хизмат қилди. Мактабларнинг аҳволи ночор эди, кўпчилик мактаблар замонавий талабларга мослашмаган, кўримсиз хоналарда жойлашган бўлиб, ўқув-тарбия ишларини олиб боришда ҳеч қандай шароит йўқ эди. Қорақалпоқ тилида чоп этилган дарсликлар етишмас, узоқ туманларда, қишлоқларда ўқитувчилар кам эди. Сейитниязов катта обрўга эгаллиги туфайли 1960-1980 йиллар мобайнида вилоят ва туман, колхоз, совхозлар раҳбариятининг эътиборини мактаб-маорифга қарата олди. Миллий тилда дарсликларни чоп этишда, мактабларни ўқув қуруллари, асбоб-ускуналар билан таъминлашда, кадрлар тайёрлашда Ўзбекистон Халқ Маорифи вазирлиги унга ҳаммиша ёрдам бериб турди.

Хоразм вилоятида М. Худойберганов, Р. Машарипов каби педагоглар вилоят маорифига раҳбарлик қилиб, кўп ижобий ишларни амалга оширдилар.

Фарғона вилоятида яхши ишлаган вилоят Халқ маорифи мудирлари С. Мамажонов, Ж. Мамадалиев, Г. Қодиров каби раҳбарлар мактабларда ўқув-тарбия ишларини юқори савияга кўтаришда, ўқитувчи кадрларнинг маҳорати ва фидойилигини оширишда, уларга шароитлар яратиб беришда катта жонбозлик кўрсатдилар. Вилоятда илғор мактаб, боғчалар сони кўпайди, уларнинг тажрибалари оммалаштирилди.

Андижон вилоят Халқ маорифи бўлимининг мудирлари Маматхонов, А. Абдуллаевлар ишлаган йил-

ларида мактаб-маориф ишида жуда катта силжишлар рўй берди. Илғор мактаблар, фидойи ўқитувчилар сони кўпайди. Маориф вазирлиги қатор мактаблар, ўқитувчиларнинг эътиборга лойиқ тажрибаларини ўрганиб, оммалаштирди. Яхши инсоний фазилатлар соҳиби бўлган, ҳормай-толмай маориф равнақи учун заҳмат чеккан Бухоро вилояти маорифининг раҳбарлари У. З. Ҳамидов, А. Музаффаров, Сурхондарё вилоятидан С. С. Соҳибов, Самарқанд вилоятидан С. Қ. Қаршиев, Жиззах вилоятидан Н. У. Ўралов, Сирдарё вилоятидан Сулаймонбеков каби раҳбарларнинг ишлари таҳсинга сазовордир. Уларнинг кўплари урушдан кейинги йилларда маориф ишини тиклашда, уни оёққа қўйишда катта хизмат қилдилар. Кўплари ҳаётдан кўз юмди. Ҳамкасблари, дўстлари уларни абадий хотирлайди.

Тошкент шаҳри мактаб-маориф ривожиди алоҳида эътиборга лойиқ. Мен билан бир даврда ишлаган шаҳар халқ маорифи бош бошқармасининг мудирлари Т. Дадашев, Х. Қ. Йўлдошевлар ҳақида кўп ижобий гаплар айтса арзийди. Шаҳарда кўз ўнгимда амалга оширилган маориф тараққиётининг гувоҳиман. Қисқа вақт ичида юзлаб янги, замонавий мактаб, боғча биналари қурилди. Намунали мактаб, боғчалар сони йил сайин оша борди, тажрибасини ўрганса арзийдиган болалар муассасалари, маҳоратли ўқитувчилар ва тарбиячилар кўпайди. Бу борада туман маорифи бўлимларининг ҳам ҳиссалари улкан.

Мустақиллик йилларида халқ таълими ва олий таълим соҳасида янги ислоҳотлар ва “Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури” муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу борада Халқ таълими вазирлиги жамоаси, вилоят халқ таълими бошқармалари тинимсиз ишламоқда.

Президентимиз И. А. Каримовнинг бевосита ташаббуси асосида қабул қилинган ислоҳотларни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ни амалга оширишга қаратилган кенг миқёсдаги тадбирлар болалар муассасалари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳаётига дадил тадбиқ этилмоқда.

## ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ МЕВАСИДИР

1991 йил 31 августда Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги эълон қилинди ва қонун билан мустақкамланди. Миллатимиз, ватандошларимиз онгидан жой олган озодлик, ҳурлик ва истиқлол каби тушунчалар ўз муқаддаслигини тўлиқ маънода намоён этиб бормоқда. Президентимиз Ислон Каримов айтганларидек: “Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким, ҳеч қачон қайтара олмайди. Зотан, ватанга бўлган меҳр-муҳаббат ҳар қандай муаммони ечишга, ҳар қандай ёвуз кучни енгишга қодирдир”. Мустақилликни асраб қолишнинг асосий шarti Ўзбекистондаги ҳар бир фуқаронинг қалбида Ватан туйғусини уйғотишдир.

Президентимиз Ислон Каримов юксак маданий-маърифий жамият қуриш, келажаги буюк давлат барпо этиш гоъсини илгари сурди. Бунинг учун энг аввало мамлакат аҳолисининг маърифий-маданий савиясини ошириш, турмуш даражасини кўтариш зарурлиги қайта-қайта таъкидлаб келинмоқда. Таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш, уни такомиллаштиришга доир ҳуқуқий асослар 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб берилди. Унда ҳар бир фуқаронинг бепул умумий таълим олиш ҳуқуқи, таълимнинг давлат назоратида эканлиги қонуний кафолатланди. Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг 1992 йил 2 июлдаги қарорига асосан “Таълим тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Унда таълимнинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий тамойилларни ривожлантиришда белгиловчи устувор соҳа эканлиги эътироф этилди.

Ривожланиш йўлидаги ҳар бир жамиятда таълим зиммасига стратегик вазифалар юкланади.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, ўз олдига ҳуқуқий демократик, эркин бозор иқтисодиётига асосланган давлат барпо этиш вазифасини қўйди.

Маълумки, собиқ шўро тизимида педагогика фани ва таълим-тарбия масалалари маълум даражада деп-

синиб қолган эди. У собиқ коммунистлар партиясининг манфаатларига, хоҳиш-истакларига тўла бўйсундирилган эди. Мустақиллик йилларида ёшларни аждодларимизнинг маънавий мероси, халқимизнинг тарбияшуносликдаги асрий анъана ва урф-одатлари асосида ватанпарвар, фидойи фарзандлар этиб тарбиялаш, замонавий билимлар билан қуроллантириш, эркин фикрли, комил инсонлар қилиб вояга етказиш асосий мақсад қилиб қўйилди. Маълумки, бу каби тушунчалар ўқувчилар онгига асосан ижтимоий фанлар орқали сингдирилади. Шу боисдан энг аввало тарих, адабиёт, она тили, жамиятшунослик фанлари мазмунини янгилаш вазифаси қўйилди. Ўқув дастурига “Одобнома”, “Иқтисодий билим асослари”, “Динлар тарихи”, “Одам ва унинг саломатлиги” каби қатор фанлар ва курслар киритилди. Бу фанлар ўқувчиларда маънавий, ахлоқий, иқтисодий ҳамда тиббий билимларни оширишга самарали таъсир этади.

Таълим-тарбия муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини демократлаштириш, педагог ва ўқувчиларнинг ташаббускорлик, ижодкорлик билан фаолият кўрсатишлари учун керакли шарт-шароитларни яратиш ишлари бошлаб юборилган.

Президентимизнинг фармонида асосан кўп минг сонли педагогик ходимларга яшаб турган уйлари бепул хусусийлаштирилди, якка тартибда уй қуриш учун ер участкалари ажратилди. Халқ таълими ходимларига коммунал хизматдан, электр энергияси ва газдан имтиёзли равишда фойдаланишга рухсат берилди. Шаҳар ўқитувчилари ва тарбиячиларига шаҳар йўловчи ташиш транспортида бепул юриш учун карточкалар бериладиган бўлди.

Ушбу ғамхўрликларга жавобан янги педагогик технологиялар асосида дарс ўтадиган илғор тажрибали ва ижодкор ўқитувчилар сафи кенгайиб борди. Ҳукумат томонидан таълим-тарбияга жамият тараққиётини белгиловчи соҳа сифатида қаралганлиги туфайли бу тадбир умумхалқ ишига айланиб кетди. Шахсан Президентимиз томонидан таълим соҳасида кечаётган жараёнларнинг назоратга олиниши сабабли таълим-тарбия вилоят, ту-

ман, хўжалик раҳбарларининг ҳам кундалик иши ва ташвишига айланиб бормоқда. Натижада мактабларнинг моддий-техник базасини бойитишга ҳам доимий эътибор вужудга келди. 2000-2001 ўқув йилида барча таълим турлари ўқув режаларига “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани киритилди. Бу фан бўйича таълим дастурини яратиш ва таълим тизимига жорий этиш тўғрисида 2001 йил 18 январда Президентнинг фармони эълон қилинди. Миллий истиқлол ғоясини ёшларимиз онгига сингдиришга қаратилган ўқув, илмий-услубий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини таъминлаш ва такомиллаштириш вазифаси қўйилди. Ушбу фармойиш юзасидан таълим тизимида бир қатор катта ишлар амалга оширилди.

Ўрта таълим мактабларининг 7-9-синфларида ўқитиладиган “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” ўқув фани бўйича Халқ таълими вазирлиги томонидан услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ислоҳотлар йилида амалга оширилган тадбирлардан бири таълим муассасаларида алоҳида истеъдодга эга қобилиятли ёшларни аниқлаш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратилишидир. Шу муносабат билан иқтидорли ўқувчиларга замон талаблари даражасида билим бериш мақсадида мактаб-интернатлар, гимназиялар, лицейлар, илғор мактаблар қошида маълум бир фан йўналишидаги синфлар фаолият кўрсата бошлади.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасини кўрсатадиган ҳамда илмга интилиб, уни мукамал ўзлаштиришни ихтиёр этган ёшларни қўллаб-қувватловчи яна бир тадбир жорий этилди — олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари тест синови тарзида ўтказила бошланди. Бу олий ўқув юртларида ўқишга муносиб ёшларни холис танлаш имконини берди.

Ижтимоий ҳимоянинг кўплаб турлари қаторида бошланғич синф ўқувчилари учун бепул нонушта, икки ёшгача бўлган болаларга бепул овқат, мактаб ўқувчилари ва талабалар учун овқатнинг арзонлаштирилиши каби тадбирлар амалга оширилди. 1-синф ўқув-

чиларига барча дарсликлар ва ўқув-ёзув қуроллари бепул бериладиган бўлди. Шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич синф ўқувчиларининг 15 фоизи бепул кийим-кечак билан таъминлана бошлади. Мактабгача таълим муассасалари зиммасига ҳам боланинг жисмоний ривожланишини таъминлаш вазифаси юклатилди. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари”, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг “Баркамол авлод спорт ўйинлари” ва олий ўқув юртлари талабаларининг “Универсиада” спорт мусобақалари ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзининг кенг ёйилишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

2000 йил республикамызда “Соғлом авлод йили” деб эълон қилинди. “Соғлом авлод” давлат дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга тадбиқ қилинди. Келажак эгалари бўлган ёшларни ҳам жисмонан соғлом, ҳам маънан етук инсонлар қилиб тарбиялашнинг асослари бу дастурда ўз аксини топди.

“Соғлом авлод” давлат дастуридан келиб чиқиб, Республика Халқ таълими вазирлиги узоқ йилларга мўлжалланган “Соғлом авлод” комплекс тадбирларини қабул қилди ва уни изчиллик билан амалга оширмоқда.

1-4-синфларда “Одобнома”, 5-6-синфларда “Ватан туйғуси”, 7-9-синфларда “Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари”, 8-синфда “Одам ва унинг саломатлиги”, 5-6-синфларда фанлар таркибида болаларнинг гигиеник таълим-тарбиясига доир махсус тавсияномалар ишлаб чиқилди. “Оила этикаси ва психологияси”, “Саломатлик алифбоси”, “Саломатлик дарслари” фанлари ва курслари бўйича дастур ва дарсликлар яратилди. Озод ва обод юртимизда Ватан, миллат, ор-номус каби муқаддас туйғулар ва соғлом авлод яратиш туйғуси ҳам халқимиз қалбидан чуқур жой олмоқда. Юртдошларимиз орасида маърифатпарварликни, таълим-тарбияга ҳомийлик қилишни, болаларимиз учун мактаблар қуриб беришни савобли иш деб биладиган ҳимматли кишилар кўпайди. Истиқлолга эришган йиллардан оқ ҳомийлар томонидан мактаблар қурилиши бошланган





*Насриддин Раҳмонович Раҳмонов ва рафиқаси  
Саломат Жиянбоевна Раҳмонова.*



*Насриддин Раҳмонов билан Саломатхон Раҳмонова.*



*Насриддин Раҳмонов қизлари Замирахон Тўйчиева, Дилоромхон Раҳмонова, куёвлари Фарҳод Тўйчиев, Эсиргап Намозов, ўғли Диёржон Раҳмонов, келини Зулхуморой ҳамда неваралари Элёржон, Элдоржон, Гўзалой, Темуржон, Шарофжон, Файратжонлар даврасида.*



*Насриддин Раҳмоновнинг катта қизи Тўйчиева Замирахон, куёви Тўйчиев Фарҳоджон, набиралари Элёржон, Элдоржон, келинлари Нозимаой, Гулноралар.*



*Насриддин Раҳмоновнинг қизи Дилоромхон, куёви Эсиргап ва неваралари Гузалой, невара куёвлари Жасурбек, невараси Темуржон ва унинг рафиқаси Иринзой, зваралари Лайлохонлар.*



*Насриддин Раҳмоновнинг  
невараси Гузалой, нева  
куёви Жасурбек, эвараси  
Лайлохон.*



*Насриддин аканинг  
невараси Темуржон ва  
унинг рафиқаси Иринаой.*



*Насриддин аканинг ўғли Диёржон, унинг рафиқаси Зулхуморой,  
невараси Шарофжон, Ғайратжонлар.*



*Диёржон, Зулхуморой ва Дилнозай.*



*Насриддин аканинг ўгли Дийржон Раҳмонов.*



*Шарофжон ва Маликаой.*



*Дилнозоя Лайлохон билан.*



*Насриддин Раҳмонов  
7-синф ўқувчиси.*



*Насриддин Раҳмонов ва амақиси Сафарбой ота.*



*Шароф Рашидович Рашидов янги ўқув йилининг  
бошланиши муносабати билан  
Тошкент хотин-қизлар педагогика билим юртида.*





*Курсдошлар ва устозлар даврасида.  
Самарқанд. 1947 й.*



*Академик Қори-Нисёзий ва Ўқитувчилар малакасини ошириш  
ва қайта тайёрлаш Марказий институтининг  
она тили ва адабиёти кабинети мудираси  
Нисёметова Туйғуной билан суҳбатда.*



*Республика ўқитувчилар малакасини ошириш  
ва қайта тайёрлаш Марказий институти  
илмий-услубий кенгашининг  
аъзолари билан.*



*Самарқанд вилояти халқ маорифи ходимлари  
даврасида.*



*Ўзбекистон халқ шоири Уйғун ва Ўзбекистон халқ ёзувчиси  
Назир Сафаров Ўқитувчилар малакасини ошириш ва  
қайта тайёрлаш Марказий институтининг  
ходимлари даврасида.*



*Қорақалпоғистон Автоном Республикаси, вилоятлар  
ва Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш  
институтининг директорлари билан.*



*Насриддин Раҳмонов Иқболхон Тўхтаўжаева, Мўминов Иброҳим Солиевич, Ражабов Сиддиқ Ражабовичлар Самарқанд вилоятдан сайланган Республика ўқитувчилар съездининг делегатлари орасида.*



*Шермухаммедов Саид Шермухаммедович, Мўминов Иброҳим Солиевич, Раҳмонов Насриддин Раҳмонович,  
Қодиров Эминжон Қодировичлар Қорақалпоғистон Республикаси Халқ маорифи вазири,  
вилоят ва Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлимларининг мудирлари билан.*



*Шермухаммедов Саид Шермухаммедович, Ҳабибуллаев Пўлат Қирғизбоевич,  
Ражабов Сиддиқ Ражабовичлар Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг  
профессор-ўқитувчилари билан.*



*Раҳмонов Насриддин Раҳмонович, Мўминов Иброҳим Солиевич,  
академик Ражабов Сиддиқ Ражабовичлар Хоразм вилоятида.*



*Насриддин Раҳмонов 80 ёшда.*



*Насриддин ака ва Саломатхон опа.*



эди. Бу эзгу иш йил сайин янада авж олмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг даъвати имкони бор юр-тдошларимизни мактаблар қуришга рағбатлантирмоқда. 1994-95 ўқув йилида Тошкент шаҳрида 24-мактабнинг янги биноси қуриб битказилди. Бу ҳақда президентимиз шундай деган эди: “Қани энди шундай олижаноб воқеалар юртимизда, ҳар бир шаҳар, туман ва қишлоқларда янада кўпроқ бўлса! Қани энди ҳар қайси ҳокимлик вазифасида ўтирган, ўзини халқ етакчиси деб ҳисоблайдиган раҳбар биттадан шунга ўхшаш мактаб курси!”. Юр-тбошимизнинг бу даъватига амал қилган ҳокимлар ҳар бир туманда биттадан эмас, кўплаб мактаблар қуришни бошлаб юбордилар. Президентимизнинг маърузаларидан бирида савобли ишни ҳар ким ва ҳар куни қилиши керак, деган фикрлари ҳокимларни мактаб қуришга бўлган ҳаракатларини жадаллаштирди.

Тадбиркорлар, фирма раҳбарлари ва бошқа ҳомийлар ўз маблағлари ҳисобидан шаҳар, туман, қишлоқларда кўплаб мактаблар қуришни давом эттирмоқдалар. Улар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими Вазирлиги бундай саховатли инсонларни муносиб тақдирлаш учун “Таълим ҳомийси” нишонини таъсис этди. Бу нишон соҳибларининг сони кун сайин ошиб бормоқда. Улар орасида турли касб эгалари бор. Улар ё мактаб қурган, ё арзигулик бирор нарса туҳфа этиб, мактабнинг “оғирини енгил” қилган инсонлардир.

Ўзбекистон Республикасида “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ва унинг негизи бўлган — ўзбек моделига мувофиқ равишда узлуксиз таълим соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар халқаро доирада катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам юртимиз раҳбари жаҳон тажрибасида кам учрайдиган, ниҳоятда ноёб саналадиган “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг асосчисидир.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ни тузиш ишида ўзбекистонлик ва хорижий етакчи мутахассислар, кенг илмий ва педагогик жамоатчилик вакиллари жалб этилди. Дастур ўз ичига қуйидаги масалаларни қамраб

олди: бутун таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ҳаракатдаги ўқув юртларини янги йўналишга солиш, янги ўқув юртлари, аввало техник коллежлар, бизнес мактаблари ва махсус ўқув юртлари ташкил этиш, ўқув-тарбия жараёни сифатини жаҳон андазалари даражасига кўтариш, тўққизинчи синфни битирувчилар учун тадбиркорлик фаолияти асослари, иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар дарсларини киритиш. Шунингдек, махсус таълим муассасаларини барпо этиш, миллий уйғониш ва умминсоний қадриятларни идрок этиш ғояси асосида Ватанга меҳр-муҳаббат, мустақиллик идеалларига садоқат руҳида таълим-тарбия бериш, ёшлар билан мунтазам равишда ишлаш, иқтидорли ёшларни топиш, уларнинг энг яхши хорижий ўқув марказларида профессионал таълим олиши учун шароит яратиш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини янги ўқув адабиётлари, замонавий жиҳозлар ва компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, педагогик касбга ҳурматни ошириш учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни яратиш Миллий дастурнинг асосий негизини ташкил этди.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури“ ва “Таълим тўғрисида“ги қонун қайта-қайта изланишлар, тинимсиз меҳнатлар самараси сифатида дунёга келди. Бу масала 1997 йил 29 август куни биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси муҳокамасига киритилди. Президент Ислам Каримовнинг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури“ ва таълим тизимидаги ислоҳотлар тўғрисидаги нутқи зўр эътибор билан тингланди.

Олий Мажлис “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури“ни тасдиқлади ва таълим тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари И.Каримов нафақат ёшлар тарбияси ҳақида, балки бевосита шу ишга ўз умрини бағишлаган фидойи инсонлар, ўқитувчилар ва мураббийлар хусусида ҳам юксак эътибор кўрсатмоқда. Ўзбекистонда 1996 йил 27 декабрда ўқитувчилар ва мураббийлар кунини белгилаш тўғрисидаги қонун эълон қилинди. 1 октябр ўқитувчилар ва мураббийлар куни сифатида кенг нишонланди. Мамлакатимизда ўқитувчиларга қатта

этибор қаратила бошланди. Мустақиллик йилларида 4 нафар ўқитувчи мамлакатимизнинг энг олий нишони “Ўзбекистон қаҳрамони” унвонига сазовор бўлдилар.

Таълим тизими истиқлол йилларида қадам-бақадам ривож толиб, янгиланиб борса-да, мамлакат ижтимоий ҳаётини ҳаракатлантирувчи соҳа сифатида туб ислоҳотларга муҳтожлиги тобора ойдинлашиб боради.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида” 1997 йил 6 октябрда фармон қабул қилди. Бу фармонга кўра “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ни ҳаётга тадбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилди. Таълим ислоҳотларини амалга ошириш ва бу борада қабул қилинган қарорларни кенг жамоатчилик томонидан англаб олинишига шароит яратиш давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, таълим-тарбия муассасалари ходимларининг энг долзарб вазифалари этиб белгиланди.

Бугун жамият ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, хусусан таълимда кечаётган туб ислоҳотларнинг ҳар бир куни юртбошимиз номи билан бевосита боғлиқ. Президентимиз қачон, қаерда ва қай мавзуда сўз юритмасин, баркамол авлод тарбияси унинг диққат марказидан жой олиб келади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги “Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги 203-сонли қарорида “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”га мувофиқ умумий ўрта таълим мазмунини ислоҳ қилиш, 9 йиллик умумий ўрта таълимнинг сифат жиҳатдан янги тизимини яратиш, унинг ўрта махсус касб-ҳунар таълими билан доимийлигини ва узвий боғлиқлигини таъминлаш мақсадида умумий ўрта таълимга доир давлат стандартларини ишлаб чиқиш тамойиллари белгилаб берилди. Мазкур қарорга асосан умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларида кадрларни тайёрлаш сифати ва таълим мазмунига доир

талаблар кўрсатилди. Ўқувчиларни тайёрлаш учун мақбул бўлган зарур ўқув соатлари ҳажми шакллантирилди, ўқув режалари тузилди, ўқув дарсликлари яратилди. Мактабни битирувчиларга нисбатан малака талаблари белгиланди ва таълим муассасаси фаолиятини баҳолаш тартиби ишлаб чиқилди.

Стандарт — таълимда яратилган меъёрий ўқув режа, дастур, дарсликларни ўзлаштириш эквиваленти, яъни ўқувчиларга бериладиган таълим мазмунининг улар томонидан ўзлаштирилиши шарт бўлган минимал даражасидир.

Давлат таълим стандартининг бош мезони таянч ўқув режасидир. Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган тажриба-таянч ўқув режасида берилган ҳар бир ўқув фанидан давлат таълим стандарти лойиҳалари ишлаб чиқилди. Таълим стандарти лойиҳалари асосида таянч ўқув режасида ажратилган дарс соатларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ўқув фанидан синов дастури яратилди.

Янгиланган таълим мазмунини тажриба-синовдан ўтказиш ва синов натижалари асосида такомиллаштириш, сўнгра амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги 203-сонли қарорига мувофиқ ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари тажриба-синовидан ўтказилди. Республика Халқ таълими вазирлиги тажриба-синов ишларини ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар пакетини тайёрлади ва тажриба-синов ўринларини белгилади. Тажриба-синов ишлари натижалари мактаб педагогик кенгашлари ва тегишли жойларда муҳокама этиб борилди ҳамда тегишли хулосалар мамлакат ҳукуматига тақдим этилди. Такومиллаштирилган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 августдаги 390-сонли қарори билан тасдиқланди ва босқичма-босқич амалиётга жорий этилмоқда.

Давлат таълим стандартларининг асосий таркибий қисмларидан бири ўқувчилар билимини назорат қилишнинг рейтинг усули ҳисобланади.

Таълим олувчилар билим даражасини баҳолашнинг ушбу тизимини умумий ўрта таълим муассасаларига жорий этиш асосларини яратиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ҳузурида ташкил этилган ишчи гуруҳи рейтинг тизими ҳақидаги Низом лойиҳасини ишлаб чиқди.

Низом лойиҳаси Халқ таълими вазирлигининг буйруғи билан 1999 йил 29 июлида маъқулланди ва 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида тажриба-синов тариқасида синаб кўриш учун тавсия этилди.

Таълим тизимидаги ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилишида ўқитувчи шахси муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да педагогик кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириб боришга оид вазифаларни ҳал этишга жиддий эътибор қаратилган.

Республикамизда мавжуд педагогика олий ўқув юр்தларининг аксарият қисми университетларга айлантирилганлиги тайёрланадиган мутахассислар малакасини оширишда кўйилган муҳим қадам бўлди.

Олий Мажлиснинг IX сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ўзининг “Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” деб номланган нутқида таълимни тубдан ислоҳ қилиш учун ўқитувчилар, тарбиячилар малакасини ошириш лозимлигини, ўқитувчининг маънавий бойиши ҳамда касб маҳоратининг юксалиши, узлуксиз таълимни такомиллаштириш гарови эканлиги алоҳида таъкидланди.

Бугунги кунда Халқ таълими вазирлиги тасарруфида 15 та малака ошириш институтлари ҳамда мактабгача тарбия ходимларининг Республика курси фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар йили бу муассасаларда 85 мингдан ортиқ халқ таълими ходимлари малака оширмоқда ва қайта тайёрланмоқда. Ислоҳотлар давомида аксарият таълим

муассасаларининг иш мазмуни янгиланди, амалиётга янги педагогик технологиялар кенг миқёсда жорий этила бошланди, кадрлар таркиби сифат жиҳатидан янгиланди. Давлат таълим стандартлари жорий этилди, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг янги авлоди яратилди. Ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг замонавий усуллари ва бу амалларнинг мониторингини олиб бориш ташкил этилди.

Ислохотларнинг биринчи босқичи давомида ҳукуматимизнинг баркамол авлод таълим-тарбиясини такомиллаштириш, ислохотларни ҳуқуқий ва моддий кафолатлаш билан бевосита боғлиқ ўнлаб қарор ва фармойишлар қабул қилинди.

Ислохотларнинг ўтган даври мобайнида халқ таълими халқаро майдонга кириб борди. Таълим муассасалари таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этмоқдалар, хорижий мамлакатлардаги ўқув юртлари билан бевосита алоқа ўрнатмоқдалар.

Халқ таълими тизимида халқаро ҳамкорликдан кўзланган мақсад — ёш авлодни замонавий таълим қуроллари билан қуроллантириш, ўқувчилар билимини халқаро таълим стандартлари даражасига кўтариш, янги педагогик технологияларни ўрганиб, ўқув жараёнига жалб этишдан иборат. Шу мақсадда Халқ таълими вазирлиги бир қатор хорижий мамлакатлар ва ташкилотлар билан шартнома ва битимлар тузди. Республикамизда чет тилларини ўқитиш даражасини ошириш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Чет тили ўқитувчилари учун махсус семинарлар ўтказилмоқда, ҳар йили ўнлаб, юзлаб ўқитувчилар Германия, Франция, Англия, АҚШ, Япония ва бошқа давлатларда ўз малакаларини оширмоқдалар, хорижий давлатлар ёрдамида чет тиллари учун қатор дастурлар, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар яратилиб, наһр этилмоқда. Синов, танловлардан муваффақиятли ўтган ўқувчилар ҳар йили ўқишларини давом эттиришлари учун бир йил муддатга чет элга юборилмоқда.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ни рўёбга чиқариш мақсадида Осие ривожланиш банки (ОРБ)

умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларини нашр қилиш тизимини такомиллаштириш лойиҳасини амалга ошириш мақсадида 20 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда шартли пул кредити ажратди.

Мустақиллик йилларида мактаб ўқувчиларининг халқаро фан олимпиадаларида иштироки ҳам самарали бўлмоқда. Таълим мазмунини янгилаш, иқтисодий имкониятларини ошириш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар, чет эл таълим марказлари, жамғармалар, энг замонавий техник воситалари етказиб берадиган фирмалар, халқ таълими ишларида кўмаклашувчи халқаро ташкилотлар билан икки томонлама фойдаланиш ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилмоқда.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистон таълими тизимида мисли кўрилмаган янгилашни даври бўлди. Эндиликда мамлакатимиз таълим тизими ҳар жиҳатдан ривожланиб, замонга мослашиб, чуқур интеграциялашган иқтисодий мақомга, коммуникация ва ахборот тизимига кириб бормоқда.

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да “Мактабгача таълим”га алоҳида эътибор берилган. Мактабгача таълим боланинг соғлом ўсишини, ҳар томонлама камол топиш шаклланишини таъминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади. Уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Мактабгача таълим бола олти-етти ёшга етгунича давлат ва подавлат муассасаларида ҳамда оилаларда амалга оширилади. Бу ишда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро жамғармалар иштирок этади. Бу борада Халқ таълими вазирлиги қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Таълим тизимини стандарт ва ўқув дастурларидан кейин, албатта, уларга асосланиб яратиладиган дарслик ва қўлланмаларсиз тасаввур қилиш қийин.

Таълим — дарсликдан бошланади, аммо деярли барча соҳа дарсликлари бугунги ва эртанги кун талаблари даражасида эмас эди.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Эски қолипда, мустабид даврда ёзилган дарсликлардан фойдаланиб,

эски мафкурадан халос бўлмасдан, болаларимизни янгича фикрлашга ўргата олмаймиз, буни барчамиз тушунишимиз, англашимиз даркор”.

Олимлар орасида дарслик ёзишга пастроқ бир илмий иш сифатида қараш иллоти бор. Нега бундай? Бу психология қаердан пайдо бўлган? Ахир дарсликларда миллат фикрининг, миллат тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак эмасми? Ҳар бир соҳа бўйича дарсликни ўша фаннинг атоқли вакиллари ёзмайдиларми? Биз дарслик яратишга энг илғор ва шарафли вазифа сифатида қарашимиз, яхши дарслик яратган одамларни бошимизга кўтаришимиз керак. Дарсликни, агар керак бўлса, катта танлов асосида яратиш лозим, танлов ғолибларидан маблағни аямаслигимиз лозим”.

Кейинги йиллар ичида дарслик ёзишга бўлган эътибор яхши томонга ўзгарди. Она тили, адабиёт, тарих фанлари бўйича яратилган дарсликлар эски мафкура сарқитларидан батамом халос бўлди, ҳақиқий тарихимиз янгидан ёзилди. Мазкур дарсликларни юртимизнинг етакчи олимлари, илғор ўқитувчилари ҳамкорликда ёзишди. Вазирлик қатор дарсликлар яратиш бўйича катта танловлар эълон қилди, ўзига хос рақобат муҳитини вужудга келтирди. Умумий ўрта таълим мактаблари учун ўқув фанларидан замонавий педагогик ва ахборот технологиялари ва таълим стандартлари талабига жавоб берадиган дарсликлар, қўлланмалар яратиш режаси тузилди. Бу режа асосида ҳар бир янги ўқув йили учун зарур дарсликлар ва ўқув қўлланмалари керакли миқдорда чоп этилмоқда. Дарсликлар яратиш бўйича халқаро майдондаги тажрибалар, ҳамкорликлар катта аҳамият касб этади.

2001-2005 йиллар миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқаришнинг иккинчи босқичи сифатида белгиланган бўлиб, ушбу муддатда меҳнат бозорининг ривожланиши ва ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш мўлжалланган.

Учинчи босқич учун белгиланган 2005 ва ундан кейинги йиллар мобайнида тўпланган тажрибани таҳлил



этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ривож-лантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизими янада такомиллаштирилади. Мен юқорида таълим тизими тараққиётига қисқача назар солдим. Ҳа, бу соҳада анча ижобий ишлар юз берганига шоҳидмиз.

\* \* \*

Меҳнат фаолиятимни кўп қисми вазирликнинг марказий аппаратида ўтди, вазирлик жамоаси қучоғида ўсдим, тобландим. Халқ маорифи вазирлари А. М. Муродхўжаев, академик Адҳам Юнусов, Эминжон Қодиров, Анвар Кўчқоров, Саид Шермуҳаммедовлар билан узоқ йиллар бирга ишладим. Уларнинг ҳаммаси ватанпарвар ва инсонпарвар, етук раҳбарлар бўлиб, мактаб-маориф тараққиётига катта ҳисса қўшдилар. Вазирлик аппаратида ишлаган ходимлар маорифчилар ҳурматига сазовор, тажрибали педагоглар эди. Ҳозир уларнинг кўпчилиги ҳаёт. Вазирлик доимо уларга ғамхўрлик қилади, байрамларда моддий-маънавий ёрдамлар беради. Мен вазирлик қошидаги фахрийлар жамоасининг раҳбари сифатида ҳол-аҳволларидан хабардор бўлиб тураман, турмуш муаммоларини ечишга ёрдам бераман.

Босиб ўтган ҳаёт йўлимни, умр чорраҳаларини кўз олдимга келтириб, сарҳисоб қилар эканман, халқ маорифини юксалтириш йўлида чеккан заҳматларим, елиб-югуришларим, тунни тонгга улаб қилган меҳнатларим беҳуда кетмаганига қувонаман. Яратганга минг-минг мароталаб шукроналар билдираман. Шогирдларим, фарзандларим, оиламнинг бахтли кунлари менга ҳамиша мадор, куч-қувват бағишлайди. Шунинг учун кексаликка бўй бермай, Ўзбекистоннинг нурли келажагини кўриш иштиёқида ҳаётни севиб яшайман. Ота-онам, қариндош-уруғларим, устозларимнинг берган тарбияси, кўрсатган ҳимматларини қиёматли қарз ўрнида қабул қилган эдим. Ана шу муқаддас қарзларимни умрим давомида уза олганимдан, яхшилик, эзгулик йўлида меҳнат қилганимдан бахтиёрман.

## ҲАМКАСБЛАРИ, ШОГИРДЛАРИ, ДЎСТЛАРИНИНГ ХОТИРАЛАРИ, ДИЛ СЎЗЛАРИ

*Саид ШЕРМУҲАММЕДОВ,*

*Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,  
Беруний номидаги Республика Давлат  
мукофотининг лауреати, фалсафа фанлари  
доктори, профессор.*

### МАЪРИФАТГА БАҒИШЛАНГАН БАРАКАЛИ ҲАЁТ

Инсон ҳаётида маърифатнинг роли, ўрни ва аҳамияти бениҳоя буюқдир. Зеро, маърифат бўлмаса инсонда том маънодаги маънавий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш мумкин эмас. Фақат маърифатгина инсонни - табиат ва жамият яратган мўъжизаларнинг гултожига айлантиради. Фараз қилайлик, инсон дунёга келди. У на ўқишни, на ёзишни билади. Шу зайлда ўсиб кетаверса, унинг тақдири нима бўлади? Оқибати ойнадек равшан. Бундай инсоннинг на оилага, на жамиятга, на табиатга катта фойдаси бор.

Инсон, такрор айтамиз, маърифат туфайли табиат, олам ҳамда инсоннинг ўзи ҳақида, жамият ҳақида билимга эга бўлади. Шу тариқа инсон табиатни муҳофаза қилишни ўрганadi. Жамиятда ўз ўрнига, ўз мавқеига эга бўлиш учун ҳаракат қилади. Ана шу жараёнда у энг аввало мактабда ўқиб маънавий камол топади, илм-фан, маърифат асосларини эгаллайди.

Модомики, шундай экан, кимки маърифат, илм-фан билан шуғулланса, айти бир пайтда у жамият тараққиёти билан, инсон камолоти билан беихтиёр машғул бўлади.

Демак, маориф ва илм-фан даргоҳида хизмат қилувчилар энг савобли ва энг хайрли ишлар билан шуғулланувчи, фидойи кишилардир.

Миллатимиз ўзининг қадимий ва залворли тарихида инсониятга кўплаб буюк маърифатпарварларни

етказиб берди. Буюк аждодларимиз бўлган Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Аҳмад Югнакий, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Мирзо Улугбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Аз-Замахшарий, Ал-Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби юзлаб алломаларимизнинг жаҳон маданияти тарихидаги роли бениҳоя каттадир.

XIX аср охири ва XX аср бошларида халқимизни маърифатли қилиш ва илм-фаннинг турли тармоқларини чуқур тарғиб этишда Огаҳий, Бердақ, Сатторхон, Муқимий, Фурқат, Завқий, Баёний, Бехбудий, Ҳамза, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Аваз Ўтар, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон сингари юзлаб маърифатпарварлар катта хизмат қилдилар. XX асрнинг 40-60-йилларида Қори Ниёзий, Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминов, Ойбек, Фафур Фулом сингари фидойи сиймолар етишиб чиқди. Оқилхон Шарофиддинов, Сиддиқ Ражабов, Халил Сиддиқов, Раҳимжон Усмонов, Эминжон Қодиров каби педагог олимларнинг халқимизга маърифат тарқатишдаги хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Муҳтарам ўқувчи, шулар қаторида эътиборингизни республикамизнинг маорифи равнақи йўлида ўзининг ақли-заковатини, фидокорона меҳнатини аямаган яна бир инсонга қаратиб, ўз қалб сўзларимни ихҳор қилмоқчиман. Бу инсон — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, бошланғич мактаб ўқитувчилигидан Маориф вазирининг ўринбосари лавозими даражасигача етган Насриддин Раҳмоновдир.

Мен Насриддин Раҳмоновни 1948 йилдан, яъни Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетида бирга ўқиган йиллардан бери биламан. Талабалик йилларимизда у киши аъло ўқиш билан бирга жамоат ишларида фаол иштирок этганлигини ҳам яхши эслайман. Шу боисдан ҳам менда у кишига нисбатан алоҳида ҳурмат, самимият шаклланган эди. Университет ёшларининг раҳнамоси сифатида Насриддин Раҳмоновнинг катта ташкилот-

чилик хатти-ҳаракати, интилишлари ҳамон кўз ўнгимда, хотирамда. Тақдирнинг зайли билан ойлар, йиллар ўтиб, ана шу инсон билан Ўзбекистон Республикаси Маориф вазирлигида бирга ишлашга тўғри келди. Мен 1970 йилда Маориф вазири лавозимига тайинланган пайтимда Насриддин Раҳмонов Республика ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида ректор лавозимида ишлар эди. У кишининг маориф соҳасида узоқ йиллар ишлаб, бой ҳаётий тажриба орттиргани, катта ташкилотчилик қобилияти, ишчанлиги ва бошқа инсоний фазилатларини инobatга олиб, уни вазир ўринбосари лавозимига тавсия этган эдим.

Шундай қилиб, Насриддин Раҳмонов билан Маориф вазирлигида 14 йил бирга ишладик. У киши вазирликдаги энг қийин, энг муҳим соҳаларни — молия, режалаштириш, қурилиш, таъминот, олий ва ўрта педагогика ўқув юртлари соҳаларини бошқарди. У кишининг шу йиллардаги фаолияти алоҳида таҳсинга сазовор. У тиниб-тинчимас, ўз зиммасига топширилган вазифаларни сидқидилдан бажариш учун бор куч-қувватини, имкониятини аямас эди.

70-80-йилларда мактабларнинг ўқув-моддий базаси ниҳоятда ачинарли аҳволда эди. Мактабларимиз икки, ҳатто уч сменада фаолият юритарди. Қанчадан-қанча мактаблар ёмон шароитда эди. Боғчаларнинг ҳолати бундан ҳам аянчли аҳволда эди.

Модомики, шундай экан, менинг вазир сифатидаги асосий вазифам мактаблар, мактабдан ташқари муассасалар, педагогика ўрта ва олий ўқув юртларининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш ва замонавий ўқув-техника воситаларини таълим-тарбия жараёнига кўпроқ жорий қилишдан иборат эди. Насриддин Раҳмонов вазирлик таълим-тарбия соҳасини такомиллаштириш бўйича кам шуғулланаяпти деган ташвишда юрар эди. Гапнинг мағзи-моҳияти шунда эдики, икки, ҳаттоки уч сменада ишлаган мактабларда асло таълим-тарбия савиясини ошириб бўлмас эди. Бинолари яроқсиз ёки умуман ўқув би-

нолари бўлмаган жойларда қандай таълим-тарбия бериш мумкин? Маориф муассасаларини ўқув-техника воеиталари билан таъминламасдан туриб, ёшларда қанақа ўқув, таълим-тарбия савияси ривожланиши мумкин, деган саволга жавоб топиш лозим эди. Шунинг учун ҳам биз бугунги кунда ўша пайтларда олиб борган саъйи-ҳаракатимиз тўғри эди дейишга асос бор. Бу — таълим-тарбия ишлари асло четга суриб қўйилди, дегани эмас. Бундай қилинмади ҳам. Ўша даврдаги маорифнинг аҳволини ҳисобга олган ҳолда устувор йўналишни танлаб олиш ва унга амал қилиш ҳаёт тақозоси эди. Аммо ўша вақтда ҳам, ҳозир ҳам у кишининг ҳақиқий маорифчи эканлиги, маориф соҳасини миридан сиригача билиши мени мафтун этиб келган.

Бундан ташқари, Насриддин Раҳмоновнинг бошқа қатор фазилатлари ҳақида ҳам ҳикоя қилгим келади. У кишининг раҳбарлик услубида шахсий намуна муҳим роль ўйнар эди. Албатта, ҳамма соҳа бўйича намуна бўлиш мушкул. Лекин бир қатор масалалар бўйича у киши чиндан ҳам кўпчиликка ўрнак эди. Бу нималарда кўринарди? Ўзининг интизоми, фидойилиги, меҳнатсеварлиги, масъулиятни тўла ҳис этиши, ўзига ва кўл остидаги ходимларга нисбатан талабчанлиги, қаттиқкўллиги, айна пайтда меҳрибонлиги ва ғамхўрлиги, оилага чексиз садоқати ва болажонлигидир.

Насриддин Раҳмоновнинг умр йўлдоши Саломатхон ниҳоятда оқила, идрокли, иффатли, назокатли, меҳрибон, садоқатли аёл. У кишини эъзозлаб, ардоқлаб, асраб-авайлаб келмоқда. Саломатхонни ҳам маориф фидойиларидан бири сифатида ҳурмат қиламан. Улар бир ўғил ва икки қиз кўриб, уларга ўзлари намуна бўлиб, ниҳоятда яхши тарбия беришди. Бугунги кунда ўғли Диёржон дипломатия соҳасида масъул вазифада, қизи Замирахон моҳир шифокор сифатида халқимиз дардига даво бўлиб келмоқда. Яна бир қизлари Дилоромхон ўзининг одоби ва меҳнатсеварлиги билан ажралиб туради. Насриддин Раҳмонов ана шу фарзандлари ва жажжи набираларини жон-дилидан севади, улардан ўз меҳри-муҳаббатини аямайди.

Мен юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазалар асносида бу инсонни чин юрагимдан ҳурмат қиламан. Унга нисбатан самимий меҳрим ва эҳтиромим чексиз. Насриддин Раҳмонов гўдаклигида етим қолиб, она меҳрига тўймаган эди. Аммо ўзининг ақли, заковати, фидокорона меҳнати, бутун баракали умрини маърифатга бахшида этиб, элимиз, юртимиз меҳру мурувватига, эҳтиромига, ҳурматига мушарраф бўлиб келмоқда. Бу эса у кишининг энг бебаҳо ва ноёб бахту саодатидир.

**Жўра ЙЎЛДОШЕВ,**

*А. Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти ректори,  
педагогика фанлари доктори, профессор.*

## УСТОЗ СИЙРАТИГА ЧИЗГИЛАР

Азиз устоз, ҳурматли халқ таълими ходими Насриддин Раҳмонов бу йил 80 баҳорни қаршилади. Шу кунларда у киши нуронийлик гаштини суриб, мустақилликка етказганига шукроналар қилиб, оиласида икки қиз ва бир ўғил роҳатини кўриб юрибдилар.

Насриддин аканинг болалик йиллари Нурота бағрида, гўзал табиат қўйнида кечган.

Унинг болалиги оғир мусибатларда ўтди, онасидан ёш қолди. Отаси ва аммаси тарбиясида бўлди.

Отаси Раҳмонберди диний илмга эгаллиги туфайли қувғинларга учраб қишлоқма-қишлоқ кўчиб юриб оғир, машаққатли ҳаёт кечирди. Ёш Насриддин шу машаққатларга шерик бўлиб отаси ёнида бўлди.

Ҳаётининг мазмуни тинимсиз меҳнат, тирикчилик ўтказиш билан кечди. Ўз отаси қўлида диний билимларни эгаллади.

Кейинчалик илмга чанқоқлик уни янги мактаб сари етаклади. Меҳнатда, қийинчиликда ўсган Насриддин бир ўқув йилидаёқ тўла бошланғич синфларни тугаллади. Ундаги истеъдодни кўрган устозлари уни 8-синфданоқ мактабда дарс беришга таклиф этишди. Ўқиш ва ишни ҳамоҳанг олиб бориб, мустақил тирикчилик қила бошлади.

1947 йили эса Самарқанддаги Ўзбек Давлат университетига ўқишга кирди. Талабалик давридан бошлаб ташаббускорлиги, билимдонлигини сезган раҳбарият уни ёшлар ишига сардор этиб тайинлади.

Университетни тугатиб Тошкент вилояти Янгийўл районида ўқитувчилик қила бошлади. Умр йўлдоши

Саломат ая ҳамроҳлигида мактабда таълим-тарбия ишлари билан шуғулланиб, унинг сир-асрорларини ўрганишди. Ишга ўта масъулият ва ташаббускорлик билан ёндашиб, мактаб жамоаси, ота-оналар, ўқувчилар ҳурматига сазовор бўлишди.

Ёш ўқитувчидаги фидойилик ва ташаббускорликни илғаган таълим вазирлиги раҳбарияти Насриддин Раҳмоновни Халқ таълими вазирлигига ишга таклиф этди.

Дастлаб у кечки мактаблар бошқармаси, сўнг ўрта мактаблар бошқармаси, кейинроқ Самарқанд халқ таълими бошқармаси бошлиғи, Республика ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ректори, 1970 йилдан эса таълим вазирининг биринчи ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатди.

У раҳбарлик фаолияти билан педагогик фаолиятни қўшиб олиб борди. Илмий ишини ҳимоя этиб, тарих фанлари номзоди бўлди. Бир неча йирик монографиялар, долзарб тадқиқотлар эълон қилди. Унинг саъйи-ҳаракатлари, тиниб-тинчимаслиги, ўзига ва ўз атрофидаги кишиларга талабчанлиги орқасида мактаблар ҳамда Олий ва ўрта педагогика ўқув юртларининг ўқув-моддий базалари мустаҳкамланди. У кишининг раҳбарлигида кўплаб педагог кадрлар, истеъдодли мутахассислар етишиб чиқди. Улар республикамизнинг таълим муассасаларида бугунги кунда муваффақиятли ишламоқдалар.

Мен ҳам шахсан Насриддин ака билан ёнма-ён ишлаш бахтига муяссар бўлган шогирдларданман. Иш жараёнида у кишидаги сабр-тоқат, ўз ишига ўта масъулият билан ёндашиш, билимдонлик, адолатлилик, доим ўз манфаатини давлат манфаатлари билан уйғунлаштириб олиб бориш каби юксак маънавий фазилатлар мен учун ҳаётининг сабоқ бўлиб келган. Устознинг ўз касбий мутахассислигига доир маҳорати, малакасини тинимсиз ошириб бориши, кечаги кун билан қониқмай, эртанги кун устида изланиш олиб борганлиги ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида ҳам зарур бўлган асосий фазилатлардан бири



бўлиб қолмоқда. Ҳозирги таълим соҳасида ишлаётган катта-кичик раҳбарлар Насриддин ака Раҳмоновнинг ҳаёти ва фаолиятдан сабоқ олсалар фойдадан холи бўлмайди. Бу ноёб фазилатлар мамлакатимизнинг таълим Қонуни, "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"ни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишда қўл келади.

Азиз устоз, 80 ёшингиз муборак, Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ёр бўлсин. Саломат ая ва қизларингиз, ўғлингиз, набираларингизни роҳат-фароғатини кўриб юриш насиб этаверсин.

*Акмал ҚОСИМОВ,  
академик, Халқ таълими вазирлиги  
педагогик таълим, фан ва малака  
ошириш бошқармаси бошлиғи.*

## **КАМТАРИН ИНСОН, МОҲИР ТАШКИЛОТЧИ**

Шундай инсонлар борки, ўзининг қалб кўрини, куч-қувватини, ақлу заковатини, илму тафаккурини ўзи ихлос қўйган соҳага сарфлайди, одамлар ҳурматига сазовор бўлади. Насриддин Раҳмонович Раҳмонов шундай бахтиёр устозлардан биридир.

Насриддин Раҳмонович халқ таълими тизимида турли вазифаларни бажариб келди. У ўқув-тарбия жараёнларини такомиллаштириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, мактаблар ва олий ўқув юртарининг моддий-техника базасини яхшилашга катта ҳисса қўшди.

Насриддин ака инсон қалбига йўл топа оладиган раҳбар сифатида қўл остидаги ҳар бир ходим ҳаётидаги катта-кичик қийинчиликларни билар ва уларга ғам-хўрлик қўлини чўзар эди.

Мен 1976 йили Андижон давлат педагогика институтига ректорлик лавозимига тайинландим. Шу муносабат билан Насриддин Раҳмонович суҳбатидан ўтиш керак эди. Шу кун у киши билан танишганман. Йигирма йилга яқин бирга ишладик. Насриддин акадан кўп ҳаёт сабоқларини олганман. Устоз одамларга дўст ва биродар, қўлидан келган яхшилиқни аямайдиган, олижаноб хиелатлари билан ажралиб турадиган инсондир.

Иш юзасидан тез-тез учрашиб, зарур масалаларни биргаликда ечардик. Насриддин Раҳмонов ўз ҳаётий тажрибасини ишга солиб, муаммоларни ҳал этишдаги энг муқобил йўлларни кўрсатиб берар эди.

Насриддин Раҳмонович ақли, билимли, маданиятли, талабчан ташкилотчи, жуда катта ҳаёт тажрибасига, кенг дунёқарашга эга таниқли раҳбар, меҳнатсевар, маънан тоза ва тўғри сўз, эътиборли, масъулиятли шахс. Шу

билан бирга, фақат ўз фойдасини кўзловчи одамларни кўрганда ғазабланиб кетади. Насриддин Раҳмонов Халқ таълимини ривожлантириш бўйича қилган меҳнатлари эвазига моддий манфаатдорликни ҳатто хаёлига ҳам келтирмас эди. Унинг бундай ахлоқий фазилатлари кўплар учун ибратдир. Насриддин Раҳмонов доимо профессор-ўқитувчилар, ходимлар ҳамда талабаларнинг ўқиш ва турмуш шароитларини яхшилаш, ўқув-тарбиявий жараёнлар, илмий тадқиқот ишларини ривожлантиришга кўп эътибор берар эди. Унинг ташаббуси билан педагогика институтларида илмий ишлар бўйича проректорлик лавозими жорий этилди. Насриддин Раҳмоновнинг қўллаб-қувватлаши ва ёрдами тўғрисида Андижон Давлат педагогика (ҳозир университет) институтининг моддий-техника базаси тубдан яхшиланди. Институтда беш қаватли ўқув лабораторияси мажмуаси, бир минг ўн кишилик ётоқхона, 600 ўринли клуб, 400 кишилик ошхона, спорт мажмуаси, 100 кишига мўлжалланган санаторий-профилакторий ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳи қурилиб ишга туширилди. Профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш соҳасида ҳам катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Институт ҳудудида барча қулайликларга эга бўлган 40 квартиралар уй ва коттежлар қурилди. Фан ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришга оид масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор берилди. 1976-1984 йиллар мобайнида институт ходимлари томонидан 10 та докторлик ва 100 дан ортиқ номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Шу билан бир қаторда институт ҳузурида Россия Фанлар академиясининг хўжалик ҳисобида ишлайдиган ва 700 та ходимга эга бўлган умумий физика тармоқ лабораторияси ташкил этилди.

Устознинг ҳаёт йўлига назар ташласак, у ўз фаолияти давомида машаққатли йўлни босиб ўтган, халқ таълими ривожига садоқат ва матонат билан хизмат кўрсатган фидокор шахс эканига гувоҳ бўламиз.

Насриддин Раҳмоновнинг ибратли, мазмунли ҳаётидан, ишларидан ҳамиша маънавий қувват олиб яшайман ва уларнинг олижаноб хислатларидан ўз иш фаолиятимда фойдаланишга ҳаракат қиламан.

*Мўбинжон БАРАТОВ,  
академик, шарқшунос.*

## УСТОЗ

Насриддин Раҳмонов республикамизнинг кўзга кўринган ташкилотчи педагоги бўлиб, юртимизда халқ маорифини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Бу зот ҳаётда самарали ва ибратли йўлни босиб ўтди.

Мен бу табаррук инсонни 1947 йилдан буён биламан. Навоий вилояти, Нурота туманидаги ўша даврда Карл Либкнехт номи билан аталадиган мактабнинг 7-синфида ўқиётган чоғимизда армия хизматидан бўшаб, мактабимизга ўқитувчи бўлиб келганларини эслайман. Кунлардан бирида синфимизга аскар кийимида навқирон бир киши кириб: “Мен сизларга муаллим бўлиб келдим”, — деб айтдилар. Ўша пайтларда у киши 21-22 ёшларда эди. Аммо биз уни генерал бўлса керак, деб ўйлаганмиз. Бу муаллим бизларга тарих, жўғрофия, жисмоний тарбия, ҳарбий иш, конституция, кимё каби фанлардан дарс бердилар. Дарсларни жуда мароқли ва тушунарли ўтар эдилар. Тез орада биз талабчан ва дилкаш муаллимимизга жуда яқин бўлиб қолдик. Уруш эндигина тугагани учун ҳарбий ишга катта эътибор берилар эди. Муаллимимиз мактаб ҳовлисидаги майдонда машқ ўтказарди. У ерда қазилган окоплар, ўқув гранатаси отиладиган жойлар, нишонлар бор эди. У киши бизни уруш ҳолатига яқинлаштириб, машқ қилдирарди. Қайси бола гранатани нотўғри ишга солса, “Сен энди солдат сифатида ўлдинг”, — деб машқдан ташқарига чиқариб қўяр эди. Ўқувчиларни интизомли бўлишга ундарди.

Баъзи ҳолларда биз муаллимимизга эркалик қилар эдик, у киши бунӣ кўтарар эди. Насриддин Раҳмоновнинг хотиралари ва билим доиралари жуда кучли эди. Масалан, баъзан ҳадеб дарс ўтаверасизми, бирон қизиқ ҳангомаларни гапириб беринг, дердик. У киши илтимосимизни доимо бажарар эди. Кунлардан бир кун адабиёт домламиз Файзиев (илмий бўлим мудири) бетоб бўлиб мактабга келолмади. У кишининг ўрнига ҳам Насриддин ака кирди. Адабиёт дарси кетма-кет икки соат эди. Мен сизларга Шекспирнинг “Ҳамлет”-ини гапириб бераман, — деди у. Бизлар ҳайрон қолдик. “Китобдан ўқиймизми ёки сиз гапириб берасизми”, — деб сўрадик. Улар ўзлари айтиб беришларини айтдилар. Шекспирнинг “Ҳамлет” трагедиясини назмда икки соат ичида ёддан гапириб бердилар. Бизга, айниқса, Ҳамлетнинг отаси арвоҳи билан сўзлашгани ва онаси билан амакиси қандай қилиб отасига заҳар берганини ва шунга ўхшаш ҳолатларни жуда таъсирли баён этдилар. Бизлар миқ этмай эшитдик. Шундан кейин биз шунга ўхшаш асарларни гапириб беришни сўрар эдик ва муаллимимиз хурсанд бўлиб, илтимосимизни адо этарди.

Мен 1951 йилда Тошкентга ўқишга келганимда “Ҳамлет” спектаклини кўрдим. Ҳамлет ролида машҳур артист Олим Хўжаев ўйнади. Шунда мен Насриддин ака ҳикояларини эсладим ва унинг маҳоратига тан бердим.

Кунларнинг бирида танаффус пайтида кўзимиз муаллимимизнинг дафтарига тушди. Дафтар муқовасидаги арабча ёзувларни кўрдик, танаффусдан кейин синфга кирганларида: “Устоз, арабчани биласизми?” деб сўраганимизда, улар: “Биламан, “Қуръони Карим”ни ёдлаганман”, — дедилар. Биз ҳайрон қолдик. Бизни ишонтириш учун муаллимимиз араб тилида бир неча калималар, Қуръондан оятлар айтиб бердилар. Синфимизда бир шўх бола бор эди. Исми Истам. У савол берди: “Жин-ажиналарга ишонасизми ва улар билан қандай курашасиз?” У киши: “Мен ишонмайман, лекин кўзимга жин-ажина мабодо кўринса, дуо

ўқиб, йўқ қиламан”, — дедилар. Домла билан яқин дўстлигимиз, ака-укадай бўлганимиз туфайли бир куни пешин пайти ул кишининг ҳовлиларига беш киши бўлиб бордик. Катта ҳовлида ёлғиз ўзлари турар эканлар. Уйларида фақат бир-иккита кўрпача, стол-стул, китоб-дафтардан бўлак ҳеч нарса йўқ. Бу аҳволни кўриб ҳайратда қолдик ва жуда ачиндик.

Домламиз бизларга ўзини ёшлиқдан тарбиялаган амалари 1945 йилда вафот этганларини, ёшлигидаги фожиали кунларини, уруш йиллари армия сафида хизмат қилганларида кўп қийинчиликларга дуч келганларини, умуман ҳаётларида кечирган нохуш даврларни гапириб бердилар. Биз бошқа ўқувчиларга домламизнинг турмуши, ҳаёти, кўрган-кечирганлари ҳақида сўзлаб бердик. Шу воқеадан кейин Насриддин Раҳмоновга бўлган ҳурматимиз янада ошди.

Биз саккизинчи синфга ўтганимизда домламиз Самарқандга университетга ўқишга кетибдилар. Ҳаммамиз сентябр охирларида қайтиб келарканлар деб юрдик. Негаки, улар одамийликлари, ўқувчиларга меҳрибонликлари, жиддий ва мароқли дарслари билан ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлган эдилар.

Менинг Насриддин Раҳмонов билан кейинги учрашувларим асосан Тошкентда бўлди.

Устозимиз билан олти йилдан кейин 1953 йилда Тошкентда учрашдик. Мен ва дўстим Анвар Мансуров Ўрта Осиё Давлат университетига — мен Шарқ факультетида, Анвар эса филология факультетида таҳсил олар эдик. Насриддин Раҳмонов Тошкентга келиб Маориф вазирлигига ишга кирган эканлар. 1953 йилнинг баҳор пайтида бизларни кўриш учун университетга келдилар. Биз жуда хурсанд бўлдик ва ётоқхонамизга олиб бордик. У ерда Насриддин аканинг ўртоқлари Яҳё ака Мансуров, Маҳмуд Юсупов ва Жаббор Юсуповлар ўтирган эканлар. Улар ҳам бу учрашувдан хурсанд бўлишди. Шундан кейин устозимиз бизлардан хабар олиш учун тез-тез ётоқхонага келадиган бўлди.

Бир куни мен билан Анварни уйларига таклиф қилди. У киши Ўқчи кўчасидаги мактаб биносининг бир

хонасида турар экан. Бу хонада бир кроват, кийим осадиган илгак, кичкина ёзув столи ва курсидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Домламиз: “Яқинда турмуш қурдик, бир йил ичида хонани созлаймиз”, — деб бизларни кулдирдилар. Домламиз ётоқхонамизга келиб турадиган бўлдилар. Табиатан хушчақчақ, ҳазилкаш бўлгани учун бизларни доим кулдиради, турли ҳикояларни гапириб, кўнглимизни кўтарар эдилар. Бироқ хизмат юзасидан ва ҳаётидаги қийинчиликлар ҳақида ҳеч гапирмас эдилар.

Кунлардан бир кун ётоқхонага келсам, Яҳё ака, Насриддин ака ва Анвар ўтиришибди. Яҳё аканинг кўзларидан ёш оқаяпти, Анвар хўмрайиб ўтирибди, Насриддин аканинг қўлларида қалам ва оқ қоғоз бор эди. Хонага киришим билан Яҳё ака йиғлаб: “Насриддин дўстим уч кун бўлибди тилини йўқотибди”, — деди. Насриддин ака қўлидаги қоғозга: “Уч кундан бери тилим йўқолиб қолди, қулогим эшитилади, лекин гапира олмайман”, — деб ёзибди. Жуда хафа бўлдим.

Кечаси Насриддин ака ётиб қолди. Эрталаб вақтли уриб чой қайнатиб: “Туринглар, болалар, ўқишга кечикасизлар, — деб гапира бошлади. — Тилим пайдо бўлди”. Роса кулги бўлди. Шунга ўхшаш ҳангомалар билан бизларни хурсанд қилиб юрар эди.

Орадан анча вақт ўтгандан кейин домламиз Халқ маорифи вазирининг ўринбосари лавозимига тайинланди. У киши олий ва ўрта махсус педагогик ўқув юртлири билан бевосита шуғулланиб, уларга раҳбарлик қиларди.

Н. Раҳмонов педагогика институтлари учун малакали фан номзодлари ва фан докторлари тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси ва унинг тармоқ институтлари билан биргаликда тадбирлар режасини ишлаб чиққанди. Мен Фанлар академияси тизимида ишлаганим учун бундан яхши хабардорман. Чунки мен ўша йиллари Фалсафа ва ҳуқуқ ҳамда Шарқшунослик институтлари директори лавозимида ишлаган эдим. Бу борада Фанлар академиясининг президенти О.С.Содиқов, вице-президентлари П.Қ.Ҳа-

бибуллаев, Э.Ю.Юсупов, С.Ҳ.Сирожиддиновлар катта ёрдам берди. Н. Раҳмонов улар билан бевосита мулоқотда бўлар эди.

Қисқа вақтда уларнинг ҳамкорликлари туфайли педагогика институтлари учун ўнлаб фан докторлари ва юзлаб фан номзодлари тайёрланди. Бу соҳада домламизнинг роли жуда беқиёс эди.

Домламиз Насриддин Раҳмонов Фанлар академияси қошидаги Таҳририй нашриёт кенгашининг аъзоси ҳам эди. Бу кенгашда у киши фаол иштирок этарди.

Домламизнинг шогирдларига ва дўстларига бўлган меҳрибонликлари ҳалигача давом этмоқда. Ҳар йили таваллуд кунларида деярли барча нуроталикларни, Тошкентдаги дўстларини, қуда-андаларини уйларига чақириб, хурсандчилик билан дастурхон ёзадилар.

Доимо телефон қилиб шогирдлари ва дўстларининг аҳволидан хабар оладилар. Домламизнинг рафиқалари Саломат келинойимиз меҳмондўст, вафодор, машҳур мураббий. Тошкентда тахминан 30 йил мактаб директори бўлиб хизмат қилдилар.

Мен юртдош ва бир шогирд сифатида домламиз Насриддин Раҳмоновни ва у кишининг рафиқалари Саломат келинойини устозимизнинг 80 йиллик тўйлари билан чин қалбимдан табриклайман, уларга узоқ умр, бардамлик, бахту саодат, фарзандлари, неvara ва эвараларининг камолотини кўришларини тилайман. Дарвоқе, устозимиз Насриддин Раҳмонов ана шундай бағри кенг, дилкаш, республикамизда кўзга кўринган, халққа ҳалол хизмат қилган раҳбар-мураббий инсондир.



*Абдуманноп ОТАҚУЛОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,  
Беруний номидаги Давлат мукофотининг совриндори,  
физика-математика фанлари доктори, профессор*

## **ҚАЛБИ ПОК, МАЪНАВИЯТИ ЕТУК ИНСОН**

Маънавияти юксак, қалби эзгулик ва яхшиликларга тўла инсон ҳамиша навқирон ва бақувват юради. Насриддин Раҳмонов ана шундай республикамиз маорифининг дарғаларидан биридир.

1972 йилда ҳукумат қарори билан педагогика институтлари Олий ва ўрта таълим вазирлигидан Маориф вазирлиги тасарруфига ўтказилган эди. Шу йилларда Насриддин Раҳмонов Маориф вазирининг биринчи муовини эди. Мен бу вақтда Фарғона педагогика институтининг ректори лавозимида ишлар эдим. 1972 йилдан то Насриддин Раҳмонович нафақага чиққунга қадар ҳамкорлик қилдик. Бу давр ичида педагогика институтларида илм-фанни ривожлантириш учун бир қатор жиддий тadbирлар амалга оширилди. Агар 1972 йилда Фарғона педагогика институтида фақат биргина фан доктори ва 37 фан номзоди ишлаган бўлса, 1985 йилга келиб фан докторларининг сони 12 тага етди, фан номзодларининг сони эса 150 тадан ошиб кетди. Насриддин Раҳмоновнинг ташаббускорлиги ва талабчанлиги туфайли республикамизнинг бошқа педагогик ўқув юртларида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Насриддин Раҳмонов ҳар йили Фарғона педагогика институтига келар, ўқитувчилар билан яқиндан суҳбатлашар, илмий тadқиқот олиб борувчиларга шароит яратиб беришда жонбозлик кўрсатар эди. Айниқса, профессор-ўқитувчиларнинг тadқиқотларини чоп этишга яқиндан ёрдам берардилар. Республикадаги 14 та педагогика институти орасида талабаларнинг дам олишларини ташкил этиш бўйича институтигимиз кўп

марта биринчи ўринни эгаллаган. Шахсан, Насриддин Раҳмоновнинг бевосита ёрдами билан Фарғона педагогика институтининг Ёрдон қишлоғида дам олиш маскани, институтда санаторий-профилакторий ташкил қилинди. Республика педагогика институтларида олиб борилган ибратли ишлар намунали ташкил этилгани боис институт ректорларининг йиғилишлари бир неча бор Фарғонада, институтимиз базасида ўтказилган.

Устозимиз Насриддин Раҳмонов ўз ишига юқори масъулият билан қарайдиган талабчан ва қаттиққўл, айна вақтда меҳрибон зот. Мен кўп йиллар у киши билан бирга ишлаганимдан ҳақли равишда фахрланаман. Қутлуғ ёшлари муносабати билан у кишига узоқ умр, соғлиқ-саломатлик тилайман.

**Муфат МАМАТОВ,**  
Профессор, Беруний номидаги Ўзбекистон  
Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистонда  
хизмат кўрсатган халқ таълими ходими,  
“Нуроний” жамғармаси Наманган  
вилояти бўлими раиси.

## ЭЛДАН САБОҚ ОЛИБ...

Донишмандлар инсон умрини оқар дарёга қиёслайдилар. Бу дарё ўз йўлидаги тўсиқларни енгиб, охирги манзил — денгиз сари шошади. Лекин асло орқага қайтмайди. Аммо у ўз йўлида боғ-роғларга ҳаёт, чўлу саҳроларга жон бағишлайди, нурга айланиб, одамлар қалбини чарогон этади.

Инсон ҳам шундай. У умри давомида ўзининг эзгу ишлари билан замондонилари, ҳамкасблари, шогирдлари қалбидан чуқур жой олади, уларнинг ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлади. Яхши одамнинг номи ҳаммаша эзгу сўзлар билан тилга олинади.

Ана шундай покиза, комил инсонлардан бири бўлмиш Насриддин Раҳмонов билан ўтган асрнинг 70-йилларида танишганмиз. Ўша йилларда бу олижаноб инсон Ўзбекистон Республикаси Халқ Маорифи вазирининг ўринбосари бўлиб ишлар ва республикадаги олий педагогика ўқув юртларини бошқарар эдилар. Биз вазирлик коллегиясининг йиғилишларида республика олий педагогика ўқув юртларидаги ўқув жараёнининг аҳволи, эришилган ютуқлар, мавжуд нуқсон ва муаммолар, уларни тузатиш тадбирлари ҳақидаги чуқур илмий таҳлилга бой маърузаларини кўп марта тинглаганмиз. Бу маърузалар, шунингдек шахсий суҳбатларда олий таълимни яхшилашга қаратилган фикр-мулоҳазалар Насриддин Раҳмоновнинг педагогика олий ўқув юртлари тизими, ўқув жараёнлари борасида жуда катта, бой тажрибага, чуқур илмий салоҳиятга эга эканлигини кўрсатарди.

Насриддин Раҳмонов юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга ҳам алоҳида аҳамият берар, ёш, истеъдодли ўқитувчиларни малака ошириш курсларига, аспирантура ва докторантураларга юбориш, улар учун тегишли шароитлар яратиш масалаларига эътиборни қаратар, фан номзодлари ва фан докторлари етиштиришни алоҳида назорат қилар эди. Вазирликда бирор учрашув йўқ эдики, унда илмий-педагогик кадрлар тайёрлашнинг бориши ҳақида масала қўйилмаган бўлсин. Шунинг учун ҳам ўша йилларда педагогик институтларнинг, жумладан, Наманган педагогика институтининг илмий-педагогик таркиби сифат жиҳатидан ошди, икки фан доктори ва 130 дан ортиқ фан номзодлари ҳисобига бойиди. Шунингдек, ўша йилларда иқтидорли талабалар билан ишлаш кучайди, фан олимпиадалари ўтказиш анъана тусини олди. Бу ишларнинг барчасида Насриддин Раҳмоновнинг раҳбарлик салоҳияти яққол кўринар, унинг талабчанлиги ва ғамхўрлиги сезилиб турарди.

Насриддин Раҳмонов вазирликда ишлаган йилларида бир неча марта Наманган педагогика институтига келган, бу олийгоҳдаги ўқув жараёнлари билан яқиндан танишган эди. Бу ажойиб инсоннинг Наманганга ҳар бир келиши институт ҳаётида катта воқеага айланар эди. Чунки бу одам ютуқларни таъкидлаш билан бирга, йўл қўйилган камчиликларни одилона таҳлил қилиб берар, уларни бартараф этиш йўлларини оқилона кўрсатар, вазирлик орқали тегишли ёрдам берарди. Шунинг учун биз бу кишининг институтга ташриф буюришини зориқиб кутар эдик.

Умуман, Насриддин Раҳмонов инсон сифатида энг юксак ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ, раҳбар сифатида ўзига ҳам, бошқаларга ҳам талабчан, камтарин ва меҳрибон, меҳри дарё, олижаноб шахсдир.

*Комил ОҚИЛОВ,  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Беруний номидаги Республика Давлат  
мукофоти совриндори, Халқ маорифи аълочилиси*

## **МАОРИФИМИЗНИНГ ТОЛМАС ЖОНКУЯРИ**

Халқ маорифи инсоният тараққиётининг муҳим омилидир. Демакки, жамиятимиз ривожига ва равнақига ижодкор маорифчиларимизнинг ўрни ва хизмати беқиёс.

Салкам бир асрдан бери умрини халқ маорифининг такомиллашуви ва ривожига бахшида этган олижаноб инсон, тажрибали маорифчи, олим Насриддин Раҳмонович Раҳмонов шонли 80 баҳорини қарши олиш арафасида турибди.

Бу инсонни мен 1947 йилдан, яъни Самарқанд Давлат университетининг талабаси бўлган давримдан билман.

Мазкур илм даргоҳида Насриддин Раҳмонов аъло ўқиб, жамоат ишларида ўта фаоллик кўрсатгани ва талабалар ҳамда профессор ўқитувчиларнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлганлигига гувоҳ бўлганман.

Насриддин Раҳмонов университетни имтиёзли диплом билан битиргач, бор кучини, ғайратини халқ маорифининг юксалишига бағишлади. Бу борада самарали фаолият кўрсатиб, мактаб ўқитувчилигидан Ўзбекистон Маориф вазирининг биринчи ўринбосари лавозимигача кўтарилди.

Тақдир тақозоси туфайли Насриддин Раҳмонович билан яна учрашдик. Гап шундаки, мен Москвада аспирантурада таҳсил кўриб, номзодлик диссертацияни муваффақиятли ёқлаб, ўз диёримизга, Тошкентга қайтиб келгач, Ўзбекистон Маориф вазирлиги қошидаги Педагогика илмий текшириш институтида катта илмий ходим, “Ўлкашунослик” бўлими мудири лавозимида иш бошладим. Шу билан бир қаторда ва-

зирликдаги ўқув-услубий кенгашнинг “Тарихни ўқитиш услуби” бўлимига раислик қилдим. Шу йилларда умумтаълим мактаблари учун тарих фанидан янги дастурлар (Ўзбекистон тарихидан лавҳалар киритилган ҳолда), “Ўзбекистон тарихи” деб номланган дастлабки дарсликлар, услубий қўлланмалар яратилди ва чоп этилди. Бу 50-йилларнинг охирилари — 60-йилларнинг бошида содир бўлди. Маориф соҳасининг билимдони, тажрибали амалиётчи Насриддин Раҳмонович билан шу пайтларда кўп мулоқотда, суҳбатларда бўлгандим.

Кунлар ўта борди, ойлар, йиллар ҳам.

Насриддин Раҳмонович маориф соҳасидаги кўп йиллик тажрибаси, амалий ишларига таяниб, сермазмун назарий мақолалар, рисоалар ёзиб, жамоатчилик ҳукмига ҳавола этди. Мана шу илмий-таҳлилий фаоллик Насриддин Раҳмоновични илмий тадқиқотлар олиб боришга чорлади. У фикри-зикрини жамлаб, маданиятимиз, маорифимиз, айниқса халқ таълимининг етакчи бўғини ҳисобланган педагогика таълими ва педагогик кадрларни тайёрлаш жараёнлари, муаммоларини илмий тадқиқ қилишга киришди. Илмий тадқиқот мавзуси аниқланди. Номзодлик ишининг батафсил режаси, асосномаси тузилди ва Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти илмий кенгаши томонидан тасдиқланди. Илмий раҳбар қилиб мен тайинландим.

Мазкур мавзунинг кенг кўламда атрофлича ўрганиш ва таҳлил этиш учун кўп манбаларни, айниқса марказий ва вилоят давлат архивларида, халқ маорифи архивида сақланаётган ҳужжатлар ва маълумотларни ўрганишга ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ва қатор олий ўқув юртларининг жорий архивларини, ҳужжатларини кўриб чиқиш, уларни гуруҳларга ажратиш ва таҳлил қилишга тўғри келди.

Бу ишларни тадқиқотчи Насриддин Раҳмонов зўр ғайрат ва шижоат билан бажарди ва диссертацияни ёзиб тугатди. 1970 йилда Н.Р.Раҳмонов “Ўзбекистонда педагогик таълимнинг ривожланиши ва педагогик

кадрларни тайёрлаш” мавзусидаги илмий ишини муваффақиятли ёқлади ва тарих фанлари номзоди илмий даражасини олишга сазовор бўлди.

Насриддин Раҳмонов тадқиқотида республикадаги билим юртларининг 50 йиллик тарихи, уларнинг аҳволи ва фаолияти илк бор чуқур таҳлил қилиниб, камчиликлар ва нуқсонлар очиб ташланди. Бу ишда мавжуд нуқсонларни бартараф этиш йўллари аниқ кўрсатилганлиги ҳамда маорифни юксалтиришга доир илмий хулосалар ва ечимини кутаётган қатор муаммоларнинг эътироф этилганлиги Республика маорифи ва Олий таълим раҳбариятининг қизиқишини уйғотди. Шу боис тадқиқот муаллифини Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим ва Маориф вазирлиги раҳбарияти йўқлади. Дарҳақиқат, тадқиқотдаги илмий хулосалар ва амалий тавсиялар Республикамизда олий ва ўрта педагогик таълимнинг янада такомиллашуви ва ривожига катта ҳисса қўшди. Ўша йилларда Республика педагогик билим юртлари бўйича Маориф вазирлиги томонидан қатор тадбирлар амалга оширилди. Улар шубҳасиз катта самара берди.

Насриддин Раҳмонов илмий иши бўйича қатор мақолалар, рисола ва салмоқли монографиялар эълон қилди. Шулардан бири “Ўзбекистонда педагогик таълимнинг ривожланиши (1917-1970)” деб аталади. У “Ўзбекистон” нашриётида 1976 йилда нашр этилди. Бу китобда ярим асрдан зиёдроқ даврда Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус педагогик билим юртларининг шаклланиши, такомиллашуви ва ривожланиши, кўп йўналишлар бўйича ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ҳамда умумтаълим мактабларининг шаклланиши ва ривожланиш жараёнлари, унинг ютуқлари ва нуқсонлари бой материаллар ва далиллар асосида таҳлил этилди.

Олимнинг яна бир монографияси “Ўзбекистон маданияти тарихи очерклари” (“Ўқитувчи” нашриёти, 1984 й.) деб номланган. Ушбу китоб Республика Олий ва ўрта таълим ўқув юртлари учун ўқув қўлланмаси сифатида эълон қилинган бўлиб, унда маданиятимиз

тарихининг кўп тармоқлари, маданий-оқартув масканлари (кутубхоналар, музейлар, клублар, маданият саройлари, матбуот, радио, телевидение, санъат ва адабиёт, театр, мусиқа, кино, тасвирий санъат, халқ ижодий санъати) ҳақида ҳикоя қилинади. Унда Республика Халқ маорифининг ривожланиш тарихи — XX асрнинг бошларидан то 80-йилларгача бўлган давр босқичма-босқич ўз баёини топган.

Юқорида айтилган сўзларни яқунлар эканман, Насриддин Раҳмонович Раҳмонов Республикамиз маданияти, маорифининг жонкуяри, ҳам амалиётчиси, ҳам назарийчиси сифатида катта шонли йўлни босиб ўтган аллома, халқ таълимининг ривожига улкан ҳисса қўшган мўътабар инсон эканини яна бир бор таъкидлагим келади.



*Наримон ЖАББОРОВ,  
фалсафа фанлари доктори, профессор.*

## МОҲИР ТАРИХШУНОС ВА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЧИСИ

Ҳар бир халқни дунёга танитадиган, шон-шуҳрати-ни юксалтирадиган асл фарзандлари бўлади. Ватан дарди билан ёниб яшаган бундай заҳматкаш инсонлар бутун умри, бор билими, истеъдоди ҳамда салоҳиятини халқ манфаати учун бағишлайдилар. Ўзбек халқининг маънавий равнақига катта ҳисса қўшган моҳир тарихшунос ва халқ таълими ташкилотчиси Насриддин Раҳмонов шундай инсонлар жумласига киради.

Бу жонкуяр, фидойи инсоннинг кўп қиррали фаолиятини таҳлил қилсак, унда уч асосий соҳа устувор эканлигини кўрамыз. Булар қуйидагилардир:

1. Илмий-педагогик фаолият
2. Кадрларни тайёрлаш
3. Илмий-назарий тадқиқот.

Буларнинг ҳар бирига мухтасар тўхталсак, бу кишининг руҳий, маданий-маънавий, шахсий-инсоний қиёфаси, фаолият кўлами, ташаббускорлиги, ирода-си, қатъияти намоён бўлади.

Насриддин Раҳмонов билан менинг дўстлик, ака-укалик, устозу шогирдлик муносабатларимиз 1947 йилдан Самарқанд Давлат Университети тарих-филология факультетининг биринчи курс талабалиги давридан бошланади. Бунга ҳам, мана, яқинда 58 йил тўлади.

Талабалик давримиз моддий ва маънавий қийинчиликлар билан ўтди. Нон, шакар, ёғ талабаларга маҳсус меъёрда карточка асосида берилар эди. Кўпчилик фанлар бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалар йўқ эди. Мавжуд бўлганлари эса рус тилида эди. Айрим

фанлар бўйича ўқитувчилар етишмасди. Шаҳар кино-театрларида битта ҳам ўзбекча фильмлар кўрсатилмасди.

Мана шундай шароитда Самарқанд Давлат университети профессор-ўқитувчилар жамоасида атоқли олимлар, билимли ва доно устозлар, фан ташкилотчилари, фан докторлари ва фан номзодлари вужудга кела бошлади. Бу ўзгаришлар университетнинг илмий салоҳиятини янги даражага кўтаришга имкон берди.

Насриддин Раҳмонов билан бирга беш йил бир гуруҳда ўқидик. У гуруҳимиздаги энг иқтидорли, истеъдодли, тажрибали, ҳаётнинг оғир қийинчиликлари ни ўз бошидан ўтказган талаба эди. Шунинг учун уни беш йил давомида гуруҳ сардори қилиб сайлаган эдик. Беш йил у аъло ўқиб, юқори даражадаги Давлат стипендияси билан тақдирланди. Унинг ташаббускорлиги туфайли гуруҳимиз университетда олдинги ўринларга кўтарилди. У хилма-хил илмий-маънавий ва маърифий-мафкуравий тадбирлар ўтказишга қизиқарди, талабаларни маъруза, семинар машғулотида, илмий тўғараклар ишида иштирок қилишга рағбатлантирарди. У талабалар ҳаётини яхши билар, талаб-илтимосларини ўз вақтида бажариш учун елиб-югуришдан эринмас эди.

Мен эса Насриддин Раҳмоновни талабалик давридан бошлаб устозим деб атаб келдим. У фан фидойиси бўлиши билан бирга, меҳрибон дўст, талабчан устоз эди. Қаерда, қандай вазиятда бўлмасин, у ўз дўст ва шогирдларини ҳимоя қилиб келди, ёшларга тўғри йўл кўрсатишга интилди. Шунинг учун ҳам у тез орада университет ёшлар ташкилотининг раҳбари, партия ташкилоти қўмитасининг аъзоси, илмий кенгаш аъзоси, вилоят ёшлар ташкилотларининг қўмита аъзолигига сайланишга муваффақ бўлди. У талабалик йилларидаёқ лаёқатли ташкилотчи, маориф, маърифат ва маънавият соҳалари бўйича фаол ва етакчи ёш тарихшунос олим, моҳир педагог сифатида шаклланган эди.

1952 йилда Насриддин Раҳмонов университетни имтиёзли диплом билан тугатди ва 1952-1960 йилларда

Ўзбекистон Халқ маорифи вазирлигида масъул ходим, кейин Самарқанд вилояти халқ маорифи бўлимининг мудир, 1960-1988 йилларда Ўзбекистон Халқ маорифи вазирлигида олий ва ўрта ўқув юртлари бўйича вазир ўринбосари лавозимида ишлади. У киши республикамизда халқ таълимини ривожлантиришда, илмий педагогик кадрлар тайёрлашда, ижтимоий фанларни юксалтиришда жуда катта хизматлар қилди.

Насриддин Раҳмонов ўзининг илмий-назарий ишларида Ўзбекистонда халқ маорифини ривожлантириш, унинг тарихий давлари, миллий-маънавий тараққиёти, илмий дунёқарашни шакллантириш ва камол топтиришда Марказий Осиё халқларининг мероси ва унинг ўзига хос хусусиятларини кенг кўламда тадқиқ этди. Мазкур масалаларни ёритишда олим халқимизнинг маънавий-ахлоқий, маърифий ҳаётига доир теран томирларини очишга катта эътибор берди. У Ўрта Осиё ижтимоий-гуманитар фикри тарихида қадриятлар муаммоси ва ҳозирги даврда баркамол шахсни шакллантиришда уларнинг аҳамияти, диний ва дунёвий илмларнинг уйғунлиги, маънавий тараққиётимизнинг тарихий асосларини ёритишни ўз тадқиқотларида етакчи мавзуга айлантирди. Шунингдек, у олим сифатида замонавий муаммолар ечимини топиш йўлида заҳмат билан изланди. Ана шу мақсадда у кадрлар тайёрлаш тизими-га илм-фаннинг узвий кириб бориши учун илғор технология асосларини яратиш ва ўзлаштириш мақсадида инновация лойиҳаларини шакллантириш, илм-фани ривожлантиришга доир кенг кўламдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, таълимнинг миллий заминини кучайтириш, халқимизнинг бой маданий анъаналарини сақлаб қолиш ва бойитиш соҳасида ташаббускорлик кўрсатди.

Касбига садоқатли олим ўзининг илмий йўналиши бўйича бир қанча малакали кадрлар, фан номзодларини тайёрлади. Қатор мамлакатлардаги илмий конференция ва семинар кенгашларда маърузалар билан иштирок этди.

Илм ташкилотчиси ва моҳир устоз сифатида Насриддин Раҳмонов Халқ маорифи вазирлигида ишлаган даврида менга кўп йиллар давомида маънавий мадад бериб келди. Гиждувонда ўрта мактаб директори, Москвада собиқ СССР Фанлар академиясининг фалсафа институтида аспирант, Бухоро Давлат педагогика институтида фалсафа кафедраси мудир, тарих-филология факультети декани, институт илмий ишлари проректори, Қарши ва Бухоро давлат Педагогика институтлари ректори, Бухоро Давлат университетида ўқув ишлари бўйича проректор вазифаларида ишлаганимда ҳам Насриддин Раҳмонов ўзининг ҳолисона ва доно устозлигини давом эттирди. Бу даврда устознинг раҳнамолигига, амалий маслаҳатларига жуда муҳтож эдим. Мен ундан умрбод миннатдорман.

Фан ва таълим йўлида ҳалол хизмат қилиб, эл-юрт ҳурматини қозонган устоз оилада ҳам меҳрибон ота бўлиб, қатор фарзандларни ўстирди, уларни ўқитиб эл хизматига йўллади. Эндиликда жажжи невараларига бобо ҳам бўлиб қолди. Демак, унинг 80 йиллик умри бесамар кетмабди, қолгани ҳам шундай сермазмун бўлишини, яна узоқ йиллар соғ-саломат яшашини Оллоҳдан сўраб қоламиз.

**Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,**

*Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш  
институтини ректори,  
педагогика фанлари доктори, профессор*

## **ХАЛҚ ТАЪЛИМИГА БАХШИДА УМР**

Ҳар бир миллат, ҳар бир халқнинг камолоти олтин у кумушлар, дуру жавоҳирлар билан эмас, балки унинг олиму фузалолари, донишмандлари, адиблари, санъаткорлари билан, кези келганда шу миллат учун азиз жонини бахшида этган фарзандларининг садоқати билан ўлчанади.

Халқ хўжалигининг турли жабҳаларидаги ютуқлар бевосита юрт равнақиға бориб тақалади.

Шу маънода халқ таълими тизимининг жонкуярларидан бири, устоз Насриддин Раҳмоновнинг хизматлари эътиборга моликдир.

Насриддин Раҳмонов қаерда ишламасин, ўзининг оддийлиги, шогирдларига бўлган эҳтироми билан алоҳида эътибор қозониб келган.

Мен у кишининг тоталитар тузум ҳукм сурган пайтдаёқ таълим тизимига ўзгартиришлар киритиш учун жиддий ишлар қилганлигига гувоҳман.

У собиқ “марказ”дан берилган ягона ўқув режаларини ўзгармас йўлланма деб олинишини рад қилган ва ҳудудимизда фаолият кўрсатаётган ўқув юртлари, жумладан, мактабгача тарбия масканлари, ўқув муассасалари, мактаблар, ўрта махсус касб-ҳунар таълим ўқув юртлари, Олий ўқув юртлари учун миллий замин ва республика талабидан келиб чиққан ҳолда муқобил режаларни ишлаб чиқиш зарурлигини долзарб муаммо сифатида кўтариб чиққан эди.

Натижада жаҳон илм-фанига буюк ҳисса қўшган ўзбек алломаларининг ўлмас таълимотлари мактаб

дарсликлари ва дастурларида ўз аксини топа борди. Бугунги кунда у кишининг бевосита саъйи-ҳаракатлари натижасида давр талабидан келиб чиққан ҳолда муқобил режалар ишлаб чиқилдики, улар ўз ижобий натижасини бермоқда.

Насриддин Раҳмонович баъзи пайтларда ўзининг ўксик қалбини очиб, ота-онасидан жуда эрта жудо бўлганлигини айтар экан, қуйидаги дил сўзларини изҳор қилар эди: “Бутун умримнинг мазмуни халқ таълими равнақиға йўналтирилган. Мен фақат бир нарсага амал қилиб яшадим. Ёшлар ўсаман деса, уларга елкамни тутиб беришим керак. Бу менинг бир умрлик дастуриламалим бўлиб қолди”.

Устознинг қатор асарлари, жумладан “Ўзбекистон маданияти тарихи очерклари”, “Миллий озодлик ҳаракатининг долзарб масалалари”, “Ўзбекистонда педагогик таълим тараққиёти” каби илмий-услубий мавзуларни қамраб олган йирик тадқиқотлари чоп этилган.

Насриддин Раҳмонов, яна таъкидлайманки, келажагимиз ворислари бўлмиш ёш авлоднинг — мурғак қалб соҳибларининг тарбиясига алоҳида эътибор берганлар. Бу борада болалар шоирларини ижодга даъват қилганлар. Ўзбекистон халқ шоирлари Пўлат Мўмин ва Қуддус Муҳаммадийлар билан яқиндан ижодий алоқада бўлганлар.

Ҳамиша эл-юрт эъзозида бўлган азиз инсон бугунги кунда ҳақли равишда ўз шогирдлари — Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ректори, педагогика фанлари доктори Ж.Ф.Йўлдошев, фалсафа фанлари доктори, академик М.Б.Баратов, биология фанлари доктори, академик А.Қ.Қосимов ва бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари, педагогика фанлари доктори Р.Ш. Аҳлиддиновлар билан ҳақли равишда фахрланади. Бундай салоҳиятли шогирдларининг рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Бугунги кунда таълим тизимида олиб борилаётган кўпгина ишларнинг ижобий кўлами бевосита азиз устоз тарбиясини олган шогирдлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқлиги бизни қувонтиради.

Устоз-шогирд анъанасига амал қилган ҳолда бир камтарин шогирд сифатида Сизга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик тилайман ва биз билан ҳар доим ҳамкорликда иш олиб бораётганлигингизни ўта эҳтиром ила ҳис қилган ҳолда чуқур таъзим қиламан.

*Комил Холиқ ўғли РОЗИҚОВ,  
кимё фанлари доктори, профессор.*

## ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

*Уқдимки, абадий экан тақдир ҳам,  
Шундан пайдо бўлди бардош ва чидам.*

*Ибн Сино*

Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, шу давргача бу ёруғ дунёга 80 миллиарддан ортиқ киши келиб-кетган. Қайси даврлигидан қатъи назар дунёга кимки келибди, бу албатта Яратувчининг ҳиммати. Инсонларнинг ҳаёт фаолияти, қадр қиммати ва қисматлари ҳам бир хил эмас. Баъзиларга омад ёр бўлиб, берилган умрни камчиликсиз, ҳузур-ҳаловатда ўтказиш насиб этган бўлса, бошқаларнинг ҳаёти қийинчилик, азоб-уқубат ва турлича муаммолар гирдобида кечади. Аммо ҳақиқий инсон “менинг қисматим шу экан”, деган фикрдан йироқ бўлиши керак. “Сендан ҳаракат — мендан баракат!” деган нақл ҳам бор. Халқимиз буни яхши билади. Ёшлиги кўп қийинчиликларда ўтган, лекин пировардида ўз бахтини топиб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган Насриддин Раҳмоновнинг ҳаёт фаолияти айтилган фикрларни тасдиқлайди. Бундай дейишимга маълум даражада асос бор.

Мен ҳам аслида нуроталикман. Нурота эса, тоғлар орасида жойлашган, бир томондан Қизилқумга туташган, республикамизнинг чекка туманларидан бири. Азалдан нуроталиклар асосан чорвачилик билан машхур. Зилол сувли чашмасининг шухрати афсонага айланиб кетган. Ривоятларга кўра, бу жойни ҳатто юнонистонлик Искандар Зулқарнайн ҳам хуш кўрган экан. Маълум вақт оралиғида унинг аскарлари Нурота худудида (эҳтимол, ҳозирги Зулқарнайн қишлоғида) жойлашган. Улар маҳаллий аҳолига суғориш иншоотлари (“кориз”лар) қуришда кўмаклашган бўлса керак. Ко-



ризлардан ҳозиргача фойдаланилади ва ширин-шакар сабзавотлар, полиз маҳсулотлари етиштирилади.

Туман ҳудуди ва гир атрофидаги тоғ тизмалари баҳор, ёз пайтларида анвойи гуллар, шифобахш ўсимлик ва гиёҳлар билан яшнаб туради. Кўп мингли халқи бемалол ҳам ўзбек, ҳам тожик тилида сўзлайди, меҳмондўст, хушчақчақ. Зилол сувли чашма ҳозир ҳам зиёратгоҳ: ундаги ажойиб хислатли балиқларни томоша қилгани ҳатто хорижий мамлакатлардан кўплаб сайёҳлар келиб туришади.

Насриддин Раҳмонов ана шундай юрт фарзанди бўлгани билан фахрланса керак. Шахсан мен жуда фахрланаман... Болалигимда ҳам, сўнгра талаба ва аспирантлик йилларимда ҳам, марҳум отам Розиков Абдухолик, қариндошим, раҳматлик Сафарбой бобо Худойбердиев (Насриддин аканинг амакилари, 100 йилга яқин яшаган)дан Насриддин ака тўғрисида ҳикоя қилиб беришларини сўрардим.

Бундан чамаси 50 йиллар олдин, эндигина Иккинчи Жаҳон уруши тугаб, халқимиз узоқ давом этган иқтисодий қийинчиликлар гирдобидан аста-секин чиқаётган, халқ хўжалигимиз ҳамма жабҳада тиклана бошлаган пайтлар. Ўша вақтларда Пушкин номли ўрта мактаб-интернатни тугатиш арафасида эдим. Кечаю кундуз фикру зикрим келгусида албатта, Тошкент ёки Самарқанддаги университетга кириб ўқиш эди. Шу йилларда нуроталиклардан ёлғиз Насриддин ака дорилфунун талабаси бўлиб, Самарқанддаги Ўзбек Давлат университетининг тарих факультетида таҳсил олардилар. Уларга талабалик nasib этгунга қадар, жуда кўп азоб-уқубат ва оғир йилларни бошларидан ўтказгани, айниқса, ёш болалик, кейин ўспиринлик чоғларида кўп қийинчиликларга дучор бўлгани мен каби ёшларни таажжубга солиб, кўп ўйлантирарди.

Дарҳақиқат, “Интилганга толе ёр” дегани ҳақ гап экан. Шахсан мен, ўз ҳаётий фаолиятимда бунга қатъий ишонч ҳосил қилдим. Ўз яқинларимга, ўқувчи ёшлар ва талабаларга (ҳозирги вақтда Тошкент Давлат Аграр университети талабаларига кимё фани сир-асрорла-

ридан таълим бераман) доим панд-насиҳат қилиб, шу нарсани алоҳида уқтираманки, қийинчиликларсиз орзу-ҳавас ижобат бўлмайди. Ҳар қандай шароитда ҳам, ҳалол меҳнат эвазигагина, сабр-тоқат билан чуқур билим олишга ҳаракат қилиб, катта ютуқларга эришиш мумкин.

Ушбу фикр-мулоҳазаларга қўшимча қилиб донишманд Умар Ҳайёмнинг қуйидаги:

*Қийинчилик чекиб, одам ҳур бўлув,*

*Садафда қамалиб, қатра дур бўлув,* — мисрасини эслатиб ўтаман.

Болалигида оғир ҳаётга кўниккан, лекин билим олишга иштиёқи сўнмаган ёш Насриддиннинг сабр-тоқат билан, барча қобилиятини ишга солиб, мустаҳкам иродаси туфайли билим олишга интилгани ва ҳаммани ҳайрон қолдирадиган даражадаги муваффақиятларга эришгани бугунги ёшларимиз учун ўрнатилган бўладиган фазилатдир.

Ёшлиқдан илм-фан асосларини чуқур ўзлаштириб олиш учун доим ҳаракат қилиш хислати, албатта, ҳамма ёшларга ҳам насиб этавермайди. Лекин ирсий омил туфайлими ёки Оллоҳнинг ҳимматими, бизга номаълум, Насриддин Раҳмоновга ёшлигиданоқ бу юксак иқтидор насиб этган. Ўта зеҳнли, чуқур идрок соҳиби, бахтли келажак орзусида ҳормай-толмай меҳнат қилишни бир лаҳза ҳам қилмаган Насриддин ака, гўё буюк Шарқ мутафаккири Хисрав Деҳлавийнинг:

*“Кимнингки жавҳари бўлса илму-фан,*

*Унинг таги улуғ, ўзи муҳтарам”,* — деган ўғитини ўзига чуқур сингдириб олган дейиш мумкин.

Насриддин ака Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўз йигитлик бурчини ўташ учун армия сафига чақирилади. Бу даврда ҳам у бўш вақтларида кўп мутолаа қилади, билимини оширади ва ҳарбий қисм бошлиқлари ҳурматини қозонади. Уруш тугагач, маълум вақтдан кейин, соғ-саломат она юртига қайтган Насриддин Раҳмонов, ниҳоят, Самарқанд Давлат университетига ўқишга киришга муваффақ бўлади. У талабалик

пайтидаёқ йирик олимларнинг ҳамда мутасадди раҳбарларнинг назарига тушган эди. Шу сабабдан ҳам, ёшлар Насриддин акага ҳавас билан қараб, унга ўхшашликка интилишган. Сўзсиз, у киши, нафақат нуроталиклар, балки уни яхши билган бошқа кўп ёшларга ўрнак бўлган.

Айтиш жоизки, республикамизнинг деярли барча вилоятларида, маориф тизимидаги барча таълим муассасаларида фаол хизмат қилаётган ўқитувчи, муаллиму тарбиячилар орасида Насриддин Раҳмоновнинг издошлари, шогирдлари кўплаб топилади. Унинг маслаҳатлари, беғараз ёрдами туфайли жуда кўп кишилар ҳаётда ўз ўрнини топиб олишга мушарраф бўлган десак, муболаға бўлмайди.

Насриддин Раҳмоновнинг шахсий ҳаёти, оиласи, болаларига берган тарбияси ҳам эътиборга молик. Насриддин аканинг ўз умр йўлдошига муносабати ҳам ўрнак бўларли десам, янглишмайман. Улар бир-бирларига жуда мос инсонлардир.

Насриддин акадек инсонга умр йўлида Саломатхон опанинг учраши, шу кунгача уларнинг қўша қариб, бахтли турмуш кечираётганлиги яратгувчининг инъоми, ҳаётда кўп қийинчиликларни кўрган бандасига олий марҳаматидир, деган фикрдаман.

Оилавий бурчини аъло даражада ўтаб келаётган Саломатхон ая ўз меҳнат фаолиятида ҳам бошқаларга ўрнак бўлиб келди. У ўқитувчи — муаллима сифатида ҳам узоқ йиллар давомида пойтахтимиздаги йирик ўрта мактабни бошқаришдек масъул ишда минглаб ёшларга намуна кўрсатиб меҳнат қилди. Уларни ўқувчилик даврида турли фанларни севиб ўқишига, республикамиз учун фойдали шахслар бўлиб етишишига раҳнамолик қилди. Шу билан бирга, у бир вақтнинг ўзида турмуш ўртоқлари — Насриддин Раҳмонов фаолиятини ҳар томонлама самарали бўлиши учун оилада барча шароитни ярата олди. Фарзандлар тарбиясини ҳам, бир зум бўлса-да, эътибордан четда қолдирмади. Бунга кўпчилик — қариндошлар, яқин дўстлари гувоҳ...

Мен мақоламга “Интиланга толе ёр” деб бежиз сарлавха кўймадим. Бунинг негизиди чуқур фалсафа ётади. Дарҳақиқат, ўз севган бандасига яратгувчининг ўзи муайян қисматни раво кўради, нимаики берса, ҳам синаб, ҳам сийлаб беради. Турли-туман синовлар оқибатида зафарларни ҳам насиб ётади. Фақат бошга оғир кунлар тушганда сабрли, тоқатли бўлиб, ҳалол меҳнат, яхши ниятлар билан, ҳар доим олға интилмоқ керак. Оқибат-натижада, киши бахтли бўлиши муқаррар. Бунга Насриддин Раҳмоновнинг ҳаёти ва фаолияти ишончли далилдир.

Ёшларга маслаҳатим: сабр-тоқатли бўлинг, ҳар қандай қийинчиликларни чуқур идрок ила енгиб ўтинг, билимли бўлишга интилинг, охири ниятингизга етасиз.

*Эшқобил ХОЛИҚОВ,  
тарих фанлари доктори, профессор.*

## ҚАЛБИ ДАРЁ УСТОЗГА ТАЪЗИМ

*“Ота фарзандини осмондан туширган бўлса,  
устоз унга сабоқ бериб, шогирд мавқеини  
осмон қадар кўтаради”.*

Аллома Шайх Саъдий устоз ва мураббий обрў-эътиборини шу қадар юксак даражада баҳолаган эди. Дарҳақиқат, устоз ва шогирд ўртасидаги муносабат, айниқса, Шарқ халқларида ниҳоятда қадрланиб, ҳеч бир қонунда қайд этилмаган анъаналар асосида шаклланиб келган. Биз ҳам бундан мустасно эмасмиз.

Мен ҳам ҳаётимда нимага эришган бўлсам, шу улуг ва буюк устозларимнинг меҳру муруввати, панду насихатлари туфайли деб биламан. Уларни ҳар доим юрагим тўрида ардоқлаб асрайман. Илк устозим 5-7-синфларда адабиёт ва она тилидан дарс берган Абдуллаев Абдурасул домла эди. Ундан кейингиси Термиз Педагогика билим юртининг директори, тил ўқитувчимиз Темур ака Мирзаев, кейингиси Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика институти (ҳозирги Тошкент Давлат Педагогика университети)нинг ректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, етук олим, улуг инсон Шопўлат Шоакбарович Абдуллаевлар эдилар.

1974 йил апрелидан 1984 йилларгача Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида Олий таълим бўлими мудири лавозимида хизмат қилдим. Бу ерда ҳам ўз ишининг моҳир устаси, жонкуяр, фидойи, чарчашни билмайдиган, ғайратли, шижоатли меҳрибон инсонлар билан бирга ишладим. Шулардан бири Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг муовини, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Насриддин ака Раҳмоновдир. Ўз хизмат мавқеи бўйича вазирликда Насриддин ака Олий ва ўрта махсус педагогика ўқув юртлари, Малака ошириш институтлари фаолияти ус-

тидан раҳбарлик қилар эди. Ростини айтсам, дастлабки вақтларда у кишидан анча ҳайиқиброқ, ийманиброқ юрдим. Чунки мен бошқараётган бўлим зиммасига олий маълумотли ўқитувчи-мутахассислар тайёрлаш билан бирга олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг сифат даражасини кўтаришдек масъулиятли вазифа юкланган эди. Ўтган замонлардан биз тарихнинг кулини эмас, ўтини, юракларни чақнатадиган оловини олишимиз керак. Шу нуқтаи назардан қарасак, ўтган асрнинг 70-90-йиллари Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус педагогик таълимнинг ўсиб, равнақ топгани, талабалар сони ошиб борганини кўра-миз. Ўзбекистон Халқ таълими раҳбариятининг ташаббуси билан ҳар бир вилоятда камида биттадан педагогика институтлари очилди. Уларнинг моддий-техника даражаси мустаҳкамланиб, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти ҳам йил сайин юксалиб борди. Чунки 1970-1990 йилларда Ўзбекистонда педагогика институтларини битириб чиққан юзлаб ёшлар со-биқ Иттифоқнинг марказий шаҳарлари Москва, Ленинград, Саратов, Ростов, Новосибирск, Николаев, Херсон, Белгород ва бошқа шаҳарларида 50 дан ортиқ мутахассислик бўйича аспирантурада таҳсил олдилар. 1966 йилдан бошлаб йирик шаҳарларга Ўзбекистон ёшлари ўқишга юборила бошланди. Кейинги 30 йил ичида Россиянинг олий ўқув юртларида 60 мингдан ортиқ ёш ўзбекистонликлар олий маълумотли ўқитувчилар бўлиб қайтдилар.

Ўзбекистон олий ва ўрта махсус педагогик билим юртларининг моддий-техника тараққиёти учун ҳам 1970 йилларнинг бошлари 1980 йилларнинг ўрталари муҳим босқич бўлди.

Айни шу йилларда олий педагогика ўқув юртларида юзлаб кафедралар, факультетлар ташкил топди, уларни юқори малакали (фан номзодлари, фан докторлари) кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Шу ишларнинг ташкилотчиларидан бири Насриддин Раҳмонов эди. Домла ниҳоятда масъулиятли, ўз ишини сидқидиллик билан бажарадиган юқори

малакали етук инсон, яхши дўст, садоқатли касбдош эди. Бундай одамларни халқимиз ўз ишининг устаси - пири дейишади. Насриддин Раҳмоновнинг бевосита ташаббуси билан бир нечта олий ва ўрта педагогик билим юртлари ташкил қилиниб, вақт ўтиши билан улар кадрлар тайёрлашнинг синалган марказига айланиб борди.

Ҳурматли домламиз ўзига ҳам, бошқаларга ҳам гоят талабчан эди. Бу киши умумтаълим мактабларини ҳам, олий ўқув юртлари фаолиятини ҳам ниҳоятда яхши биладиган тажрибали, шу билан бирга жонкуяр раҳбар бўлган. Шунинг учун ҳам у туман, вилоят, ўрта махсус билим юртлари ходимлари, олий ўқув юртлари раҳбарлари орасида катта обрў-эътибор қозонди. Тўғриси айтсам, устоз Насриддин ака билан Халқ таълими вазирлигида хизмат қилган йилларим ниҳоятда мазмунли ва салмоқли ўтди. Лекин у даврдаги вазият мафкуравий мутелик, қарамлик, Москванинг, Марказнинг нима дейишига қараб иш қилинадиган давр эди. Халқимизда “Қаловини топсанг, қор ёнади” деган нақл бор. Шундай қийин бир шароитда ўзбек таълимининг миллий қиёфасини сақлаб қолишга устоз Насриддин Раҳмонов катта ҳисса қўша олди. Олий ва ўрта билим ўқув юртлари дастури Москвадан тасдиқланиб келишига қарамай, олийгоҳ ва ўрта педагогика билим юртларида ўзбек халқининг миллий анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришга қаратилган юзлаб махсус курслар ишлаб чиқилди. Миллий анъаналар кенг ўқувчилар — талабалар онгига сингдириб борилди. Бу ўша йилларда миллатимиз ва элатимиз равнақи йўлида қилинган ишларнинг энг муҳимларидан бири бўлди деб ҳисоблайман.

Устоз Насриддин Раҳмонович узоқ йиллар мактаб-маорифга, олий ва ўрта педагогик ўқув юртларига раҳбарлик қилганлиги учун катта тажрибага эга эди. Ўзининг бор билимини, тажрибасини бизларга беришга уринар эди. У киши томонидан республика миқёсида бажарилган энг катта ишлардан бири республикада илмий тадқиқот ишларини тартибга солиш мақсади-

да ҳамма фанлар бўйича Халқ таълими вазирлиги қошида Мувофиқлаштирувчи марказ тузилиши бўлди. Мазкур марказ республика Фанлар академияси ва унинг институтлари билан ҳамкорликда ишлаб, аспирантлар ва докторантлар учун илмий мавзуларни аниқлаш ва танлашга қулай шароит ва имконият яратган эди. Минг афсуслар билан таъкидлаш лозимки, бугунги кунда бу Мувофиқлаштирувчи кенгашлар ўз фаолиятларини тўхтатган. Табиийки, илмий тадқиқотларни режалаштиришда чалкашликлар юзага келмоқда. Бизнингча, бу Мувофиқлаштирувчи марказларни тиклаш вақти келди.

Халқимизда “Иш билганга зафар ёр” деган нақл бор. Насриддин Раҳмоновичнинг ташаббуси ва фидойилиги, саъй-ҳаракатлари билан Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти (ҳозирги Педагогика университети) юқори даражали малакали кадрлар тайёрлаш масканига айланди. Шу йилларда бу даргоҳда фалсафа, тарих фанлари ва физика, математика, тил, адабиёт, география фанларини ўқитиш услубияти, педагогика фанлари назарияси ва тарихи бўйича номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилиш бўйича Ихтисослашган илмий кенгашлар фаолият кўрсатдилар, ўнлаб докторлик, юзлаб номзодлик ишлари ҳимоя қилинди. Тарих фанлари бўйича Ихтисослашган кенгашнинг аъзоси сифатида мен устоз Насриддин ака билан ўнлаб номзодлик диссертацияларига оппонентлик қилдим. Устоз Насриддин Раҳмонов мактаб-маорифни, олий ва ўрта педагогика касбини ва билимини чин қалбдан севган мутахассисларни, кўпгина истеъдодли ёшларни ўз атрофига чорлайдиган ижодий муҳит яратди. Билимга иштиёқманд ёшларга ёрдам қўлини чўзиш қалби дарё устозимизнинг ҳаётий эътиқодига, турмушининг мазмунига айланиб кетган эди. Насриддин ака ташкилотчилик, раҳбарлик фаолиятидан ташқари забардаст сермахсул олим сифатида ўнлаб рисоаларнинг, юзлаб журнал мақолаларининг, бир неча йирик тадқиқотларнинг муаллифидир. У ўз ҳаётини илм-маъри-



фатга бағишлаган кўплаб ёшларни фан чўққиларига кўтарилиши учун елкасини тутиб берган бағри кенг, заҳматкаш олим саналади.

Назаримда камтарин, кўнгли пок ва олижаноб устоз Насриддин Раҳмонович умрини, қалб кўрини бутунича халққа, шогирдларига сарфлаб келаётган боғбонга ўхшайди. У кишининг яхшиликлари олдида биз — барча шогирдлари бир умр қарздормиз.

Ҳар йили устозимизнинг таваллуд топган куни — 5 январ бутун оила аъзолари, дўстлари, шогирдларининг байрамига айланиб кетади. Насриддин ака ўзининг табаррук 80 ёшини ақл-заковатга, ғайратга тўлиб-тошган ҳолда кутиб олаётганлигидан хурсандман, шодман. Қалби дарё, меҳригиё устозимга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ҳамда фарзандлари роҳатини бир неча ўн йиллар мобайнида Саломат кеннойим билан биргаликда кўришини Яратгандан илтижо қиламан.

**Собир ЗИЯЕВ,**

*профессор, Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти-нинг проректори.*

## ТАЛАБЧАН РАҲБАР

Меҳрибон устоз, бағри кенг инсон Насриддин Раҳмонович билан ўн икки йил бирга ишлаш бахтига муяссар бўлганман. Ҳурматли устоз олий ва ўрта педагогика ўқув юртлари, молия-режалаштириш, капитал қурилиш, жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари жамоаларига раҳбарлик қилар эдилар. Мен 1973 йилда янги ташкил этилган олий ва ўрта педагогик ўқув юртлари бошқармасига бошлиқ этиб тайинландим. Бошқармага республикамиздаги 14 та педагогика институти, 36 та педагогика билим юрти, 15 та малака ошириш институти, мактабгача таълим муассасалари ходимлари малакасини ошириш Республика курси, Қори-Ниёзий номидаги педагогика илмий тадқиқот институти қарар эди.

Насриддин Раҳмонович вазир ўринбосари сифатида ушбу ўқув, илмий, малака ошириш муассасаларини ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашда, етуқ кадрлар тайёрлашда, уларнинг малакасини оширишда, юқори савияли илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда ўзларининг бутун илмларини, бой тажрибаларини, ташкилотчиликларини ишлатиб, бу таълим муассасаларининг ривожига катта ҳисса қўшди.

Меҳрибон устозда раҳбар маънавиятига хос юксак фазилатлар кўп эди. Устоз меҳнатсевар, одамохун, меҳрибон, талабчан, кўнгиллари тоза инсон эдилар. Шунинг билан бир қаторда топшириқ ўз вақтида, сифатли бажарилмаса жаҳллари тез чиқиб, шогирд, ходимлар фаолиятдан норозилигини билдирар эдилар.

Камчилик тез тузатилса, муаммо ечими топилса Насриддин Раҳмонович ходимни кечирар ва хафа бўлганликларини тез эздан чиқариб юборарди. Устознинг ажойиб фазилатларидан яна бири шуки, шогирдлари, ходимларининг ютуқларини кўрса, эшитса, гоят хурсанд бўлар эди. Камчиликка йўл қўйган ходимнинг айбини юзига айтар эди. Ифвони, орқаваротдан гапиришни жуда ёмон кўрар эди.

У йирик-йирик масалаларни, муаммоларни жуда тез ва талаб даражасида ҳал этар ва бизларга, таълим муассасалари раҳбарларига ҳам ўзларининг тўғри, ҳаётий маслаҳатларини, тавсияларини доимо бериб турар эди.

Хурматли устоз шогирдларни, ходимларни ўз устида тинмай мустақил равишда ишлашга ўргатарди. Бизларни илмий-методик соҳада мақолалар, рисоалар ёзишга, семинар, конференцияларда маърузалар билан чиқишга мунтазам даъват этарди. Бу соҳада энг аввало ўзи намуна кўрсатарди. Насриддин Раҳмонович тарихчи олим сифатида бир қанча китобларнинг, рисоаларнинг муаллифидир. Газета-журнал саҳифаларида, илмий тўпламларда унинг кўпгина илмий-услубий мақолалари чоп этилар эди.

Насриддин Раҳмоновични ва шу йиллардаги Маориф вазири, академик Саид Шермухаммедович Шермухаммедовни доно, меҳрибон, халқпарвар, ватанпарвар инсонлар сифатида ҳурмат қиламан.

Мен Насриддин Раҳмонович билан бирга ишлаганимдан, шогирдларидан бири бўлганимдан доимо фахрланаман, ғурурланиб юраман.

*Очил НАВРЎЗОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
ўқитувчи, Халқ маорифи фахрийси.*

## НУРОТАНИНГ ОҚИЛ ФАРЗАНДИ

*Юнон донишманди Афлотундан сўрабдилар:*

— Сиздан нима қолади?

— Мендан шогирдларим ва китобларим қолади, — деб жавоб берибди у.

Бутун умрини маориф равнақига бағишлаган, камина билан қарийб тенгдош Насриддин Раҳмонович билан болаликдан таниш, дўст ва қалин ўртоқ эдик. Агар хотирам алдамаса, 1946 йил феврал ойида, Иккинчи Жаҳон урушидан қайтиб, Нурота шаҳридаги 2-сонли етти йиллик мактабда иш бошладик. Камина математика, физика ва арифметика фанидан, Насриддин Раҳмонович эса тарих, жуғрофия, ҳарбий таълим ва конституция фанларидан дарс берар эдик.

Насриддин Раҳмонович ўрта бўйли, қотма, буғдой ранг, эпчил ва чаққон, 21-22 ёшлар чамасидаги йигит эди. Унинг дарсларига барча бирдек қизиқиб, ҳавас билан кирарди. Насриддин ўктам овоз билан фикрини ўқувчиларга тўлиқ етказа олар ва ишонтирарди. У пайтларда барча синф ўқувчиларига ўқув қуроллари — дарслик ва дафтарлар бепул бериларди. Лекин ҳозиргидек техника воситаларию кўргазма қуроллари қаёқда эди дейсиз?! Улар йўқ эди!

Ростини айтсам, ўқитувчининг маҳорати иш берар эди.

Ўқитувчида бўр ва доска бўлса бас, шунингдек, унинг равон, чиройли нутқи... Узим шахсан бир неча бор Насриддин Раҳмоновичнинг дарсларига кириб, маҳоратига тан берганман, ундан ўрганганман. Ҳар гал дарсини кузатганимда тажрибасини ўрганиб, дарсидан қушдай енгил бўлиб, юксак ишонч туйғуси билан чиққанман. Ҳа, Насриддин Раҳмонович зуваласи пишиқ, бутун борлиғи билан ўзи дарс бераётган ҳар-

бий таълим, тарих ва конституция фанларининг чи-  
накам билимдони ва моҳир тарғиботчиси эди. Ундаги  
бу қобилият аждодларидан ўтган бўлса керак.

Отаси — Мулла Раҳмонберди мадраса кўрган, ма-  
даниятли, одобли, мусулмончилик қоидаларини пух-  
та эгаллаган, Нуротада шаҳар аҳолиси ўртасида катта  
эътиборга лойиқ мулла, мударрис эди. Шу сабабли  
қатагонга учраган, қувғинга олиниб, қочиб кетган эди.  
Насриддин жуда камбағал, ғариб яшарди. Биз иккала-  
миз баъзан унинг болохонасида дарс тайёрлардик. Ов-  
қатимиз кўп ҳолларда қайноқ суву, қотган нон бўлар  
эди. Камина малака ошириш учун 1948 йили ҳозирги  
Самарқанд Давлат университетининг математика кул-  
лиётига, Насриддин эса мендан бир йил олдин 1947  
йилда ўша Самарқанд Давлат университетининг тарих  
куллиётига ўқишга кирган эди. У ўқиш даврида уни-  
верситет талабалари ўртасида ёшлар ташкилотининг  
раҳбари лавозимига сайланиб, муваффақият билан иш  
олиб борди.

Ўша йилларда умр йўлдоши Саломатхон Жиянбо-  
евна билан танишиб, турмуш қуришган эди. Ўқишни  
тугатгач, Тошкент вилояти Янгийўл туманида даст-  
лаб ўқитувчи, мактаб жамоаси раҳбари, кейинчалик  
Республика маориф вазирлигида мактаблар бошқар-  
масининг бошлиғи лавозимида ишлади. 1954 йилларда  
Самарқанд вилояти халқ маорифи бўлимида мудир  
бўлиб ишлаганини эслайман. Беш-олти йиллардан сўнг  
Ўзбекистон Маориф вазирининг биринчи ўринбоса-  
ри лавозимига тайинланди. Кўп йиллар бу лавозимда  
ишлади. Республика халқ маорифини ривожлантиришга  
катта ҳисса қўшди. Чунончи, мактабларнинг моддий  
базасини яратиш, минглаб мактабларнинг молиявий  
ҳолатини яхшилашга амалий ёрдам берди. Мен ҳам  
Нурота тумани халқ таълими бўлимига 30 йил раҳ-  
барлик қилдим. Шу йиллар давомида Насриддин Раҳ-  
монович молиявий томондан бизнинг туманга ҳар  
доим ёрдам қўлини чўзиб, мадад бериб турди.

Шаҳардаги мусиқа мактаби, ўқувчилар саройи, за-  
монавий типдаги 18-ўрта мактаб ва бошқа ўнлаб янги

қурилган мактабларда Насриддин Раҳмоновичнинг бевосита ҳиссаси бор.

Ҳа, Насриддин Раҳмоновичнинг республика халқ маорифи соҳасидаги хизматлари жуда беқиёс...

Муҳими шундаки, у қайси лавозимда ишламасин, ўзига хос ҳаққонийлик, ҳалоллик, маорифга фидойилик, камтаринлик ва дўстларга нисбатан меҳрибонлик хислатларини тарк этмай келади.

Насриддин Раҳмонов хотираси ўта кучли инсон.

“Инсоннинг безаги — донолик, доноликнинг безаги - хотиржамлик, хотиржамликнинг безаги - жасорат, жасоратнинг безаги - мулойимлик. Одамнинг туганмас бахти илм ва маърифат орқали ҳосил бўлади”, — деган экан Аҳмад Дониш. Дарҳақиқат, Насриддин Раҳмонович улуғ аллома айтган юксак илми ва маърифатли кишилардан бири сифатида шуҳрат топди.

*Абдулла МУЗАФФАРОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.*

## ТАЪЛИМ ЖОНКУЯРИ

Халқ таълими жонкуяри Насриддин Раҳмонов билан маориф соҳасида ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб бирга ишлаганимдан фахрланаман.

1954 йилдан 1960 йилгача Н. Раҳмонов Самарқанд вилояти халқ маорифи бўлими мудири бўлиб ишлади. Айти шу даврларда мен ҳам шу вазифада Бухоро вилоятида ишлардим. Дўстим билан яқин алоқада бўлиб, айниқса Республика Халқ маорифи вазирлиги ҳайъати мажлисларида, йиғилишларда учрашиб, ўзаро маориф тараққиёти ҳақида фикр алмашар эдик. Мақсадимиз аён эди. Мактабларда болаларни ўқитиш, тарбиялашни юксалтириш, фарзандларимизнинг ўқимишли, одобли бўлиши, мактабларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш каби долзарб масалалар бўйича баҳслашар эдик. Ҳар иккала мизнинг фикрларимиз кўпинча бир жойдан чиқар эди.

Насриддин Раҳмонов ўша даврларда жуда фаоллиги, маориф ишини яхши билиши, талабчанлиги билан ажралиб турарди.

Ҳар иккала вилоятда маориф ишларида қатор ютуқлар мавжуд эди. Республика миқёсидаги йиғилишларда бу ҳақда ижобий фикрлар айтиларди. Ўша йилларда Бухорода мактабларнинг бир сменали машғулотларга ўтиши учун катта ишлар олиб борилди. Бу соҳада давлат, жамоат ташкилотлари мисли қўрилмаган ишларни амалга оширдилар. Барча шаҳар, туман, жамоа хўжаликларида янги мактаб бинолари, қўшимча синф хоналари қуриш, айрим яроқли бўш биноларни мак-

табларга бериш бўйича ташаббус кўрсатилди. Натижада 1959-1960 ўқув йилида барча вилоятдаги мактаблар бир сменали машғулотга кўчирилди, болаларни ўқитиш, тарбиялаш учун қулай шароит яратилди. Бу ташаббус республиканинг барча вилоятларида қўллаб-қувватланди.

1961 йил январ ойида республика фирқа қўмитасига Н. Раҳмонов ва мени таклиф қилишди. Биринчи котиб Шароф Рашидов ҳузурда бўлди. Суҳбат охирида мен Марказий комитетнинг Фан, олий таълим ва мактаблар бўлим мудирини ўринбосарлигига, Н. Раҳмонов эса Ўзбекистон маориф вазирининг биринчи ўринбосарлигига тавсия этилди. 26 январда бўлиб ўтган МК бюросида бир овоздан тасдиқланди ва биз Тошкент шаҳрида янги лавозимларда иш бошладик.

Шундай қилиб, Н. Раҳмонов билан бирга республикада халқ таълимини ривожлантириш соҳасида фаолият кўрсатдик. Мен 1963 йил июл ойигача юқоридаги лавозимда ишладим. Маориф вазирлиги билан ҳамкорликда қатор тадбирларни, айниқса, мактабгача муассасалар сонини кўпайтириш, камида 50 фоиз болаларни болалар боғчаларига қамраб олиш, мактабларни бир сменали машғулотларга кўчириш, ўқитувчилар малакасини ошириш, таълим ва тарбия сифатини кўтариш, ўқувчиларни касб-ҳунарга ўргатиш каби тадбирларни амалга оширишга катта эътибор бердик.

Оилавий шароитим туфайли Тошкентдан Бухорога қайтдим. Шундан кейин ҳам Н. Раҳмонов билан ўзаро алоқаларимиз узилмади. У киши ўқитувчилар малакасини ошириш республика марказий институтининг ректори бўлиб ишлаган даврларда ҳам катта маҳорат билан фаолият кўрсатдилар. Институт ўқитувчи кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш соҳасида ғайрат билан ишладилар.

Ҳаёт тақозоси билан 1981 йил апрел ойидан бошлаб иккинчи марта Бухоро вилояти маориф бўлими мудирлигига тайинландим. Бу даврда Н. Раҳмонов рес-



публика Маориф вазирининг ўринбосари эди. Яна бирга ишлай бошладик. Н. Раҳмонов янги лавозимда ҳам ўз раҳбарлик салоҳиятини кўрсатди. Айниқса, раҳбар кадрлар малакасини ошириш, уларни тарбиялаш, ҳар томонлама масъуллигини кучайтириш соҳасида самарали ишларни амалга оширди.

1988 йил ноябридан ҳозиргача Бухоро вилояти Болалар жамғармаси бошқаруви раиси вазифасида ишламоқдаман. Оллоҳга шукроналар бўлсинки, дўстим Насриддин Раҳмонов ва менга шу улуғ ёш насиб этибди, ҳаётимиз, Ватанимиз, халқимиз учун кучимиз борича хизмат қиламиз. Иншооллоҳ.

**Тойиржон ЮСУПОВ,**  
филология фанлари доктори, профессор.

## КОМИЛ, ФИДОЙИ

*Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,  
Айламак осон эмас онинг ҳаққин минг ганж ила.*

*Алишер Навоий*

1973 йилда мен 8-синфда ўқирдим. Нурота туманига ўз дўстлари, элу хешларининг меҳрини қўмсаб, йилига камида бир маротаба келиб турадиган Насриддин Раҳмонович Раҳмонов ташриф буюрганини эшитдим. Дадам: “Тойиржон ўғлим, юр, амакингларникига меҳмонга борамиз”, — дедилар.

Ёшлиқдан дадам билан бирга ўсиб, ўқиб улғайган Очил Наврўзов, Маҳмуджон Юсуповларнинг оиласи билан иноқ, қадрдон эдик.

Тошкентдан келган ҳурматли меҳмон Насриддин Раҳмонов шарафига йиғилганлар аста-секин тарқаб, сирдош дўстлар: дадам Жабборжон Юсупов, мезбон Маҳмуджон Юсупов ва меҳмон Насриддин Раҳмонов бир-бирларига яқинроқ ўтириб, суҳбат мавзусини илм-маърифатга, ёшлар тарбияси, қадрият ва маданиятга қаратдилар.

— Мактаблар қурилиши, таъмирлаш ва жиҳозлаш юқори ташкилотлар ёрдами билан амалга оширилади. Вазирлик ва бизларнинг асосий вазифамиз муносиб ўринбосарлар тайёрлаш, ёшларни биздан кўра илмли, маданиятли қилиб етказишдан иборатдир. Бу гаплар, — деди сўзини дона-дона қилиб гапираётган Насриддин Раҳмонович, — гарчи умумийдек туюлса-да, мен мана бу ёшлар келажагини назарда тутмоқдаман, — деб мен томонга имо қилди. Мен бу назардан ҳам қувониб, ҳам қизариб кетдим...

Камина 1975 йилда Нуротада ўрта мактабни тугатгач, Москва Педагогика университетининг филология факультетига кириш имтиҳонларини аъло дара-

жада топширдим, 1980 йилда университетни тугатиб, Республика Маориф вазирлиги ихтиёрига қайтдим.

Давр талабига мувофиқ тўғридан-тўғри номзодлик диссертацияси устида иш олиб боролмас эдим. Республика Маориф вазирининг ўринбосари Насриддин Раҳмонов менга катта ғамхўрликлар кўрсатиб, кейинги ишим ва ўқишимга тўлиқ имкониятлар яратиб берди.

У кишининг ўғли, менинг дўстим — Диёржон Тошкент Давлат университетининг шарқшунослик факультетини тугатиб, иш тажрибасини олгач, мен билан бирга Москвада аспирантурада ўқиди. Дўстим билан 1984-1985 йилларда бир хонада яшаб, фан номзодлиги учун илмий иш тайёрлаганмиз.

Шу кезларда Диёржоннинг суҳбатларда ўз падари бузруквори тўғрисида айтган сўзлари қулоғимда ҳанузгача жаранглайди.

— Дадам, — дер эди ғурур билан Диёржон, — ҳудога шуқр, шундай иш қобилиятига эгаки, мен ҳайратлანаман, ҳамиша, уйда ҳам атрофлари тўла китоб, ёзув қоғозлари, мақола, рисола, нутқ, маъруза, илмий лавҳалар ва ҳоказо. Эртасига вазирликда йиғин, Олий Кенгашда Халқ маорифи масаласи, услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, вилоятларда янги мактаблар қуриш лойиҳалари, жиҳозлар, ўқув қуролларининг ечими... ў-ҳў, қанчадан-қанча муаммолар.

Шу йилларда Насриддин Раҳмонович менинг ишларимдан хабар олар, камчиликларни суриштирар ва иш юзасидан илмий мақолаларимни журналларда чоп этилишига ёрдамлашар эдилар. Буни мен беминнат ҳомийлик ва бевосита маънавий раҳбарлик деб билардим.

Номзодлик ишимни 1985 йилда Москвада муваффақиятли ёқладим.

Устоз Насриддин Раҳмоновичнинг 60 йилдан ортиқ меҳнат фаолиятлари давомида унинг меҳрибончилиги, ҳомийлигидан баҳра олиб, менга ўхшаб илм излаганларнинг сони мингтадан кўпдир, деса муболаға бўлмас.

Ҳадиси шарифлардан бирида шундай марҳамат қилинади:

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)дан сўрадилар:

— Одамларнинг энг яхшиси ким?

Жавоб бердилар:

— Одамнинг энг яхшиси одамларга энг кўп яхшилик қиладиганидир.

Устоз Насриддин Раҳмоновичнинг ҳаёти бунга ажойиб бир намунадир.

Шундай қилиб, мен 1986 йилда Навоий Давлат педагогика институтига ишга келдим. 1990 йилда Москва Давлат педагогика университетининг мақсадли докторантурасида ўқидим ва ниҳоят, 1995 йилда 37 ёшимда докторлик диссертациясини ҳимоя қилдим.

Домла билан ҳозир ҳам вақт топиб, қўнғироқлашиб турамиз, ҳол-аҳволдан воқиф бўламиз. Мен эса, бошим осмонда, фахр-ифтихордаман.

Устозим, домла Насриддин Раҳмонов ажойиб, бахтли инсон. У кишининг меҳрибон умр йўлдошлари Саломатхон ая бутун умр Насриддин Раҳмоновичга суянчиқ, ҳамнафас ва содиқ сафдош бўлиб келмоқдалар. Уларнинг бир-бирларидан миннатдорчиликлари бир олам.

Севимли қизлари Замира инсонлар соғлигига ҳаётини бағишлаган, Дилором ота-оналари йўлидан бориб, ўқитувчи бўлди. Диёржон тарих фанлари номзоди, икки йил Нидерландия давлатида консул бўлиб хизмат қилди. Ҳозир Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида масъул ходим.

Насриддин Раҳмонов меҳнат фаолияти даврида миллат олдида сидқидилдан қилган хизматлари туфайли бутун Республика зиёлилари орасида катта ҳурмат ва эътибор қозонди. Ҳамма у кишини моҳир ва талабчан раҳбар, чуқур илм соҳиби, меҳрибон дўст ва табаррук устоз сифатида эъзозлайди. Мен ҳам ул зотнинг беминнат раҳнамоликлари туфайли минглаб содиқ шогирдлари қаторида бўлганлигимдан фахрланаман.

Кадрли устоз! Бахтимизга ҳамиша бардам, бақувват бўлинг. Сиз ва Сиздек комил инсонлар доим бор бўлсин, омон бўлсин!

*Малоҳат МАНСУРОВА,  
кимё фанлари номзоди.*

## НУР ЭЛИНИНГ НУРОНИЙ ЗИЁЛИСИ

Республикамизнинг гўзал масканларидан бири бўлмиш Нуротадан фан ва маданият соҳасининг фидойилари бўлган кўпгина етук инсонлар етишиб чиққан. Жумладан, Насриддин Раҳмонов — тарихчи олим, таниқли маориф ташкилотчиси, Мўбинжон Баратов — Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Анвар Мансуров — фалсафа фанлари номзоди, Комил Розиков — кимё фанлари доктори, профессор, машҳур иқтисодчи олим, профессор Ёрқул Абдуллаев, Тоҳиржон Юсупов — филология фанлари доктори, Азим Суюн — таниқли шоир, Зуҳра Лутфуллаева — тарих фанлари номзоди, доцент, Рустам Муҳаммедов — ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, генерал-майор, Ҳамдам Эшонқулов — журналист ва яна кўплаб фан ва маданият жонкуярлари Нурота фарзандларидир.

Нурота заминидан бундай машҳур инсонларнинг етишиб чиқишида узоқ йиллар давомида туманда халқ маориф бўлими мудири бўлган марҳум Раҳматулла Мансуров катта ҳисса қўшган.

1958 йилда Мансуровлар оиласига келин бўлиб тушганимда илк бор ўта маданиятли, хушфеъл инсон — Насриддин ака Раҳмонов ва рафиқалари Саломат опа билан танишганман. Ўша онлардаги у кишининг қайинотам, яъни Мансуров Раҳматулда билан маориф соҳасининг муаммолари-тўғрисидаги суҳбатлари, атрофдагиларга эътибори, ёши, дунёқараши ва касбига мос равишда суҳбат қуришлари мени ҳайратда қолдирган.

Қайинотам Насриддин аканинг болалик йиллари нақадар оғир қийинчиликларда ўтгани ҳақида кўп гапирар эди. Айниқса, Нуротадаги Пушкин номли мактабнинг 8-синфида ўқиб туриб, бошланғич синфларга ўзбек тилидан дарс берганларини фахр билан тилга олар, бизга ўхшаган ёшларни бу ажойиб инсондан кўп нарсани ўрганишга даъват этар эдилар. Мана шунга ҳам 45 йил бўлибди.

Шу йиллар мобайнида бу оила билан яқин муносабатда бўлар эканман, ҳамон у кишидаги гўзал инсоний фазилатлар — ҳалоллик, поклик, инсонпарварлик, масъулият, меҳрибонлик каби хислатлардан ибрат олишга ҳаракат қиламан.

Нур элидан чиққан бу инсон Республика Маориф вазирлигида вазир ўринбосари лавозимида ишлаб, мактаб-маориф ишига бутун жамоатчиликни, вилоятлардаги хўжалик раҳбарларининг эътиборини жалб қила олган эди. Республика ўқитувчиларининг моддий-маиший шароитини яхшилашга, уларнинг касб-маҳоратини кучайтиришга, мактабларда ўқув-тарбия ишларини яхшилашга, ўқувчиларга пухта билим беришга қаратилган қатор чора-тадбирларни амалга оширишда, ҳар бир вилоятда янги замонавий мактаб бинолари қуришда бош-қош бўлган эди. Ўзи туғилиб ўсган Нурота туманида иккита болалар боғчаси, битта мактаб, ўқувчилар саройи, битта мусиқа мактабини қуришга мутасаддилик қилди. Таниқли жамоат арбоби, олижаноб инсон марҳум Хожиқул Худойқулов билан биргаликда Навоий педагогика институти ва педагогика билим юртини барпо этди. Бу инсон фақатгина жамоат ташкилотчиси, малакали халқ маориф ходими бўлибгина қолмай, ажойиб олим ҳамдир.

У кишининг раҳбарлигида бир қанча фан номзодлари, фан докторлари ва бошқа муносиб шогирдлар тайёрланган.

Насриддин ака Раҳмонов ҳозирги кунда Халқ таълими вазирлигида Фаҳрийлар кенгашининг раиси. Доимий равишда кексаларнинг ҳолидан хабардор бўлиб,

уларни моддий рағбатлантиришга ҳисса қўшади. Шу муносабат билан тантанали кеча ва йиғилишларни ўта масъулият билан ташкил қилади. У киши ҳар доим фаол меҳнат қучоғида.

Бу кишининг ҳавас қилишга арзийдиган икки қизлари ва ўғли, етти нафар набира ва икки нафар эваралари бор.

Умр оқар дарё дейдилар. Бугунги кунда ҳаммамиз учун қадрли ва меҳрибон устозимиз, Нур элининг нуронийси Насриддин ака Раҳмонов 80 ёшни қарши-лаб, оила аъзолари, ёру биродарлари қучоғида қариллик гаштини сурмоқдалар.

*Туйғуной Расул қизи НИЁЗМАТОВА,  
педагогика фанлари номзоди, доцент.*

## **ЗИЁ ТАРҚАТГАН ИНСОН**

Устоз Насриддин Раҳмонов 80 ёшга кирибдилар. Дастлаб, бу гап бир оз қулоғимга эришроқ туюлди. Наҳотки, кечагина биз шогирдларига педагогика сир-асрорларини ўргатиб, йўл-йўриқ кўрсатиб юрган устоз бугун ўзининг 80 ёшлик таваллудини қаршилайётган бўлса? Шу фикр хаёлимга келди-ю, устоз билан бирга ишлаган йилларим кўз олдимда намоён бўлди.

1965 йил. Ўқитувчи бўлиб иш бошлаганимга эндигина 5 йил тўлган. Ўша йиллари устоз Насриддин Раҳмонов ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институти ректори эди. Мен раҳбар ва муовинлар суҳбатидан ўтиб, ўзбек тили ва адабиёти кабинетига “методист” лавозимига қабул қилиндим.

Насриддин ака шогирдларига ва қўл остидагиларга ўта талабчан ва қаттиққўл, шу билан бирга уларнинг фойдасини ўйловчи меҳрибон устоз эди.

Насриддин Раҳмонов институт услубчиларидан кунлик, ҳафталик, ойлик, йиллик режа асосида ишлашни талаб этарди. Курсларнинг юқори савияда, мазмунли ўтиши, вақтдан унумли фойдалана олиш кераклигини ҳар кун, ҳар дақиқада таъкидлаб турар, ишнинг кўзини биладиган раҳбар сифатида ҳамманинг эътибор ва ҳурматида эди.

Шу йилларда институтда жуда кўплаб амалий семинарлар ва конференциялар ўтказилар, унда институт жамоаси фаол иштирок этарди. Бу семинарлар Республика миқёсида ўз акс-садосини берарди. Бу ишларнинг ортида устоз Насриддин Раҳмоновнинг ташаббуси ҳамда шахсан қўллаб-қувватлаши турарди.



Айнан мана шу ишлар туфайли турли жойлардан келган ўқитувчилар бир-бирлари билан танишиб, ўз иш тажрибаси билан ўртоқлашар ва олам-олам таассуротлар билан жойларига қайтар эдилар.

Насриддин ака ишга кечикиб келган ходимларга ҳеч қачон ён босмас, улар тўқийдиган турли хил баҳона-сабабларни инобатга олмас эдилар.

Ҳозир у киши ҳақида эслаяпману, кечикиб келган ходимларнинг одамни кулгисини қистатадиган баҳоналари ёдимга тушяпти.

Устоз ёшларни илм эгаллашга, илмий тадқиқот ишлари олиб боришга доимо даъват этиб келганлар. Натижада бир нечамиз фан номзоди илмий унвонига сазовор бўлдик.

Мен Насриддин аканинг умр йўлдошлари, тажрибали мураббий, мактаб директори лавозимида ишлаган Саломат опа билан учрашиб турар эдим. Бу мактаб тумандаги энг ишчан жамоага эга эди. Тингловчилар билан мактаб ўқитувчиларининг дарслари кузатиладди. Эсимда, бир куни Саломат опага Насриддин ака ишда жуда қаттиққўллар десам ишонмагандай бўлдилар. Бундан дастлаб ҳайрон бўлиб юрардим, кейинчалик билсам, устоз ниҳоятда оилапарвар, меҳрибон инсон эканлар.

Ҳа, устоз ана шундай ажойиб инсон. Раҳбарлик қилиш, ҳар бир ходим билан тил топиб гаплаша олиш катта маҳорат талаб этади. Устозда бу борада худо берган қобилият бор эди. Ана шу истеъдод, қобилият, ташаббускорлик туфайли у киши институт ректорлигидан сўнг Халқ таълим вазирининг ўринбосари лавозимига муносиб топилди.

Устозим ҳақида ҳикоя қилар эканман, у кишининг босиб ўтган ҳаёт йўлига ҳавас билан қарайман. Чунки Насриддин Раҳмоновга ўхшаб бир умр зиё тарқатган инсон кам бўлмас экан.

*Иброҳим ПОРСОЕВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи,  
уруш ва меҳнат фахрийси.*

## **ЖОНКУЯР РАҲБАР**

Мен Насриддин Раҳмонов билан 1953 йилда танишган эдим. Иккинчи жаҳон урушидан қайтиб келгач, тўрт йил мактабда ўқитувчи ва раҳбар бўлиб ишладим. 1953 йилда Тошкент Давлат университетини битирганимдан кейин Ўзбекистон Маориф вазирлигига ишга таклиф қилишди.

Ишга қабул қилиндиму, аммо бу катта даргоҳда ишлаб кета олармиканман деган хаёл мени тинимсиз ўйлантирар эди.

Дастлаб мактаблар бош бошқармасида инспекторлик вазифасида иш бошлаганман. Тўғри, бу катта даргоҳга келгунимга қадар оз бўлса-да, тажрибам бор эди, лекин шунга қарамай, икки-уч ойгача ўзимга ишонмай юрганман.

Бошқармадаги инспектор, услубчи ходимларнинг ишлари билан танишиш жараёнида билдимки, улар тажрибали, ўз соҳаларининг билимдон мутахассислари экан. Дастлабки кунларданоқ улар билан ҳамсуҳбат бўлиб, маслаҳатлашиб ишга кўника бошладим.

Кунларнинг бирида мактаблар бошқармасининг бошлиғи ҳузурига чақирди. Кейин билсам, янги ходим бўлганим учун суҳбат ўтказишга таклиф қилган экан.

Бошқарма бошлиғи ёш, навқирон, хушбичим, ширинсўз йигит Насриддин Раҳмонов билан шунда биринчи бор танишган эдим.

У мени очиқ чеҳра билан кутиб олди, ҳол-аҳвол сўрагандан кейин амалий ишга ўтиб, мактаблар инс-

пектори сифатидаги вазифаларим тўғрисида батафсил маслаҳатлар берди. Биринчи суҳбатдаёқ у кишининг тажрибали раҳбар ва қатъиятли, фикр-мулоҳазалари кенг, камтарин, айти замонда талабчан, меҳрибон инсон эканлигини англаб етдим.

Насриддин Раҳмонов вазирликка келганига қадар Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги катта ўрта мактабда ўқитувчи ва раҳбар бўлиб ишлаб, жамоа ўртасида ишчанлиги, қобилияти билан ҳурмат қозонганлигини кейинчалик билиб олдим.

Насриддин Раҳмонов вазирликка бошқарма бошлиғи бўлиб келганда ҳам қўл остидаги ходимлар билан тез-тез суҳбатлар ўтказиб, тажрибали инспектор ва услубчиларнинг иш фаолиятларини оммалаштиришга қаратилган семинар-машғулотлар уюштириб турар эди. Инспекторларни вилоятларга хизмат сафарига юбораётганда жойлардаги мактаб-маориф ишларини таҳлил қилиб, камчиликларни бартараф этиш ҳақида йўл-йўриқлар кўрсатиб, ютуқларни юзага чиқариш тўғрисида ҳам маслаҳатлар ва топшириқлар берар эди. У халқ маорифи ишлари, айтиқса ўқитувчилар ва мактаб раҳбарларининг кўп қиррали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида берган амалий маслаҳатларидан мамнун бўлардик.

Шунинг учун ҳам Н. Раҳмонов вазирликда ишлаётган катта жамоа ўртасида обрў-эътибор қозонган эди. Ҳар бир масалада тезкорлиги, масъулиятни чуқур ҳис қилиши, ташаббускорлиги туфайли у вазирликдаги раҳбарлар назарига туша бошлаган эди.

Биз ишлаган эллигинчи-олтмишинчи йилларда вазирликда яхши бир анъана, қоида давом этарди. Идорада ишлаётган ёш ходимларга ҳар тарафлама иш ўргатиш, билимдон мутахассис қилиб тайёрлашга катта эътибор берилар эди. Бундан мақсад мактаб-маориф ишларини яхшилашда жонбозлик қиладиган ташкилотчи, билимдон раҳбарлар тайёрлаб, вилоят ва туманларга юбориш эди.

1954 йилда Насриддин Раҳмонов вазирлик томонидан Самарқанд халқ маорифи бўлимига мудир этиб

тайинланди. Айни шу кезде мактаблар инспектори бўлиб ишлаётган Р. Тойиров Наманган вилоятига, мен Сурхондарё вилояти халқ маорифига мудир этиб тайинланганмиз.

Н. Раҳмонов етти йил Самарқанд вилояти халқ маорифи бўлими мудирлиги бўлиб ишлаган йилларда ўзининг серғайрат, ишчан мураббий раҳбар сифатида ҳам кўрсатиб, маорифчилар ўртасида катта обрў қозонди. Ҳашта йилларда мен Сурхондарё вилоятида ишлаётганимда Самарқандга Н. Раҳмонов ҳузурига тез-тез келиб маслаҳатлар олиб турар эдим.

Н. Раҳмоновнинг вилоят халқ маорифи ишларини ривожлантиришдаги тадбиркорлиги, иш тажрибалари бир неча мартаба “Ўқитувчилар газетаси”да омалаштирилган.

Насриддин Раҳмонов 1960 йилда Ўзбекистон маориф вазирининг биринчи ўринбосари лавозимига ишга тайинланди.

У вазирликнинг энг масъулиятли соҳаси — Олий ўқув юртлари бўйича раҳбар бўлиш билан бирга молия, қурилиш ва моддий-таъминот бошқармалари ишларини ҳам назорат қилар эди. У кишининг жонбозлиги, елиб-югуришлари, қатъияти туфайли республика ўқув муассасаларини ўқув-техника қуроллари, мебеллар ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш ишларида катта силжишлар юз берди. Иттифоқ Маориф вазирлигининг режа-молия бошқармасида республика маориф тизимининг моддий-техник эҳтиёжи учун йил сайин ажратиладиган моддий захираларни ҳимоя қилишда Насриддин Раҳмоновнинг хизматлари катта бўлди.

Булардан ташқари, иттифоқдаги бошқа республика маориф вазирликлари билан дўстона алоқалар ўрнатилгани туфайли улардан ҳам республикамизга ўқув-техника қуроллари, мебель ва бошқа жиҳозлар олишда Н. Раҳмонов ташаббускорлик қилар эди. Шу йилларда Украина, Белорусия, Молдавия, Латвия, Грузиядан сифатли мактаб мебеллари келтирилган эди.

Таъминот бошқармасининг вилоятлардаги ўқув-кўргазма қуроллари магазини ва базалари фаолияти ҳар йили Н. Раҳмонов бошчилигида, молия назорати тафтиш бўлими мутахассислари иштирокида таҳлил этилиб, вазирликда муҳокама қилинар, давлат бюджетидан ажратиладиган молиявий маблағларнинг тўла ўзлаштирилишига қаратилган тadbирлар белгиланиб, дастурга киритилар эди.

Устозимиз Н. Раҳмоновнинг юқорида санаб ўтилган ишчанлиги, республика халқ маорифининг моҳир ташкилотчиси сифатидаги самарали фаолияти, айниқса жонкуярлиги ёшларимиз учун ибрат мактаби бўлишига арзигулик.

*Қудрат МУМИНХУЖАЕВ,  
халқ таълими аълочиси,  
“Шухрат” медали соҳиби.*

## КАТТА ТАШКИЛОТЧИ

1973 йилда мени Ўзбекистон Маориф вазирлиги ҳузуридаги олий ва ўрта махсус педагогик таълим бўйича Республика методика кабинетига ишга таклиф қилишган эди. Бу ерда ўз фаолиятимни услубиётчи лавозимидан бошлаб, кейинчалик кабинет мудирини ўринбосари, кабинет мудирини лавозимларида 1985 йилгача ишладим.

Бу даврда Маориф вазирининг ўринбосари Насриддин Раҳмонов сий ва ўрта махсус педагогик таълим бошқармаси, Республика методика кабинети фаолиятига ҳам умумий раҳбарликни олиб борар эдилар.

1972 йилдан бошлаб педагогика олий ўқув юртлири Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидан Маориф вазирлиги тасарруфига ўтказилган эди. Бу ўқув муассасаларининг моддий-техника базаси, профессор-ўқитувчилар билан таъминланиш даражаси ночор аҳволда бўлган.

Ўша даврда Маориф вазири бўлиб ишлаган фалсафа фанлари доктори, профессор Саид Шермухаммедов ўқув юртлирини ҳар томонлама талаб даражасига кўтариш, ўқув-тарбия сифатини яхшилаш масалаларига катта эътибор берар эди. Ушбу ўқув муассасаларининг илмий, ўқув-услубий фаолиятини бошқариш ишларини олиб боришда Насриддин Раҳмоновичнинг маориф соҳасини жуда яхши билиши, раҳбарлик қобилияти, ишни тезкорлик билан ташкил қила олиш маълақаси қўл келган. Бошқарув тизимига янги ишга келган ходимлар, улар қаторида мен ҳам у кишининг ташкилотчилиги, талабчанлиги хислатларини ўрганар ва шунга қараб ишимизни ташкил қилар эдик.

Ушбу вазифаларни ҳал қилиш учун институт ректорлари, проректорлари, факультет деканлари, кафедра мудирлари билан алоҳида ташкилий ишлар олиб борилган. Бу даврда барча мутахассисликлар билан ўқув режалари, дастурларини янгилаш, уларни дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, услубий тавсиялар билан таъминлаш масалалари билан Республика услубиёт кабинети шуғулланарди.

Шу йилларда педагогика институтлари талабаларини ўзбек тилида дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашга ҳам ҳаракат қилинган. Бу ишлар “Ўқитувчи” нашриёти орқали нашр этиларди. Албатта, ўқув адабиётлари рус тилидаги китоблардан таржима қилинар эди. Шу билан бирга Насриддин Раҳмонович раҳбарлигида институтларнинг тажрибали ўқитувчилари томонидан яратилган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини нашр қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Натижада физика, кимё, биология, география, математика ва бошқа фанлардан қатор дарсликлар ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилган, оригинал ўқув қўлланмалари яратилган эди.

Уларга Ўзбекистон халқлари ҳаётига доир материаллар ҳам киритилгани, буюк алломаларимизнинг хизматлари тилга олингани эсимда.

Насриддин Раҳмонович педагогика институтларида илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ишига жуда катта эътибор берар, аспирант ва докторантларнинг илмий ишларини ўз ҳузуридаги мажлисларда муҳокама қилиб, уларга ёрдам бериш йўлларини кўрсатар эди. У даврда докторлик ишини ёқлаш учун докторант албатта ўз илмий изланишлари натижаларини монография шаклида нашр қилдириши зарур эди. Бу иш бизнинг методика кабинетига юкланган бўлиб, Фанлар Академияси “Фан” нашриёти орқали монографияларни нашр этиш ишлари олиб борилган ва бу ишни шахсан Насриддин Раҳмонович назорат қилар эдилар. Албатта, илмий изланувчиларга бўлган бу эътибор натижасида фан докторлари ва номзодлари сафи олдинги йилларга нисбатан тахминан тўрт мартага ортди.

Насриддин Раҳмонович раҳбарлигида ҳар йили педагогика институтлари талабаларининг илмий-назарий конференциялари ўтказилиб, унда талабалар ўзларининг илмий изланишлари натижалари бўйича маърузалар билан чиқишар эди. Бу талабаларнинг баъзилари кейинчалик илмий ишлар билан шуғулланиб, фан номзодлари даражасига етишдилар.

Шу йилларда умумиттифоқ миқёсида илмий-амалий конференциялар, Республика педагогик ўқишларини юқори даражада ташкил этишга эътибор қаратиларди. Тошкент шаҳрида тилларни ўқитиш бўйича илмий-назарий конференция, Андижон ДПИ базасида математикани ўқитиш бўйича илмий-назарий конференция ўтказилган, унда бошқа республикалардан олимлар фаол қатнашишган эди. 1984 йилда Тошкент шаҳрида мактаб ўқувчиларининг Умумиттифоқ спартакиадаси ташкил этилиши ва ўтказилишида Насриддин Раҳмонович бошчилигида катта ташкилий ишлар олиб борилганди.

Хуллас, ўн икки йил давомида катта ташкилотчи раҳбар Насриддин Раҳмонович билан ёнма-ён ишлаш даври менинг келгусида маориф соҳаси бошқарув тизимида фаолият кўрсатишимда катта ёрдам берди.



*Ўзген АБДУРАШИДОВ,  
халқ таълими фахрийси.*

## ҚУРИЛИШНИ ҲАМ УДДАЛАГАН

1967-1972 йилларда Шайхонтохур тумани халқ маорифи бўлимида мудир ўринбосари ва бош муҳандис вазифасида хизмат қилган эдим. 1972 йили мени Маорифи вазири С.Ш. Шермухаммедов ўз ҳузурига чақириб, вазирликнинг қурилиш бошқармасида Бош муҳандислик вазифасида ишлашни таклиф қилди ва вазир ўринбосари Насриддин Раҳмонов олдига суҳбат учун юборди. Бўлажак устозим Н. Раҳмонов бевосита қурилиш ишларига раҳбарлик қилар экан. Суҳбат чоғида: “Мен қурувчи эмасман, педагогман, қурилиш ишларини амалга оширишда сизга ўхшаган қурувчи муҳандисларга суяниб ишлаймиз”, — дедилар. Суҳбат давомида менда Н. Раҳмонов ҳақида яхши таассурот қолди.

У киши ширинсухан, масалани тез ҳал қиладиган, соф виждонли киши экан. Бошқарма бошлиғи, жуда тажрибали, уруш йилларидан бошлаб вазирликда ишлаган Е.А.Ситников билан танишиб, биргаликда иш бошлаб юбордим.

Вазирликда қурилиш ҳажми жуда салмоқли экан. Шаҳар, туман ва қишлоқларда мактаб, болалар боғ-часи бинолари қурилишини бевосита вилоят ташкилотлари буюртмачи сифатида Қурилиш вазирлигининг жойлардаги трестлари орқали олиб борар эдилар. Вазирлик бу ишларни назорат қилар ва уларга ҳар томонлама ёрдам берар эди. Ўз навбатида, вазирлик тасарруфида, республика бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган мактаб-интернатлар, педагогика институтлари, педагогика билим юртлари ва бошқа

бир қатор ташкилотлар ҳам бор эди. Улардаги қурилиш ишлари бевосита Маориф вазирлиги буюртмаси асосида Қурилиш вазирликлари билан бирга амалга ошириларди. Педагогика институтлари ва педагогика билим юртлари Олий таълим вазирлигидан Маориф вазирлиги тасарруфига ўтиши муносабати билан бу муассасаларда ўқув-ётоқхона, ошхона, спорт зали биноларини қуриш учун лойиҳалар тайёрлаш ва Бухоро, Қарши, Сирдарё, Жиззах, Хоразм, Андижон педагогика институтлари ва Тошкент, Бухоро, Қорақалпоғистон Автоном Республикаси педагогика билим юртлари учун янги қурилиш мажмуаларини лойиҳалаш ишлари бошланиб кетди. Лойиҳалаштирувчи ташкилотлар билан бирга бу ишни Н. Раҳмонов бошқарди. У кишининг талабчанлиги, тезкорлиги ҳамда қурилиш бошқармасининг масъулияти туфайли барча ишлар белгиланган муддатда кечикмай амалга оширилди. Шу билан бир вақтда Республика ўқувчилар саройи, Республика математика интернати, спорт интернати учун янги спорт мажмуаси ва бошқа бир қанча бинолар қурилиши авжида эди. Қурилиш жараёнида кўп қийинчиликлар, етишмовчиликлар, муаммолар келиб чиқар эди. Механизмлар, асбоб-ускуналар, жиҳозлар, ишчи кучлари етишмас эди. Бу муаммоларни ҳал этишда устозимиз Н. Раҳмоновнинг роли катта бўлди. Қурилиш вазирликлари, уларнинг қурилиш трестлари билан биргаликда Н. Раҳмонов ишбилармонлик, талабчанлик, сабр-тоқат билан қурилиш жараёнини кўриб чиқар ва сўнгра тадбирлар белгиланар эди.

1970-85 йиллар давомида мактаб, болалар боғчаси биноларини қуриш ҳажми йил сайин ошиб борди. Марказлашган давлат маблағларидан ташқари колхоз, совхоз, завод, фабрикалар ва қатор вазирликлар ўз маблағлари ҳисобига мактаб, болалар боғчаси биноларини қураётдилар. Буларнинг ҳаммасига вазирликнинг, шахсан Н. Раҳмоновнинг аралashiши ва қаттиқ назорати талаб қилинар эди. Биз вазирлик ходимлари ҳайрон қолар эдик: қандай қилиб Н. Раҳмонов бу

ишларни амалга оширишга ва назорат қилишга улгуради? Қурилиш ишларидан ташқари Н. Раҳмонов зиммасига олий ва ўрта педагогика билим юртлари, ўн беш мингга яқин болалар муассасаларининг таъминот ишлари, уларни молиялаш, режалаш ишлари, малага ошириш институтларига раҳбарлик қилиш юклатилган эди. Бу ҳажмдаги ишларни амалга оширишда Н. Раҳмоновнинг ташкилотчилиги, ҳаракатчанлиги, масалаларни тез ечиш қобилияти, билими ва шижоати ётар эди. 1970-1986 йилларда ҳар йили бир юз саксон-икки юз минг ўқувчига мўлжалланган мактаб бинолари, қўшимча синф хоналари қурилиб, ишга топширилди.

Вазирлик тасарруфида лойиҳалаш бюроси ва таъмирлаш, қурилиш бошқармаси ҳам бор эди. Уларни ташкил этишда бевосита Н. Раҳмоновнинг ҳиссаси катта эди.

Эсимда, раҳбаримиз, устозимиз Н. Раҳмонов бошчилигида мактаблар, кадрлар, қурилиш, молиялаш, олий ва ўрта педагогик ўқув юртлари ҳамда таъминот бошқармалари бошлиқлари иштирокида вилоятларда ярим йиллик ва бюджет йили яқунлари кўриб чиқилар эди. Бунинг учун вилоят, шаҳар, туман халқ таълими бўлимларининг ишлари чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиниши керак эди, албатта.

Устозимиз Н. Раҳмонов бу ишларни ташкил этишда жуда моҳир эдилар. Камчиликлар шундай очиб берилар эдики, вилоят раҳбарлари қойил қолишар эди. Бу камчиликларни бартараф қилиш учун тадбирлар белгиланарди. Қурилиш ташкилотлари билан шартнома тузиш, ишларнинг бориши ҳақида маълумотлар олиш ва текшириш, бундан ташқари, ҳар бир қурилиш учун Давлат режа қўмитаси ва таъминот бошқармаларидан моддий-техника асбобларини олиш, уларни ҳар бир жойларга етказиб бериш (кабель, ошхона жиҳозлари, ўқув жиҳозлари, парталар, стол, стуллар, бир ўқув хонаси учун мўлжалланган ҳар хил жиҳозлар) каби ишларни бошқариш ҳам Н. Раҳмонов томонидан амалга оширилди.

Қурилиш-таъмирлаш бошқармаси 800-900 га яқин ишчи кучига эга эди. Ушбу ташкилот Республика миқёсидаги ўқув муассасаларида жорий ва капитал таъмирлаш ишларини ҳам олиб борар эди. Аммо ўша йиллари устоз-мураббий, гапнинг очиги, қурилишни ҳам бекаму кўст уддалаган эди...

Бу ишларни бажаришга жуда катта матонат ва вақт сарфланиши аниқ. Республикадаги барча мактаб-боғчалар тармоқларини тўғри жойлаштириш, уларга моддий ёрдам бериш, жиҳозлар, асбоб-анжомлар билан таъминлаш, ошхоналар қуриш каби ишларда ҳам Н. Раҳмонов жонбозлик кўрсатган эдилар.

Шунингдек, Н. Раҳмонов боғча, мактаб, мактаб-интернатлар, мактабдан ташқари ташкилотлар, билим юртлари, институтларга кўмир, бензин, ўтин етказиб бериш ишларини ҳам назорат қилардилар. Бу ишлар жуда катта масъулият, жавобгарлик ва вақтни талаб этарди.

Ўн беш йил давомида мен устоз Н. Раҳмонов билан бирга ишладим. У киши заҳматкаш, ишлаб чарчамайдиган, қаттиққўл, талабчан инсон эди. Биз бу талабларга бардош берардик. Шу билан бирга, ўз ходимларига жуда меҳрибон эдилар.

Устознинг эса қоларли матонатли ишларини Республика маорифчилари доимо қадрлайди.

*Озода ХОЛИҚОВА,  
кимё фанлари номзоди, Ўзбекистон  
Миллий университети доценти.*

## ИБРАТЛИ ҲАЁТ

Насриддин Раҳмоновични мен биринчи бор турмуш қурган йилимда кўрган эдим. Бир куни турмуш ўртоғим Холиқов Коммунал билан 1-Май кўчасига ўтиб қолганимизда, бу ерда Маориф вазирлигида амаким Насриддин Раҳмонович ишлайди, уни кўриб кетайлик деб қолдилар. “Болалар дунёси” магазини рўпарасидаги бинонинг 2-қаватига кўтарилиб, уларнинг кабинетларига кирдик. Катта ва ёруғ хона, шу хонага монанд ёруғ чехрали киши бизни қаршилаб, ўрнидан туриб келди. Ҳол-аҳвол сўрашилди, ишлар тўғрисида гаплашилди. Ўша вақтда биз ТошДУ аспирантлари эдик. Шу қисқа учрашувдаги мазмунли суҳбатдан ҳайратланиб кўчага чиққанда: “Бу одам зўр иқтидорли инсон экан, бундайлар юз йилда дунёга бир келади”, — деганим эсимда. Шундан сўнг уларнинг Чилонзордаги уйларига бордик. Бу кичик ва шинам квартирадаги жиҳозлар, уй эгаларининг самимийлиги ва меҳмондўстлиги уларнинг юқори диди ва чин инсонлигидан далолат берарди.

Сўнг биз номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдик, мен ТошДУда ўқитувчилик қила бошладим, турмуш ўртоғим эса, аввал илмий-тадқиқот институтларида, сўнгра Маориф вазирлигига қарашли Қори-Ниёзий номли Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида илмий котиб бўлиб ишлади. У ердан Маориф вазирлигининг фанлар ва малака ошириш бўлимига ўтди ва бевосита Насриддин Раҳмоновичнинг қўл остида хизмат қилди. Четдан кузатишимга қараганда иш суръати жадал эди. Турли хил йиғилишлар, ҳисо-

ботлар, маърузалар, хизмат сафарлари... Насриддин Раҳмонович жуда талабчан ва шу билан бирга меҳрибон ва жонкуяр эди. Мураккаб муаммолар ечимида, фавқулудда ҳосил бўлган вазиятларда жуда доно ва фойдали маслаҳатлар бериб, ходимларини кўп ноҳуш ҳоллардан асраб турар эди.

1983 йил сентябр ойига келиб оиламизда катта қайғули воқеа содир бўлди. Турмуш ўртоғим Коммунал Розикович вафот этдилар. Насриддин Раҳмоновичнинг ўша кунлари ва токи ҳозиргача менга ва фарзандларимга қилган меҳрибонликларини унутмайман.

Мана энди Насриддин Раҳмонов ва уларнинг рафиқалари Саломат опам нафақага чиқишди, лекин шунда ҳам уларнинг ҳаёти аввалгидек жўшқин ва сермазмун, дўстлари кўп. Насриддин ака бамисоли маёқ, ҳаммага йўл кўрсатиб, ўзига чорлаб туради. Уларни кига келган одам доимо бир янгиликнинг гувоҳи бўлиб, оиладаги ширин муомала, тотувликдан ибрат олиб кетади. Уларнинг ташрифларини Тошкент, Самарқанд, Нурота ва яна кўп жойлардаги дўстлар ва қариндошлар интизорлик билан кутишади.

Меҳнат қилган инсон ҳеч кам бўлмас экан. Бунга яна бир мисол Насриддин ака ва Саломат опанинг боғ ҳовли олишиб, у ерни боғу-бўстонга айлантириб ўтиришгани. Кўрган одамнинг ҳаваси келади.

Хуллас, ҳаёт давом этади. Оққан дарё эса оқaveraди.

Устознинг умр дафтари бугунги ёшларга ибрат мактаби бўлиб хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ.

## МУНДАРИЖА

<i>Р.Х.Жўраев. Маориф фидойиси.....</i>	<i>5</i>
Муқаддима.....	7
Туғилган жойим ҳақида.....	10
Ота-боболаримнинг ўтмиши.....	14
Ғожиали йиллар. Оғир кечган ёшлигим.....	20
Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ҳаётим. Универси- тет даргоҳида.....	29
Оила қуришда рўй берган мўъжиза. Ҳаётимнинг янги даври.....	34
Халқ маорифи тизимидаги муаммолар. Мустақиллик сари.....	45
Таълим ислоҳотлари мустақилликнинг мевасидир.....	61
<b><i>Ҳамкасблари, шогирдлари ва дўстларининг дил сўзлари</i></b>	
<i>Саид Шермуҳаммедов. Маърифатга бағишланган баракали ҳаёт.....</i>	<i>74</i>
<i>Жўра Йўлдошев. Устоз сийратига чизгилар.....</i>	<i>79</i>
<i>Акмал Қосимов. Камтарин инсон, моҳир ташкилотчи.....</i>	<i>82</i>
<i>Мўбинжон Баратов. Устоз.....</i>	<i>84</i>
<i>Абдуманнон Отақулов. Қалби пок, маънавияти етук инсон .....</i>	<i>89</i>
<i>Муфат Маматов. Элдан сабоқ олиб .....</i>	<i>91</i>
<i>Комил Оқилов. Маорифимизнинг толмас жонқуяри.....</i>	<i>93</i>
<i>Наримон Жабборов. Моҳир тарихшунос ва таълим ташки- лотчиси.....</i>	<i>97</i>
<i>Ҳамидулла Йўлдошев. Халқ таълимига бахшида умр.....</i>	<i>101</i>
<i>Комил Холиқ ўғли Розиков. Интилганга толе ёр.....</i>	<i>104</i>
<i>Эшқобил Холиқов. Қалби дарё устозга таъзим.....</i>	<i>109</i>
<i>Собир Зияев. Талабчан раҳбар.....</i>	<i>114</i>
<i>Очил Наврўзов. Нуротанинг оқил фарзанди.....</i>	<i>116</i>
<i>Абдулла Музаффаров. Таълим жонқуяри.....</i>	<i>119</i>
<i>Тойиржон Юсупов. Комил, фидойи.....</i>	<i>122</i>
<i>Малоҳат Мансурова. Нур элининг нуроний зиёлиси.....</i>	<i>125</i>
<i>Туйғуной Расул қизи Ниёзматова. Зиё тарқатган инсон.....</i>	<i>128</i>
<i>Иброҳим Порсов. Жонқуяр раҳбар.....</i>	<i>130</i>
<i>Қудрат Мўминхўжаев. Катта ташкилотчи.....</i>	<i>134</i>
<i>Ўзген Абдурашидов. Қурилишни ҳам уддалаган.....</i>	<i>137</i>
<i>Озода Холиқова. Ибратли ҳаёт.....</i>	<i>141</i>

**Насриддин Раҳмонов**

**УМР ЙЎЛИ**

*Ўзбек тилида*

Нашр учун масъул: *Бахтиёр Омон*

Муҳаррир *О.Абдуллаев*

Расмлар муҳаррири *У.Солиҳов*

Техник муҳаррир *Е. В.Толочко*

Мусахҳиҳа *Г.Азизова*

Компьютерда саҳифаловчи *М.Йўлдошева*

ИБ № 09-69

Босишга рухсат этилди 22.04.2004. Бичими 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.

Офсет қоғози. Офсет босма. Шартли б.т. 7,56.+0,84 вкл.

Нашр т.5,5.+0,6 вкл. 1000 нусхада босилди. Буюртма № 32.

Шартнома №830 Баҳоси шартнома асосида.

ЎзРФА «ФАН» нашриёти. Тошкент-700047, акад. Яҳё Фуломов кўчаси, 70.

МЧЖ «Ношир» босмахонасида босилди

700129, Тошкент, Навоий кўчаси,

Савдо расталари.

74 г (5У)